

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ИЖОДИЙ ВА КУНДАЛИК ЁЗУВ

4 – 5 модулар

USAIDнинг «Окуу керемет!» лойиҳаси

Бу нусха АҚШнинг халқаро ривожлантириш бўйича агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг қўллови билан тузилди. Нусханинг мазмуни USAIDнинг ёки АҚШ ҳукуматининг фикрларини расмий турда ифодаламайди.

УДК 372.8
ББК 74.26
Б86

Тузувчи-муаллифлар:

Орозова Р. А., Эсенгулова М.М., Усупова М. К., Фадеева Г.Н., Юсупова А.Д., Brattle Publishing Group, LLC® нашриётчилар гуруҳи бўлими, Brattle Education

П.ф.н. И.А.Низовскаянинг умумий таҳрири остида

Б86 Бошланғич мактабда ижодий ва кундалик ёзув: 4-5 модуллар
/ Туз.- муал. Орозова Р. А. ж.б. Б.:2021 114 б.

ISBN 978-9967-9313-3-6

4-модуль. Бошланғич мактабда ижодий ёзув. Ушбу тренинг модули “ижодий ёзув” тушунчасини, унинг бошланғич синф ўқувчиларига ўқитиш жараёнида унинг мазмуни ва турли хил матнларни – уларнинг турлари, нутқ услублари ва ўқувчилар ўзлаштириши мумкин бўлган жанрларни таништиради. Ушбу модулда асосий эътибор ижодий ёзма иш ёзиш жараёнига ва уни қандай ўргатишга қаратилади. Бундан ташқари, модуль ижодий ёзув ролини ўқитувчи томонидан қайта кўриб чиқиш ва уни ўқувчилар томонидан турли фанларни (математика, ватаншунослик, ХХА ва бошқаларни) ўрганишда киритиш имкониятини яратишга қаратилган. У ўқитувчиларга ўқиш дарсларида, шунингдек, бошқа фанларни ўрганишда ижодий ёзувни қўллашнинг ҳар хил стратегияларини таклиф қилади.

Модуль 5. Бошланғич мактабда кундалик ёзув. Ушбу модулда ўқувчиларнинг билим ва тажрибасини энг муҳим ишга айлантириш, сўз бойлигини ошириш, ўқиганни тушунишини чуқурлаштириш, ўрганганларини ва шаклланган кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўқувчилар ютуқларини намойиш қилиш кабилар, таълимнинг турли мақсадлар ва вазифаларини инобатга олган ҳолда, бошланғич мактаб дарсларида кундалик ёзувдан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқиш таклиф қилинади. Унда ўқиш, ватаншунослик, математика, ТХА ва бошқа предметларда кундалик ёзувни интеграциялаш усуллари ҳақида таклифлар берилган. У ўқиш дарсларида ва бошқа предметларда ўқитувчиларга кундалик ёзувдан фойдаланишнинг турли стратегияларини тақдим қилади.

Материаллар умумтаълим ташкилотлари, академик ташкилотлар ва олийгоҳлар, Қирғиз Республикаси малака ошириш тизими вакилларида иборат миллий экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилди. Улар Ширли Диксон (фалсафа фанлари доктори), Карон Харден (таълим соҳасидаги фанлар магистри) халқаро экспертлари ва Brattle Publishing Group нашриёт гуруҳи билан қалин ҳамкорликда ишладилар.


Техник таҳрир қилиш, босма версияси ва дизайни устида Токтогулова Н.К. ҳамда Brattle Publishing Group® ишладилар.

Таржимон: Халмуратова М. У.

Редактор: Мирзахидова М. И., филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9967-9313-3-6

УДК 372.8
ББК 74.26




Миннатдорчилик изҳори

USAIDнинг «Оқуу керемет!» лойиҳаси – 1-4 синфларда ўқиш ва математика юзасидан таълим натижаларини яхшилашга йўналтирилиб, беш йилга мўлжалланган лойиҳа ҳисобланади (2019-2024). Ушбу ташаббус ҚР бошланғич синфлардаги ўқиш малакаларини ривожлантириш соҳасидаги USAID аввалги лойиҳаларининг натижаларига асосланади. «Оқуу керемет!» лойиҳаси, шунингдек, ўқиш ва математикага фанларига оид синфдан ташқари ишда ёрдам беради ва бошланғич мактабнинг барча ўқувчилари учун сифатли билим билан таъминлаш бўйича Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги билан ҳамкорлик қилади.

Оқуу керемет! ўқитувчиларни ўқиш дарсларида ўқитиш амалиётини такомиллаштиришга ўргатиш учун бешта илғор ўқитиш модулларини ишлаб чиқди. Бу ўқув-методик материаллар ҚР Маориф ва фан вазирлиги ҳузуридаги Республика малака ошириш ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш институтининг Ўқув-методик бирлашмаси мажлисида кўриб чиқилди ҳамда бошланғич синфлар учун ўқиш дарсларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда педагогик кадрлар малакасини оширишда фойдаланиш учун тавсия этилди (2020 йил 14 октябрдаги баённома кўчирмаси).

USAIDнинг «Оқуу керемет!» лойиҳаси материалларни ишлаб чиқариш жараёнида кўрсатган эксперт кўмаги учун ҚР МФВ ва Қирғизистон Таълим Академияси қошидаги РМО ва ПХҚТИга ўз миннатдорчилигини изҳор этади.



Кириш сўз

Ҳурматли ўқитувчилар!

«Окуу керемет!» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган ушбу ўқув модулига хуш келибсиз! «Окуу керемет!» лойиҳасига АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича Агентлиги (USAID) маблағ ажратган бўлиб, у Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги ҳамкорлигида ишга оширилади. Лойиҳа Қирғиз Республикасидаги бошланғич мактабларининг 75 фоизидида 1-4 синфларида билим олаётган 300 000 ўқувчиларнинг ўқиш ва математика фанлари бўйича таълим натижаларини яхшилашга қаратилган.

Номи айтиб турганидай, «Окуу керемет!» лойиҳаси ҳар бир болага таълим олиш қудрати ва имкониятини мадҳ этади. Ўқитувчилар шу қудратга туртки берадиган катализаторлар ҳисобланади. Бизда қандай мактаб муассасаси, китоблар, технологиялар ёки ўқув дастурлари борлигидан қатъий назар, айнан ўқитувчилар болаларда англаш учқунини аланга олдирадидилар. Кучли ўқитувчилар турли хил болалар учун билимларни тушунарли қилиб етказишга қодир бўладилар. Бу вазифани ўринли бажариш учун бир қатор кўникмалар талаб қилинади. Бу кўникмалар жамиятимизнинг ўзгаришини, айниқса, технологик инновацияларнинг ўсиш суръатини ҳисобга олган ҳолда, мунтазам равишда такомиллаштирилиши зарур.

«Окуу керемет!» лойиҳаси аввалги таълимий лойиҳалар, жумладан, «Сапатту билим», «Бирга ўқиймиз», «Ўқиш фурсати», «Билим учун озиқланиш ва ҚРда болалар озиғи» ва бошқа кўплаб таълимий лойиҳаларнинг давоми сифатида амалга оширилади. Бизнинг лойиҳа фаолияти мустаҳкам пойдеворга қурилади. USAID томонидан қўллаб-қувватланадиган бу янги ташаббуслар доирасида биз ўқувчиларнинг ҳам ўқиш кўникмаларини, ҳам математик кўникмаларини ривожлантириш бўйича иш олиб борамиз, ахир улар бир-бирларини қўллаб-қувватлайди ва иккаласи ҳам асосий кўникмалар ҳисобланади. Масалан, ўқиганини тушуниш болаларга математикага оид масалаларни ечишга имкон беради. Математикага оид масалалар ечимини тушунтириш ва асослай билиш ўқувчиларга турли фанларни ўзлаштиришда далилларни ўйлаш ҳамда синтез қилиш ва мантиқий хулосаларни чиқариш имконини беради.

«Окуу керемет!» лойиҳасининг тренинглари дастурига киритилган математикадан ташқари, Дастур инклюзив таълим, тенглик ва таълимда янги технологиялардан фойдаланиш каби мавзуларни ҳам ўз ичига олади. Таълимнинг универсал дизайни ва Дифференциалланган таълим каби ёндашувлар орқали ўқитувчилар турли қизиқишлари ва эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларни ўқитишга ҳамда уларнинг яшаш жойидан – қишлоқ ёки шаҳарда, тил муҳити ёки ривожланиш ҳолатидан қатъий назар, ўқишда ютуқларга эришишлари учун тенг имкониятларни яратишга тайёр бўладилар.

Ушбу модуллар қатор томонлар – Қирғизистон Республикаси Маориф ва фан вазирлиги, Республика малака ошириш ва педагогик ходимларни қайта тайёрлаш институти, И.Арабаев номидаги Қирғиз Давлат Университети, Марказий Осиё Америка университети, Қирғизистон Таълим Академияси, Ижтимоий интеграция маркази,

Маданият, ахборот ва туризм вазирлиги, ўқитувчилар ва бошқалар ҳамкорлигининг
натижасидир

COVID-19 пандемиясига боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамасдан, ўз ишига содиқ
бўлган иштирокчилар модулни ишлаб чиқиш жараёнини ўз ниҳоясига етказдилар.
Глобал пандемия оқибатлари туфайли таълим соҳасида рўй берган бундай вазиятда
педагогларнинг таълим жараёнида катализаторлар сифатидаги роли янада муҳим
бўлади, деб ўйлаймиз. Ушбу модуллар бу муҳим вазифаларни ҳал қилишда сизга
ёрдам беради, деб умид қиламиз.


Барча педагогларга энг эзгу тилаклар билан,



Лиана Герч,
"Окуу керемет!" лойиҳаси директори,
Қирғиз Республикасида RTI International


4-МОДУЛЬ

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ИЖОДИЙ ЁЗУВ



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МКТАБДА ИЖОДИЙ ЁЗУВ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	6
1.1 Ижодий ёзув нима?	6
1.2. Матнлар хилма-хиллиги	7
1.2.1. Матнларнинг турлари	7
1.2.2. Нутқ услублари	9
1.2.3. Адабий жанрлар	10
2-БЎЛИМ. ИЖОДИЙ ЁЗУВ ЖАРАЁНИ	16
2.1. Тайёрлов босқичи	19
2.2. Асосий босқич	27
2.3. Якуний босқич	32
3-БЎЛИМ. ТУРЛИ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА ИЖОДИЙ ЁЗУВДАН ФОЙДАЛАНИШ	35
3.1. Математика дарсларида ижодий ёзув	35
3.2. Ватаншунослик, Одобрнома, ҲҲА дарсларида ижодий иш	36
3.3. БТИ ва мусиқа дарсларида ижодий ёзув	38
4-БЎЛИМ. ҚАЙТА АЛОҚА ВА БАҲОЛАШ	40
5-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ИЖОДИЙ ЁЗУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ	45
5.1. «RACE» стратегияси	46
5.2. «Ўқиган асарга ёзма тақриз» стратегияси	49
5.3. «Мақтанг, сўранг, тузатинг» стратегияси	51
5.4. «РАФТ» стратегияси	53
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	56
ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН РЕСУРСЛАР	58
ГЛОССАРИЙ	59
ИЛОВА	61



КИРИШ

“Инсон учун барча меҳнат жараёнларидан энг қийини ижод қилиш ҳисобланади. Сиз бирор нарса қила олишингиз ёки ёза олишингиздан аввал, сиз чуқур мулоҳаза қилишингиз, бир муддат машқ қилишингиз, яхшилаб ўйлаб кўришингиз, ўз ақлингиз билан чуқур англашингиз ва буни ўз тажрибангизда синаб кўришингиз керак”.

А.М. Грина-Земскова

Ёзув саводхонликнинг асосий малакаларидан бири ҳисобланади. Ўқувчиларнинг ҳар қандай китобхон тушуна оладиган мазмунли матнларни туза олиши уларнинг ҳар бирига мавзу, ҳодисалар, атрофидаги муҳит ҳақида шахсий фикрини ёзиш ва ифодалаш имконини беради. Ижодий ёзув айнан шундан иборат. Бугунги рақамли ахборот дунёсида қизғин мулоқот технологиялар ёрдамида рўй беради, шунинг учун ёзма маълумот беришни ҳам, олишни ҳам билиш муҳим. Электрон почта, онлайн чатлар, факслар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар – буларнинг ҳаммаси ёзув малакаларини талаб қилади. Мулоқот қанчалик аниқ бўлса, муваффақият эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Ҳар қандай соҳада ёки касбда ёзув малакалари зарурдир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқувчилар ўзлари ўқиб чиққан нарса ҳақида ёзганларида, улар шахсий зеҳни ва тафаккурини ривожлантирадилар (Langer & Applebee, 1987). Бошқа тадқиқотлар бўлса, айнан ёзув танқидий тафаккурни яхшилашни белгилайди (Quitadamo & Kurtz, 2007). Бундан ташқари ижодий ёзма машқлар ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигини оширади, фикрлаш фаолиятлари: таҳлил, синтез, ўхшашлик ва фарқларни топиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, тушунтириш ва исботлашни ривожлантиришга ёрдам беради. Ижодий ёзув ўзаро фикр алмашиш қобилиятларини анча жадалроқ ривожлантириш имконини беради. Ўқувчи ўз фикрини ёзма равишда ифодалашни ўрганаётганида, у нима ўқиётгани, талқин қилаётганини ва нима ҳақида ўйлаётганини таҳлил қилишга лаёқатли бўлиб қолади.

Барча фанларни ўзлаштириш жараёнида биринчи синфдан бошлаб ижодий ёзувни ривожлантириш тавсия қилинади. Ўқувчиларда ижодий ёзув малакаларини ёзишни ўргатиш билан бир вақтда уни ривожлантиришни ҳам бошлаш муҳим, чунки бу келгусида мустақил ёзув малакаларини эгаллаш қийинчиликларидан халос бўлиш имконини беради. Ўқувчилар: а) бошқа одамлар билан фикр алмашиш, б) матнни чуқурроқ тушуниш учун унинг маъзини чақиш, в) олдинги таълим тажрибаси билан алоқа ўрнатишни ўрганадилар (Graham и др., 2012).





Яхши ёзишни билиш – бу ёзишнинг механик жиҳатларига (гапнинг тузилиши, грамматика, пунктуация, дастхат ва орфографияларга) шунчаки диққат-эътиборни тўплашдан кўра кўпроқ нарсадир. Механик жиҳатлар ҳам муҳим, лекин яхши матн ёзишда асосий эътибор биринчи навбатда мазмунга, фикрларга ва муаллиф бу фикрларни қандай ифодалашига қаратилади. Кучли муаллифлар ёзма иш яратиш жараёнининг ўзига катта эътибор берадилар.






Дастлаб улар матнни режалаштирадилар, сўнгра ишнинг хомаки вариантыни тайёрдилар, фикр-мулоҳазалар учун бошқа одамларга кўрсатадилар, сўз ва уларнинг тартибини ўринли фойдаланилганини билиш мақсадида ёзилган матнни баҳолайдилар, қайта кўриб чиқадиладар ва ниҳоят таҳрир қиладилар; механик жиҳатлари – гап тузилиши, грамматика, имло ва тиниш белгиларини текширадилар (Graham и др., 2012). Ёзиш жараёнини ўргатиш барча ўқувчиларда самарали ёзувнинг малакаларини ривожлантиришга ёрдам берганлиги сабабли, ушбу модуль ижодий ёзув жараёни ва уни қандай ўргатишга қаратилган.

Ижодий ёзув – бу фақатгина ўқитишнинг қулай йўли бўлиб қолмай, балки у дарсларни хилма-хил қилиш, ўқувчилар учун дарсларни қизиқарли ва жозибали қилиш имконини ҳам беради.

“Бошланғич мактабда ижодий ёзув” модули ўқитувчи томонидан ижодий ёзув ролини қайта кўриб чиқиш ва уни ўқувчиларнинг турли предметлар ўрганишларига киритиш имкониятини яратишга қаратилган. Модулнинг биринчи бўлимида “ижодий ёзув” тушунчасининг ўзи, унинг бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиш жараёнидаги аҳамияти ва матнлар турли-туманлиги – уларнинг турлари, нутқ услублари ва ўқувчилар бошланғич мактабда ўзлаштириши мумкин бўлган жанрлари кўриб чиқилади. Иккинчи бўлимда ёзув жараёнининг ўзи кўриб чиқилади ва ўқувчилар билан ишлашнинг қадам-бақадам босқичи кўрсатилади. Учинчи бўлимда Ватаншунослик, ҲҲА, Муסיқа ва БТИ бўйича дарсларда ижодий ёзувни қўллашнинг бир қатор мисоллари келтирилади. Кейинги бўлимда ёзма ишларни баҳолаш бўйича тавсиялар берилган. 5-бўлим ўқитувчиларга RACE, РАФТ, ўқиб чиқилган асарга ёзма жавоб ва “Мақтанг, сўранг, тузатинг” каби ижодий ёзувни қўллаш стратегияларини таклиф қилади. Модуль қуйидаги тизимга мувофиқ ишлаб чиқилган (1-жадвални қаранг).

1-жадвал. Модуль тузилиши

	Ҳар бир бўлим ўқувчи эътиборини жуда муҳим бўлган маълумотга қаратиш мақсадида йўналтирилган саволлардан бошланади. Бу саволлар тегишли бўлимнинг бутун мазмунини қамраб олади.
	Модулда кўрсатилган мавзуларнинг қисқача шарҳи синфда мавзуларни қўллашнинг таянч тамойиллари ва мавзулар муҳимлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.
	Резюме – ҳар бир бўлим охирида модуль қоидаларининг асосий қисқача мазмуни берилган.
	“Стратегиялар”да ўқитувчилар турли предметлар бўйича дарсларда ушбу ёндашувларни қандай қўллаш мумкинлиги тўғрисида аниқ кўрсатмалар мавжуд.

	<p>Ҳар бир стратегия: а) ўқитувчининг дарсгача, дарс пайтида ва дарсдан кейинги фаолиятини; б) баҳолаш ва ўқитиш жараёнини дифференциациялаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.</p>
	<p>Матнда бўлимнинг асосий фикрларини тасдиқловчи муҳим тадқиқотлар ҳақида қўшимча маълумот келтирилади.</p>
	<p>Фойдаланилган адабиётлар</p>
	<p>Ўқитувчиларга ўқиш учун тавсия этиладиган ресурслар</p>
	<p>Глоссарий</p>
	<p>Илова</p>



1-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МКТАБДА ИЖОДИЙ ЁЗУВ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Ижодий ёзув нима?
- ◆ Матннинг қандай турлари мавжуд?
- ◆ Нутқ услублари нима?
- ◆ Бошланғич мактабда ўқувчилар томонидан ёзма ишларни яратиш учун қандай адабий жанрлардан фойдаланиш мумкин?

“Ижодкорлик – бу бола учун тасаввур эмас. Уни ўргатиш керак. Бола ўқитувчи томонидан табиат тавсифини эшитгандагина, у иншо ёза олади”.

В.А.Сухомлинский

1.1 Ижодий ёзув нима?

Бошланғич мактабда ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда шахсий фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда раво баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобланади. Бу вазифага маълумотни ўзлаштири олиш ёки унинг мазмунини бера олиш ва ўз фикрини ифодалай олиш қобилиятини ривожлантириш орқали эришилади. Бошланғич мактаб битирувчилари ёзма шаклда шахсий фикрини ифодалашни билиши керак, чунки кейинчалик хат ёзиш, маъруза тайёрлаш, китобхон кундалигини юргизиш, ўрганилаётган мавзу бўйича конспект тузиш, керакли шакллар тўлдириш зарурати пайдо бўлади.

Кўпинча ижодий ёзув деганда фақат бадиий асарлар (ҳикоя, роман, сценарий, шеърлар) яратиш жараёнини назарда тутадилар. Бу ҳолатда ижодий ёзув ёзувчилик маҳорати атамасининг синоними бўлади.

Ижодий ёзувни Скотт Кауфман шундай таърифлайди: “Бу муаллиф шахсини, унинг фикрлари, маслағи ва одатларини ўз ичига олган ҳар томонлама фаолиятдир”¹.

Ижодий ёзув машқлари ёзишни ўргатишнинг дастлабки босқичлариданоқ болага ҳамроҳ бўлиши керак. Мактаб ёшига етмаган болалар, уларга ўқиб берилган эртани ҳикоя қилиб берган ҳолда, эртани ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, ўз фикрларини баён қилишни ўрганадилар. Сўнгра сюжетли расмлар ёрдамида болалар ўз ҳикояларини тузишни ўрганадилар. Расмлар аста-секин болалар мактабда ёзишни ўрганаётган жонли нутқ сўзлари билан алмаштириб борилади, сўнг болалар гап тузиладиган бир неча сўзларни ёзадилар ва ниҳоят, бир неча гапдан иборат бўлган боғланишли матн пайдо бўлади.

Агар ижодий ёзув бошланғич мактаб таълимига ўқиш, тил, математика, этика, ватаншунослик, мусиқа ёки ҲҲА (Ҳаёт хавфсизлиги асослари) дарсларида ҳар хил

¹ Scott Barry Kaufman. The Psychology of Creative Writing. — Cambridge University Press, 2009.

машқлар кўринишида онда-сонда эмас, балки мунтазам равишда иложи борича эрта кирита бошланса, ўз шахсий фикрларини ёзма ифодалаш мураккаб ва бажариш қийин вазифа бўлиб қолмайди. Ижодий ёзув стратегиялари ва ёзишни ўргатиш бир вақтда фойдаланилса, унда биринчи синфнинг охирига бориб ўқувчилар нафақат 30-35та сўз ҳажмидаги ўз матнларини яратибгина қолмай, балки уларда тилни сезиш, шунинг билан бирга, имло малакаси ҳам шаклланишини тажриба натижалари кўрсатди (Т.Рамзаева ва бошқалар, 2020). Ижодий ёзув ёрдамида ёзма ишлар яратиш мустақиллиги йўлидаги психологик тўсиқ енгиб чиқилади. Бу тўсиқ кўпинча ўқитувчи томонидан тақдим қилинган намунадан кўчириш йўли орқали матнлар ёзишни ўргана бошлаган ўқувчиларда пайдо бўлади.

Ўқувчиларда саводли, етук ва чиройли ёзма ишни ривожлантиришда машғулотлар учун ўқув материални тўғри танлаш зарур. Ҳар хил жанр, услуб ва турдаги болалар адабиётининг хилма-хил матнлари ижодий ёзув машқлари учун дидактик материал бўлиб ҳисобланади (қаранг: 3-модуль. “Бошланғич мактабда болалар китобидан фойдаланиш”). Ўзларининг шахсий ёзма ишларини яратиш учун ўқувчилар матн турлари, нутқ услублари ва адабий жанрлардан хабардор бўлиши керак. Бу ҳақида қуйида фикр юритилади.

1.2. Матнлар хилма-хиллиги

Матн – бу нутқий фаолиятнинг якуний маҳсули. Матн жумлалардан иборат, у жумлаларга бўлинади (ажратилади). Матндаги барча жумлалар маъносига кўра ўзаро боғланган, умумий мавзу ва асосий фикр орқали бирлаштирилган бўлади. Матнда барча жумлалар маълум бир тартибда жойлашган. Матн нисбатан тугал фикр ҳисобланади ҳамда боши ва охирига эга бўлади (Бреусенко Л. ва бошқалар. 2018).


Матнлар а) нутқ тури (мазмун етказиш йўли), б) нутқ услуби (тил воситалари) ва в) жанрлар бўйича бўлинади.

1.2.1. Матнларнинг турлари

Юқорида айтилганидек, матн маълум бир мавзу ва асосий фикр орқали бирлаштирилган гаплардан иборат. Матнда нима ҳақида гапирилса, у мавзу ёки нутқ мавзуси ҳисобланади. Муаллиф ифодалашни, тушунтиришни ёки китобхонни ишонтиришни хоҳлаган нарса асосий фикр ҳисобланади. Ҳар қандай матн маъносини етказиб беришда, унинг қандай баён қилингани, матнда гаплар қандай тузилгани, уларнинг мантиқий тартибига қандай риоя қилингани муҳимдир. Бу нутқ тури дейилади.

Нутқ турлари – бу муаллиф ўз фикрини етказиш учун фойдаланадиган баён қилиш йўли. Матнларнинг функционал хиллари – ҳикоя қилиш, тавсифлаш, фикр юритиш. Матнда ишлатиладиган матн турларига боғлиқ ҳолда матннинг ушбу турлари ажратилади – ҳикоя қилиш, тавсифлаш ва фикр юритиш. (1-схемани қаранг).

1-схема. Матнларнинг турлари



Ҳикоя қилиш – бу вақтинчалик кетма-кетликдаги ҳар қандай воқеалар ҳақида сўзлаб берадиган нутқ тури, воқеа ёки ҳодисаларни кетма-кет алмаштириш ҳақидаги хабардир .

Воқеада акс эттирилган ҳаракатлар кетма-кет рўй беради ва улар бир-бири билан мантикий боғланган бўлади Қуйидаги бирликлар ривоя матн учун хос:

- ◆ **воқеа боши:** қаҳрамонлар, ўрин, вақт, ҳолат ва ҳаракатлар тасвири;
- ◆ **тугун:** нимадир рўй беради ва бутун воқеанинг боши бўладиган ҳаракат ёки воқеа бошланади;
- ◆ **воқеалар ривож:** бош қаҳрамонга нима бўлади, воқеалар қандай ривожланади
- ◆ **кульминация:** бу ҳикоянинг энг ёрқин ва муҳим пайти. Қаҳрамон асосий муаммога ва кутилмаган тўсиққа дуч келади;
- ◆ **ечим:** асосий муаммо ёки низо ўз ечимини топади;
- ◆ **якун:** барча сюжет чизиқлари якунланади.

Ҳикоя динамик характерга эга: матнда бош ва иккинчи даражали қаҳрамонлар мавжуд, воқеа ўрни ва вақти аниқланган, сюжет чизиғи кузатилади, муҳим воқеанинг боши ва якуни бор. Метафорадан фойдаланган ҳолда айтиш мумкинки, ривоя матн – бу “фильм” бўлиб, унда бош қаҳрамон, содир бўлаётган воқеаларнинг ўрни ва вақти бор, қандайдир муаммо пайдо бўлса, у ҳал қилинади ва бутун воқеа якунланади.

Тасвир – бу нутқ тури бўлиб, унинг ёрдамида воқеликнинг қандайдир ҳодисаси, унинг доимий ёки бир вақтда иштирок этган белгиларини ёки хатти-ҳаракатларни санаб ўтиш йўли билан тасвирланади.

Тасвирнинг мақсади – бўёқларда кўриш осон бўлган образни китобхонга тақдим қилиш. Белгиларнинг намоиш бўлиш вақти ва ўрни бирлиги муҳимдир. Тасвир а) предмет, жонивор ёки инсон тасвирини, б) жой тасвирини, в) муҳит ёки инсон ҳолати тасвирини ўз ичига олиши мумкин. Тасвир матни қуйидаги қисмлардан иборат:

- ◆ предметнинг умумий тавсифи, умумий таассурот;

- ◆ белгилар, тафсилотлар;
- ◆ предметнинг умумий баҳоланиши.

Тасвир матн турғун воқеликни акс эттиради. Агар ривоя матнни фильм билан таққослаш мумкин бўлса, унда тасвир матн – бу “фотосурат”.

Мулоҳаза – бу нутқ тури бўлиб, унинг ёрдамида қандайдир ҳолат, фикр исботланади ёки тушунтирилади; воқеа ва ҳодисаларнинг сабаблари ва оқибатлари, баҳолашлар ва ҳис-туйғулар ҳақида гапирилади.

Мулоҳазанинг мақсади – ишонтириш, тушунтириш, исботлаш. Мулоҳаза қуйидаги қисмлардан иборат:


- ◆ фикр (тезис) – исботлаш керак бўлган ғоя;
- ◆ тезисни асослаш – исботлаш мисоллари билан уни тасдиқловчи далилар;
- ◆ резюме – яқун, хулоса.

1.2.2. Нутқ услублари

Нутқ услублари – бу ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасида: бадий адабиётда, кундалик мулоқотда, расмий-иш муносабатларида, оммавий ахборот воситаларида ва фан соҳасида фойдаланиладиган нутқ турлари.

Бешта асосий нутқ услублари ажратилади (2-схемани қаранг).

2-схема. Нутқ услублари



Бадиий услуб. Бадиий матндаги асосий вазифа – бу бадиий образлар ёрдамида ўқувчининг тасаввури ва ҳис-туйғусига таъсир этиш; унда муаллифнинг фикри ва ҳис-туйғулари берилади, сўз бойлигидан фойдаланилади; бундай матнда фикрлар нутқнинг образлилиги ва ҳиссиётлилиги билан тавсифланади. Бадиий услуб учун таққослашлар, метафоралар, эпитетлар, тажассум этишлар ва бошқа тасвирий-ифодалаш воситалари хос.

Илмий услуб. Илмий услуб илмий маълумот бериш учун ишлатилади. У дарсликлар, луғатлар, энциклопедиялар, маърузалар ва бошқаларда қўлланади. Фикрлар одатда умумлаштирилган, аниқ, исботланган, ҳис-туйғу бўёғисиз бўлади. Илмий матнларда махсус сўзлар, жумладан, атамалар қўлланилади.

Публицистик услуб. Публицистик матнларнинг асосий вазифаси қандайдир ҳодиса, воқеа ёки предмет ҳақида маълумот бериш орқали китобхонни нимагадир ишонтиришдан иборат. Бу услуб оммавий ахборот воситаларида (газеталар, журналлар, брошюралар ва бошқаларда) қўлланилади, уни яратишда кўпинча тантанавор лексика, ундайдиган гаплар, риторик саволлар ва хитоблардан фойдаланилади.

Расмий-иш услуби. Ундан расмий, ишга оид маълумот беришда фойдаланилади. Расмий-иш услубида тузилган ҳужжатлар одамлар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳал қилиш ёки ижтимоий ҳаётнинг қандайдир томонига хизмат қилишга йўналтирилган. Бу услуб кундалик турмушда ишлатилади. Расмий-иш матнларига маълумотнома, эълон, таржимаи ҳол, ишга оид хат-ҳужжатлар, ўқувчининг расмий тавсифномаси ва бошқалар киради. Одамларга ушбу услубни яхшироқ тушуниши янада осонроқ бўлиши учун расмий-иш матнларини тузишда стандарт шакллар ва тил клишелари ишлатилади.

Сўзлашув услуби. Бу кундалик жонли мулоқот учун ишлатиладиган усул. Сўзлашув услуби матнларида китобхонлар ёки тингловчилар билан жонли нутқ, ёрқин ифодаланган экспрессия, тилга оид сўзлашув воситалари орқали алоқа ўрнатилади: бунга эмоционал бўёқдор сўзлар, оғзаки тилда ишлатиладиган сўз ва иборалар, ундалмалар, ундов сўзлар ва бошқалар киради.

Ушбу услубни амалга оширишнинг оддий шакли – суҳбатдир. Бу услубда ёзилган матн сўзлашув лексикасини ихчам гапларни ва содда синтаксисни ўз ичига олади.

1.2.3. Адабий жанрлар

Ижодий ёзув тил ва адабий ўқиш дарсларида бошланғич мактаб ўқувчиларининг нутқини ривожлантириш бўйича муҳим йўналиш ҳисобланади.

Мактаб амалиётида ҳар қандай ижодий ёзма иш анъанавий равишда иншо дейилади. Бу номни мамлакат методикаси ижодий ёзма ишга бириктириб қўйган. Ғарб давлатлари анъанаси ўқувчилар ёзма ишини белгилаш учун “эссе” сўзидан фойдаланади. Ҳозирги пайтда “эссе” сўзига мамлакат методикаси ҳам фаол равишда кўникиб бормоқда. Энциклопедик адабий луғатда эссега “олдиндан предметнинг таърифли ва тўлиқ талқин қилишга даъво қилмаган ва аниқ бир сабаб ёки масала бўйича ўзига хос таассурот ва мулоҳазаларни ифодаловчи кичик ўлчамдаги ва эркин композицияли насрий ижод”² деб таъриф берилади.

“Ҳар хил номланишига қарамай, иншо ҳам, эссе ҳам ёзишни ўргатишга айнан бир хил талаб қўйган ҳолда, бир хил ўқув вазифаларини бажаради:

- ◆ Фикрларни ёзма шаклда аниқ, мустақил равишда баён қилишни билиш – умуман олганда ўқувчи учун энг аҳамиятли ва кенг тармоқли қобилиятлардан биридир.

²Литературный энциклопедический словарь/Под общ. Ред. В.М. Кожевникова и П.А. Николаева. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – С.516.

- ◆ Ҳам (бириктирилган талаблари бўлган) жуда қаттиқ шакллардан, ҳам эркин ижодий ишлардан фойдаланилади”³.

Бироқ белгилаб ўтиш керакки, ғарб мактабларида “эссе, фақат адабиётшуносликка ва тилга оид фанларнинг алоҳида имтиёзи бўлиб қолмасдан, балки ҳар қандай предметлар бўйича машғулотларда ёзилади”⁴. Шунингдек, эссе ўзига хос хусусиятларига эга ва иншонинг анъанавий шаклидан фарқ қилади.

Дастур бўйича ўқувчиларга турли жанрдаги иншолар ёзиш таклиф қилинади. Жанр – у ёки бу сюжетга оид ва услубий белгилар билан тавсифланувчи бадиий асарларнинг бир тури. Ҳар бир жанр: мавзуни, воқеа ўрнини, сюжетини ва бошқаларни тақдим қилишда ўзига хос хусусиятларга эга. 3-схемада бошланғич мактабда фойдаланиш мумкин бўлган иншолар жанрлари кўрсатилган. Уларнинг бир қисми педагогларга таниш бўлиб, улар ўқитувчи ҳамда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади, бир қисми эса тавсия қилинганлар сифатида кўрсатилган. Бошланғич мактаб ўқитувчисининг вазифаси – ижодий ёзувдан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш, фақат тил ва ўқиш дарслари билан чекланиб қолмай, балки ўқувчиларни синфда турли мавзуларда иншолар ёзишга таклиф қилишдир.

3-схема. Мактаб ижодий ишлари (иншолар) жанрлари



Қуйида турли жанрлар тасвирлари кўрсатилган:

Эссе. Бу ижодий ишнинг ўзига хос тури бўлиб, ҳар хил мавзуларда, турли билим соҳалари бўйича эссе ёзиш мумкин. Шахсий фикр билдиришнинг эркин шакли эса

³ Низовская И.А. Новое в обучении сочинению// Русский язык и литература в школах Кыргызстана. – 2002. -№3. – С. 70-71.

⁴ Ўша жойда

эсседан турли мавзулар бўйича барча дарсларда фойдаланиш имконини беради. Эссе учун кичик ҳажм ва эркин композиция, муаммони идрок қилиш ва уни англашнинг шахсий хусусияти, ҳикоя қилишнинг эркинлиги, самимийликлар хосдир. Шундай қилиб, эссе – муаллифнинг шахсий нуқтаи назарини таъкидлаб ифодаловчи кичкина матн.

Ҳикоя. Бу адабий асар бўлиб, унда гап қаҳрамон ҳаётидаги муҳим бир ҳодиса ҳақида боради. Бу қандайдир бир воқеа ҳақида ҳикоя қилишдир. Ҳикоя “тугун, кульминация ва ечимни” ўз ичига олган тизим бўйича баён қилинади (8-схемани қаранг). Кичкина ҳажми туфайли ҳикоя кичик сондаги иштирок этувчилар жалб қилинган битта сюжет чизиғини тасвирлайди. Биринчи синф ўқувчилари ҳикоя тузиш учун сюжетли расмлардан, уларни керакли кетма-кетликда жойлаштирган ҳолда, фойдаланиши мумкин. Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларга саволлар ёки таянч сўзлар ёрдамида ҳикоя тузишни таклиф қилиши мумкин. Ҳикоя тузиш учун иккинчи-тўртинчи синф ўқувчиларига қуйидаги топшириқлар вариантлари таклиф қилинади: а) режа бўйича берилган мавзуга ҳикоя тузиш, б) маълум бир парча (боши, ўртаси ёки охири) бўйича ҳикоя тузиш, в) намуна бўйича ҳикоя тузиш, г) ўқигани асосида ҳикоя тузиш, д) сюжетли расмлар серияси бўйича кулгили ҳикоя тузиш (Полякова Э., 2020).

Эртақ. Бу ғаройиб тўқимали, ғайриоддий, лекин тугал сюжетли қизиқ оғзаки ҳикоя тури бўлиб, унда эзгулик албатта ёвузликни енгади. Эртақ тугал сюжет борлиги, мароқчилиги, ўзгачалиги ва тўқималар борлиги билан тавсифланади. Эртақларнинг учта тури мавжуд: а) жониворлар ҳақида эртақлар: уларда ҳам инсонлар, ҳам жониворлар хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган жониворлар қаҳрамонлар бўлиб ҳисобланади, б) ҳаётий эртақлар: уларга турмушга оид мавзулар хос бўлиб, бу эртақларда оддий инсоний муносабатлар доирасида ғаройиб воқеалар рўй беради, лекин ҳаётий эртақларда мўъжиза ва афсонавий ёрдамчилар бўлмайди, в) сеҳрли эртақлар: уларда мўъжизалар рўй беради, сеҳрли қаҳрамонлар ва нарсалар бўлади. Ўқувчилар томонидан эртақлар яратиш уларнинг ижодий ўсишига, матнда қаҳрамонларнинг ҳолати ва ҳис-туйғуларини етказиб берувчи ифодалиликнинг нутқий воситаларидан фойдаланишни билишга ёрдам беради.

Шеър. Бу С.И.Ожегов луғатида таърифланишича, “нутқ, шеърлар орқали бир маромга келтирилган кичкина шеърий асар”. Шеърий шаклда асар яратиш учун ўқувчиларга бир неча вариантдаги топшириқларни таклиф қилиш мумкин: а) қофиядан фойдаланган ҳолда – мисралар охиридаги сўзлар тугалланмаси оҳангдош бўлиши керак, б) айнан бир хил товушлардан иборат сўзлар – аллитерация (ундош товушлар такрорланадиган усул) ёки ассонанс (унли товушлар такрорланадиган усул) ишлатилган шеър ўйлаб топиш, в) тақлидий товуш ёки тақлидий сўзлар ишлатилган шеър ўйлаб топиш. Масалан, “визилламоқ”, “қурилламоқ” ва “шалоплатмоқ” каби сўзлар, деярли ўзлари тасвирлаган товушлар сингари эшитилади. Бундай сўзлар китобхонга тасвирланаётган манзарани эшитиш имконини беради.

Ўқиб чиқилган асарга тақриз. Бу ўқувчининг ўқиган асарига шахсий муносабатини акс эттирувчи ёзма жавобдир. Тақриз синфдошларини бу китобни ўқиб чиқишларига ишонтириш ёки аксинча, уни ўқимасликни тавсия қилиш мақсадида ёзилади. Тақриз ёзиш учун ўқувчиларга: а) ёққан китобни танлаш, б) матнга ном ўйлаб топиш, в) китоб ҳақида айтиб бериш (фақат унинг мазмунини батафсил сўзлаб бермаслик), г) майда-чуйда тафсилотларга берилиб кетмасдан бир-иккита муҳим кўринишни тилга олиш ва воқеа қандай тугашини айтмаслик, д) ўқиб чиқилган китобдан пайдо бўлган ҳис-туйғулари ва фикрларини тасвирлаш; бунга сюжет қаҳрамонларини, услубни, жанрни ва бадиий нутқни баҳолашни киритиш мумкин, е) тақриз якунини чиқариш: ўқиганга ўз муносабатини билдириш, кўтарилган мавзунинг муҳимлиги, бош ғоянинг муҳимлиги, китобни бошқа асарлар билан таққослаш зарур. (қаранг: 5-бўлим. “Ўқиб чиқилган

асарга тақриз” стратегияси). Бу жанрлар бошланғич мактабда ишлатилади, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўқитувчиларга ва ўқувчиларга кўп жиҳатдан таниш. Шу билан бирга иншоларнинг барча ўқитувчилар ва ўқувчилар ўзлаштирмаган турлари ва жанрлари бор.

Комикс. Комикс (ингл. comic – кулгили) – чизилган воқеа, расмлардаги ҳикоя. Комикс ўзида адабиёт ва тасвирий санъат каби санъат турларининг хусусиятларини бирга акс эттиради. Комикс расмлари – бу, моҳияти бўйича, фильмнинг тўхтаб қолган кадрларидир. Бу воқеа расмлар ва улар билан бирга бўлган матнлар ёрдамида ҳикоя қилинадиган асар. Ўз комиксларини ўйлаб топган ҳолда ўқувчилар турли ҳаётий вазиятларни “бошдан кечирадилар” ва моделлаштирадилар, бу эса муаммолар ечимини топиш имконини беради. Комикслар билан ишлашни ХҲА, Ватаншунослик, расм ва этика дарсларида фаол ишлатиш мумкин, топшириқлар эса қуйидагича бўлиши мумкин: а) расмлар олдиндан ўқитувчи томонидан таклиф қилинган, ўқувчилар суҳбатларни “пуфакларга” жойлаши керак бўлган тугалланмаган комикс, б) комиксни расмлар билан безаш – ўқувчиларга мавзу, мақсад ва сюжет таклиф қилинади, ўқувчилар уларга бир қатор кетма-кет расмлар ўйлаб топишлари керак, в) ўқувчиларга ўрганилаётган маълумотни ёки математикадан масалани “қайта тузиш” таклиф қилинади.

Детектив. Детектив – сирли воқеа, кўпинча жиноят тергови ҳақида ҳикоя қиладиган ўткир сюжетли адабиёт жанри. Детектив учун сюжет қуришнинг мантикийлиги, тергов боришини китобхонга кўрсатиб турувчи далилларнинг бўлиши, албатта бўлиши керак бўлган роллар: айғоқчи, жабрланувчи, жиноятчи, гувоҳлар, гумон қилинганларнинг иштироки хос. Якунида барча жумбоқлар ечилиши, барча саволларга жавоблар топилиши керак. Матннинг бундай турини яратиш ҳаёт хавфсизлиги асослари бўйича дарсларда, масалан: а) оловдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, б) табиатни авайлаш, в) кўчаларда ва йўлларда эҳтиёткорлик билан юриш, г) кундалик ҳаётда пайдо бўладиган хавфли вазиятлар ва бошқа мавзулар бўйича таклиф қилинади.

Фантастика. Фантастикага воқеа ўйлаб чиқарилган оламда рўй берадиган, табиатда мавжуд бўлмаган ҳодисалар содир бўладиган, қаҳрамонларга эса ўзгача қобилиятлар берилган ҳикоялар киради. Бу жанр ўқувчилар учун фантазиянинг янги чегараларини очади. Кўпинча болалар фантастиканинг асосий қаҳрамонлари роботлар, афсонавий маҳлуқлар (аждаҳолар, ғайриоддий жониворлар, гапирадиган ўсимликлар) бўлади. Фантастиканинг асосий вазифаси – мўъжиза, эзгулик, ҳаққониятга ишонч қозонишдир. Кўпинча фантастик асарлар яратиш ўқувчиларни турли предметларда ўрганилаётган мавзулар бўйича муаммоларни ҳал қилишга ва жавоблар қидиришга йўналтиради.

Фэнтези (ингл. fantasy – “фантазия”). Бу бадиий асарлар жанри бўлиб, унинг асосида афсонавий ва мифологик мавзулардан фойдаланиш ётади. Илмий фантастикадан фарқли ўлароқ бундай асар оламини ва қаҳрамонлар имкониятларини тушунтириб беришга интилмади. Асосий қаҳрамонлар бўлиб тўқима образлар - маҳлуқлар ва ғайритабиий кучга эга бўлган қаҳрамонлар ҳисобланади. Кўпинча воқеа сунъий оламда рўй беради, унда худолар, сеҳр, афсонавий маҳлуқлар (аждаҳолар, девлар, парилар ва бошқалар) мавжудлигига йўл қўйилади, рўй бераётган мўъжизалар эса тасвирланган олам меъёри ҳисобланади. Британия ёзувчиси Жоан Роулинг томонидан яратилган Гарри Поттер ҳикояси фэнтези жанрининг энг машҳур намунасидир. Фэнтези жанрида ҳикоя яратиш ўқувчиларга ўрганилаётган предметни кўриб чиқиш учун тасаввур ва фантазия кучидан фойдаланиш имконини беради. Бу жанрни ўзлаштириш анча мураккаб бўлиб, унга одатда юқори синф ўқувчиларининг кучи етади.

Фанфик (инглизча *fun fiction* – “адабиёт ишқивози” дегани). Бу ижодий ишнинг янги жанри. Бу ўқувчилар ўқиган китоблари ёки кўрган фильмлари, телекўрсатувлар асосидаги ҳикоя. Фанфик яратишда янги ҳикоя ўйлаб топиш учун мавжуд бўлган қаҳрамонлар ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган воқеалардан фойдаланилади. Ўқувчилар бошланғич мактабда фанфик услубида ҳар хил ҳикоялар ўйлаб топиши мумкин. Масалан, а) тарихий шахснинг ҳозирги замонга саёҳати, б) ўқувчиларнинг машҳур инсон билан учрашуви, в) машҳур адабий қаҳрамон ҳикоясининг давоми, г) машҳур эртақнинг бошқа якунини ўйлаб топиш, д) ҳар хил эртақ қаҳрамонлари ёки сюжетларини боғлаш⁵. Масалан, Қирғизистон табиатини ўрганиш учун ўқувчиларга Қирғизистоннинг турли вилоятларига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини таққослаш мақсадида (оммабоп мультфильм қаҳрамонлари), Актан ва Акилайнинг саёҳатини тасвирлашни таклиф қилиш мумкин.

Микропроза. Микропрозага бир неча гапдан (10та кўп бўлмаган) иборат қисқа миниатюра-ҳикоя киради, атиги беш-олтита сўздан иборат бўлиши ҳам мумкин. Аввал ёзилган кенг матннинг қисқартирилган тури ёки фақат битта сюжетли ҳодиса тасвири ёки бир қаҳрамоннинг қисқача ҳикояси микропроза бўлиб хизмат қилиши мумкин. Микропроза асарларини яратиш учун топшириқ сифатида ўқувчилардан алифбога асосланган, биринчи сўзи А, иккинчиси – Б, учинчиси – В ҳарфидан ва шу тариқа давом этган ҳикоя ўйлаб топишни илтимос қилиш мумкин. Масалан, “**Али билан Вали гулларни Доноларникига етказишди**”.

Қуйидаги ўйин бошланғич мактаб ўқувчилари томонидан микропроза шаклида матн яратиш йўлларида яна бири бўлиши мумкин (Ньюбургер, 2016): ўқувчиларга сўзлар рўйхати тақдим қилинади: а) қаҳрамон танла: *такси ҳайдовчиси, дўкон хўжайини, сув париси, дарахт, қушлар оиласи, дев, эльф* ва ҳ.к., б) улар қанақа: *омадли, шовқин-суронли, шўх, чўчиган, ёқимсиз, тортинчоқ, қизиқувчан* ва ҳ.к., в) воқеа ўрнини танла: *мактаб, ғор, ой, карнавал, ўйин майдончаси, омборхона, яйлов* ва ҳ.к., г) у қанақа: *совуқ, сирли, сеҳрланган, хушманзара, хавфли*, д) буюм танла: *микрофон, рубоб, харита, фотоаппарат, обинон*, е) воқеа танла: *таътил, дўстлар учрашуви, боғда ўтказилган кун, байрам, Иссиқкўлдаги дам олиш*, ё) вақтини танла: *бир соатдан кейин, сен кичкиналигингда, динозаврлар даврида, автомобиллар пайдо бўлгунча* ва ҳ.к., ж) муаммо нимада: *нимадир йўқолди, кимдир сеҳрлаб қўйишди, кимдир уйини соғинди, кимдир хафа бўлди*, з) уни қандай ҳал қилиш керак: *жавоб уйқуда келади, ёрдам сўраб мурожаат қилиш, сеҳр ёрдамида, янги қаҳрамон ёрдамида, қаҳрамонлар бирга ҳаракат қилишади*. Таклиф қилинган сўзлар рўйхатидан ўқувчилар биттадан сўз танлайдилар ва ўз миниатюра-ҳикоясини тузадилар. Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу бўйича сўзлар танлаши мумкин.



Резюме

Фикрларни ёзма кўринишда етказишга йўналтирилган нутқий фаолият шакли сифатида ижодий ёзувни ўқувчиларга ёзишни ўргатишни бошлаш билан бир вақтда ривожлантириш ва бошланғич мактабда барча предметлар бўйича дарсларда тизимли равишда давом эттириш муҳим. Бу ўқувчиларни мустақил ёзишга ва саводли ёзма нутқни ривожлантиришга яхши тайёрлаш имконини беради. Лекин ўқувчилар ёзма ишларини яратишни ўрганиши учун улар матн нималиги ва қандай матнлар бўлиши билан танишлари керак.

⁵ Қаранг: Родари Дж. Грамматика фантазии. – М.: Самокат, 2011.

Матнлар нутқ тури ва услуби бўйича бўлинади, улар ҳар хил жанрларда ёзилган бўлиши мумкин. USAIDнинг “Оқуу Керемет!” лойиҳаси доирасида яратилаётган болалар адабиётининг турли-туманлиги ижодий ёзув малакаларини муваффақиятли шакллантириш учун ўқувчиларни сифатли дидактик материал билан таъминлаш имконини беради.





2-БЎЛИМ. ИЖОДИЙ ЁЗУВ ЖАРАЁНИ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Ижодий ёзув жараёнининг қайси босқичлари бор?
- ◆ Ўқувчиларнинг матн устида ишлашнинг нимадан бошлаш керак?
- ◆ Синфда ижодий ёзув жараёнини қандай ташкил қилиш керак?
- ◆ Ўқувчилар ёзма ишларини қандай якунлаши ва уни қандай тақдим қилиши керак?

Атрофимиздаги олам бир-бири билан боғлиқ бўлган ниҳоятда ажойиб тафсилотларга тўла. Ўз матнимизда улар учун жой топган ҳолда биз уларга нур соча бошлаш имконини берамиз. Жумлалар, оддий сатрлар, сўзлар – бу янги ҳаётга чиптадир. Ёзганларингизни севинг, шунда сизнинг ҳаётингиз анча яхши бўлади.

Карен Бенке. Яна ёз! Ёш ёзувчи учун қўлланма.

Ижодий ёзув жараёни ўз ичига учта: тайёрлов, асосий ва якуний босқични олади. Ҳар бир босқичда ўқувчилар ижодий ёзма иш яратишнинг турли стратегияларини қўллайдилар. Ўқувчилар стратегияни ўринли қўллашлари учун жавобгарлик даражасини босқичма-босқич тақсимлашни ёки ижодий ёзув жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иштирокини таъминлаши муҳим (4-схемани қаранг).

Аввал ўқитувчи ўқувчиларга матн ва матнлар билан ишлаш стратегиялари ҳақидаги таянч маълумотни тақдим қилади, сўнгра бу стратегияларни қўллаш намунасини намойиш қилади. Кейин ўқувчилар ўзлари бу стратегияларни ўқитувчи ёрдамида қўллайдилар. Бунинг учун ўқувчилар маълум муддат машқ қилиб, кейингина мустақил ишга киришадилар.

4-схема. Ижодий ёзувни ўзлаштиришда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг босқичма-босқич жавобгарлиги даражаси

	Ўқувчилар иштироки даражаси
	Ўқитувчи иштироки даражаси

						<p>Таянч билимлар тақдим қилиш.</p> <p>Ўқитувчи ўқувчиларга матн ҳақида (“матн, жанр, тур, услуб, матн тузилиши” тушунчалари ҳақида) таянч билимлар тақдим қилади, ижодий ёзув стратегияларини тушунтиради.</p>
						<p>Стратегияларни тушунтириш.</p> <p>Ўқитувчи ижодий ёзув стратегияларини қандай қўллашни тушунтиради, ўқувчиларни яратилган ишлар намуналари билан таништиради.</p>

						<p>Стратегияларни моделлаштириш.</p> <p>Ўқитувчи стратегиялардан амалда фойдаланишни намойиш қилади, қандай қилиб маълумотни график ташкилотчиларга киргизишни, режа тузишни, маълумот қидиришни ва бошқаларни кўрсатади.</p>
						<p>Стратегияларни қўллашнинг биргаликдаги амалиёти.</p> <p>Стратегияларни амалда қўллаш учун ўқувчилар кичик гуруҳларда ҳамкорлик қиладилар. Ўқувчилар стратегияларни қўллаш билан шуғулланаётганда, ўқитувчи ўқувчиларнинг стратегиядан тўғри фойдаланаётганини текширади ва зарур бўлганда ёзма ишларни ёзишнинг дастлабки босқичларига қайтади.</p>
						<p>Стратегияларнинг назорат остида қўлланиши.</p> <p>Ўқувчилар зарур бўлсагина ўқитувчи ёрдамида стратегияларни қўллайдилар. Ўқувчилар ишлаётганларида ўқитувчи кузатиб боради ва керак бўлса, уларга ёрдам беради.</p>
						<p>Ижодий ёзув стратегияларини мустақил қўллаш.</p> <p>Ўқувчилар стратегияни мустақил қўллайдилар. Агар ўқитувчи баъзи ўқувчиларнинг қийналаётганини кўрса, у дарҳол биринчи, иккинчи ёки учинчи пунктларга қайтади ва стратегиядан қандай фойдаланиш кераклигини ўқувчиларга эслатади.</p>

Ҳар хил (1-4) синф ўқувчилари олдида ижодий ёзувни ривожлантиришнинг муҳим вазифалари туришини белгилаб ўтиш лозим. Биринчи синф бошида, ўқувчилар ёзув қондасини эгаллаш жараёнида, машқларнинг оғзаки шакллари: ҳикоялар, тасвирлар, суҳбатлар устунлик қилади. Биринчи синфнинг биринчи ярим йиллиги якунида болалар сўзларни ёзадилар, тушириб қолдирилган ҳарфларни ўрнига қўядилар, матнни тўлдирдилар. Биринчи синфнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб эса таҳлили бутун дарсни эгаллайдиган кичик ҳажмли матнлар ёзишни бошлайдилар. Кейинги дарсларда матнларни муҳокама ва таҳрир қилиш ўтказилади. Иккинчи-тўртинчи синфларда ўқувчилар дастлаб кичкина, қисқа матнлар яратадилар, ҳатто кейинчалик анча ёйиқ хилма-хил матнлар ҳам тузадилар ва уларни таҳрир қилишни ўрганадилар. Бошланғич мактаб ўқувчилари томонидан ижодий ёзма иш тузиш алгоритми қуйидагича бўлиши мумкин (2-жадвални қаранг).

2-жадвал. Ижодий ёзув жараёни босқичлари

Ёзув жараёни босқичлари	Мақсад	Мазмун
Тайёрлов босқичи	Ўқувчиларга мавзу танлашни; матннинг бош ғоясини аниқлашни; ёзма иш ёзиш учун зарур бўлган материални йиғишни; режа тузишни; воқеаларнинг мантиқий кетма-кетлигини аниқлашни ўргатиш.	Ёзма иш мавзусини танлаш; асосий ғояни аниқлаш; нутқ услубини (бадий, ишга оид ва ҳ.к.), матн турини (ривоя, тасвир, муҳокама) ва адабий жанрни (ҳикоя, эртак, шеър ва ҳ.к.) аниқлаш; мавзу ва уни ёритиш режасига мувофиқ келадиган материал танлаш ва тўплаш; ёзма иш режасини тузиш.
Асосий босқич	Ўқувчиларга ишлаб чиқилган режага мувофиқ матндаги фикрларни кетма-кет тизишни ўргатиш. Матн тузилиши билан ишлаш (сарлавҳа, матн қисмлари ва улар орасидаги боғланишлар, кириш ва якуний гаплар, тур, услуб ва жанрга мувофиқ матн композицияси). Нутқий ишни – сўз бойлигини оширишни ва гапларни тўғри тузишни ташкил қилиш.	Ишлаб чиқилган режага асосан ишнинг хомаки вариантини ёзиш, шу билан бирга ёзилган матннинг: <ul style="list-style-type: none"> • танланган мавзуга ва бош ғояга; • фикрларни узатиш изчиллигига ва боғланишига; • матн турига, нутқ услубига, жанрга; • матн тузилишига; • ҳар хил қурилмалардан ва лексик воситалардан фойдаланиш мувофиқлигига риоя қилиш.
Якуний босқич	Ўқувчиларни ўз-ўзини текширишга, ишларини таҳрир қилишга, матннинг изчиллиги ва тўлиқлигини яхшилашга, хато ва камчиликларни бартараф қилишга ўргатиш.	Дастлабки матнни қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш: <ul style="list-style-type: none"> • мавзу ва бош ғояни очиш; • баённинг мантиқийлиги; • умумлаштиришнинг мавжудлиги; • муаллиф муҳокамаси борлиги; • матннинг танланган нутқ услубга мувофиқлиги. Хатоларни бартараф қилиш <ul style="list-style-type: none"> • мазмундаги: муҳим қисмларнинг, далилларнинг, маълумотнинг тушириб қолдирилиши; • матн тузилишида: кириш қисми, асосий қисм, хотима; • ёзма нутқда: лексик, морфологик, синтактик, мантиқий хатолар.

Ўзув жараёни босқичлари	Мақсад	Мазмун
		Ёзма иш хомаки вариантини тахрир қилиш. Ёзма ишнинг якуний вариантини ёзиш. Ёзма ишни тақдим қилиш. Ёзма ишни баҳолаш.

2.1. Тайёрлов босқичи

Ўқувчилар томонидан ижодий ёзма ишлар яратиш бўйича тайёрлов босқичи: а) ўқувчиларда бирон бир нарсани айтиб бериш, таърифлаш, ўз фикрини исботлашлари керак бўлган вазиятни яратишдан; б) ёзма иш яратиш учун етарлича мукамал материал тўплашдан; в) ғояга мувофиқ тил воситаларини танлашдан иборат.

Тайёрлов босқичи: а) мавзу танлаш ва бош ғояни ифодалашни, б) услуб устида ишлашни, адабий жанрни аниқлашни, в) зарур бўлган материал тўплашни ва танлашни, г) ёзма иш режасини тузишни ўз ичига олади⁶.

Мавзуни ва бош ғояни танлаш

Ижодий ёзма иш ўқувчиларнинг дастлабки билимларини аниқлаш, янги мавзуни ўзлаштириш, олинган билимлар устида фикр юритишга ундаш, билим, малака ва кўникмалардан ҳаётда қандай фойдаланиш мумкинлигини англаш мақсадида, ўқувчилар савиясини кенгайтириш учун ташкил қилинади. Дастлаб тингловчиларни аниқлаб олиш муҳим: бу иш кимга мўлжалланган бўлади, уни ким ўқийди, у кимга қизиқарли бўлади, ундан қандай фойдаланилади. Қўйилган ўқув вазифасига мувофиқ ўқитувчи тайёрлов жараёнида ўқувчилар билан мавзу танлаш ва бош ғояни аниқлаш юзасидан иш олиб боради.

Улар дарс мавзуси, ўрганилаётган янги тушунча билан боғлиқ бўлиши ёки ўқиб чиқилган матн ёки қизиқишлари асосида ўқувчилар ўзлари танлаши мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларга ўрганилаётган расм ёки муסיқа асарининг тасвирини яратишни, ўқиб чиқилган асарга тақриз ёзиш ёки сценарий тузишни таклиф қилиши мумкин. Ёзма иш мавзусини танлаш ва бош ғоясини ифодалаш учун: ментал харита, ғоялар генератори, асар харитаси, режалаштириш харитаси, сюжетли карточкалар яратиш каби бир неча стратегия таклиф қилинади.

Ментал харита (заковат харитаси, хотира харитаси, фикрлар харитаси, ақл харитаси)⁷ – ўзаро боғланишларни ва тафсилотларни аниқлаган ҳолда, ўқувчига нима ҳақида ёзгиси келаётганининг яхлит манзарасини очиш имконини беради. Ментал харита тузишда ғоя аниқ ва тушунарли бўлиб қолади, матннинг бўлғуси қисмлари ўртасидаги боғланишлар яхши кўринади. Ментал харита тузишда ўқувчиларга бир варақ қоғозни расмга кўпроқ жой ажратиш учун горизонтал ҳолда жойлаш тавсия қилинади. Асосий нарса (масалан, янги мавзу номи) варақ марказига ёзилади ва ажратиб қўйилади. Ҳар хил рангли қаламдан фойдаланиб, “бош ғоядан” ўқувчилар чизиқлар (шоҳлар) чиқарадилар, уларнинг ҳар бири асосий мавзунинг маълум бир кўриб чиқилаётган жиҳати учун ажратилади. Ҳар бир шоҳга ёзилади. Шоҳни номлаш

⁶ Рамзаева Т.Г., Львов М.Р. Методика обучения русскому языку в начальных классах: Учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спец. № 2121 «Педагогика и методика нач. обучения». М.: Просвещение, 1979. – 431с


⁷ Батафсилроқ кўриб чиқинг: Бьюзен Т. и Б. Супермышление. – Минск: ООО «Попурри», 2003. – 304 с.

учун шу шох мавзусига мувофиқ равишда йўл очиб берадиган маълум бир сўз танлаб олиш зарур. Йирик шохлардан майда шохлар чиқарилади, уларни номлаш учун ҳам йўл очиб берадиган сўзлар танланади. Мавзунини очиш учун харитани керакли даражада батафсил баён қилиш мумкин. Йўл очиб берувчи сўзлар босма ҳарфлар билан аниқ ёзилади. Ментал хариталар турли расмлар ва белгилар билан жиҳозланиши мумкин. Биринчи синф ўқувчилари ментал харита тузиш учун расмлардан, иккинчи синф ўқувчилари сўзлардан фойдаланишлари мумкин, учинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари эса харитага ибора ва гапларни қўшишлари мумкин. (Қуйидаги намуналарни қаранг).

5-схема. Ментал харита учун қолип намунаси



6-схема. Ментал харита намунаси



Ментал харитасини тузишда қуйидаги маслаҳатларга амал қилиш зарур.


Хариталар тузиш бўйича Тони Бьюзеннинг маслаҳатлари⁸

1. Сўзларни шохчаларга жойлаш муҳим. Шохчалар “жонли”, эгилувчан бўлиши керак.
2. Ҳар бир чизиққа фақат битта йўл очиб берувчи сўз ёзинг. Ҳар бир сўз минглаб эҳтимолий ассоциацияларга эга. Сўзларни ажратиб ёзиш янги ғояларга олиб келиши мумкин.
3. Чизиқ узунлиги сўз узунлигига тенг. Бу тежамлироқ ва “тозароқдир”.
4. Босма ҳарфлар билан тушунарли ва аниқ ёзинг.
5. Йўл очиб берувчи сўзнинг аҳамиятига қараб ҳарфларнинг катталиги ва чизиқлар қалинлигини ўзгартиринг.
6. Албатта расмлар ва белгилардан фойдаланинг (бош мавзу учун расм бўлиши шарт). Ментал харита умуман расмлардан иборат бўлиши мумкин.
7. Бўш жой қолдирмасликка ва шохчаларни ўта зич жойламасликка ҳаракат қилинг.
1. Разросшиеся ветви можно заключать в контуры, чтобы они не смешивались с соседними ветвями.
8. Ўсиб чиққан новдаларни қўшни шохлар билан аралашиб кетмаслиги учун, уларни контурлар ичига олиш мумкин.
9. Варақ ва сўзларни горизонтал ҳолда жойлаштиринг (“альбом йўналишида”). Бундай харитани ўқиш анча қулай.

⁸ Қаранг: Бьюзен Т. и Б. Супермышление. – Минск: ООО «Попурри», 2003. – 304 с.

Ғоялар генератори. Баъзида ижодий ёзма ишнинг мавзуси ва ғоясини аниқлаш учун фақат биргина сўз ёки расм керак бўлади. Бунинг учун қуйидаги қурилмага жойлаштирилган “ғоялар генераторидан” – йўл очиб берувчи сўзлар ёки олдиндан бор бўлган ғоялар рўйхатидан (масалан, ҲҲА, Ватаншунослик, ТБТ ёки Одобнома дарсларида) фойдаланиш таклиф қилинади (7-схемани қаранг).

7-схема. “Ватаншунослик” фани бўйича ёзма ишлар учун ғоялар генератори, 2-синф, мавзу “Она юрт табиати”.



Асар харитаси. Матн яратиш учун, унинг боши, тугуни, ривожини, кульминациясини, ечимини ва хотимасини бўлиши керак, деган талабларга риоя қилиш заруратини ўз ичига олган асар харитасидан фойдаланиш мумкин. Образли қилиб буни чўққига чиқиш ва тушиш кўринишида тасаввур қилиш мумкин (8-схемани қаранг).

8-схема. Асар харитаси



Ҳар қандай тўқилган ҳикоя бирор муаммо атрофида тузилади (бошқачасига уни низо деб аташади). “Низо сюжет асосини тузади. Биз бу сўз орқали қандайдир салбий нарсани белгилашга ўрганиб қолганмиз, бироқ асар аслида ҳар қандай тусга эга бўлиши мумкин бўлган йўл очиб берувчи элементга муҳтож” (Готтшал Д. 2020). Шунинг учун ўқувчиларга “муаммо” – бу бош қаҳрамон билан рўй бериши мумкин бўлган нарса эканлигини тушунтириш муҳим. Бу қандайдир қийинчилик, орзунинг рўёбга чиқиши, воқеа, мақсадга эришиш бўлиши мумкин, бунинг учун қаҳрамоннинг бир оз куч сарфлашига ва бир қатор тўсқинликларни енгиб чиқишига тўғри келади.

Режалаштириш харитаси. Режалаштириш харитасида ўқувчиларга иш мақсадини, китобхонлар аудиториясини ва харитада кўрсатилган саволларга жавобларни ёзиб чиқиш таклиф қилинади. Ёзув жараёнида ўқувчилар харитага мурожаат қилиши ва ишни мўлжалланган мақсадлар билан солиштириб кўриши мумкин (9-схемани қаранг).

9-схема. Режалаштириш харитаси

Режалаштириш харитаси	
Исми _____	Сана _____
Синф _____	
Дарс/Предмет _____	
Менинг мавзуим: _____	
Менинг мақсади: _____	Мен ким учун ёзаяпман? Менинг ишимни ким ўқийди? Менинг тингловчиларим ким?

Мен уларга қандай энг муҳим маълумотни етказмоқчиман?

Менинг китобхонларимни нима қизиқтира олади?

Матн турини, нутқ услубини, адабий жанрни аниқлаш

Ўқувчилар ёзма иш мавзуси ҳамда бош ғоясини аниқлашганларидан сўнг, улар бўлғуси матн тури, услуби ва жанрини танлаши зарур (қаранг: 1-бўлим. “Матнлар хилма-хиллиги”). Ижодий иш бир вақтнинг ўзида бир неча жанрга тегишли бўлиши мумкин. Масалан, матн шеър шаклидаги илмий фантастика ёки эртак бўлиши мумкин. Жанр – бу қолип эмас, балки ўқувчилар томонидан ижодий иш яратиш учун таянч нуқтадир. Бу ерда ҳар хил турдаги матнларнинг универсал тузилиши (кириш, асосий ғоя, хулоса), тилга оид воситалар (масалан, қандай сўз туркумлар кўпроқ ишлатилади) билан танишиш, луғат билан (йўл очиб берувчи сўзлар, синонимлар, антонимлар, маталлар, мақоллар, цитаталар танлаш) ишлаш асосий ролни ўйнайди.

Зарур материални тўплаш ва танлаш

Ёзма иш яратиш учун зарур материал тўплаш босқичи кузатиш, экскурсия, сафар, сайр, суратлар кўриб чиқиш, фильм, спектакллар томоша қилиш, бадиий адабиёт ўқишни ташкил қилишни назарда тутиши мумкин. Ўқувчилар ёзма иш мавзусини ёритиш учун етарли маълумот билан танишиб чиқишлари керак.

Масалан, ёввойи ҳайвонлар ҳақида ҳикоя ёзишдан олдин: а) ёввойи ҳайвонлар ҳақида ҳужжатли фильм кўришлари, б) Қирғизистонда яшайдиган ёввойи ҳайвонлар ҳақида ота-онасидан маълумот олишлари, в) Қирғизистон Республикаси Фанлар Академиясининг зоология музейига боришлари, г) “Қирғизистон жониворлари” (“Раритет” нашриёти, 2013 й.) ёки “Қирғизистоннинг жонли табиати” (“Таалим-форум” нашриёти, 2015 й.) энциклопедияларини ўқишлари, д) “Қирғизистон табиати” номли видео-дарсни кўришлари мумкин. Маълумот қидириш жараёнида ёзма ишда ишлатиладиган далилларни ёзиб олиш муҳим.

Ўқитувчи ҳамда санъат ва ҳунармандчилик бўйича мутахассис Эмили Ньюбургер “Воқеалар банкиси. Ўйнаимиз, ўйлаб топамиз, ҳикоя қиламиз” китобида илҳом қидириш ҳамда кузатиш кундалигини юритиш ва сюжетли йўл-йўриқлардан фойдаланиш каби ижодий иш учун материал тўплаш бўйича тавсиялар келтиради. Ўқувчиларга атроф-муҳитни тасвирлаб бориш, энг қизиқарли нарсаларни белгилаш, буларни эслаб қолиш ва келгусидаги ижодида фойдаланиш учун кузатув кундалигини юритишни таклиф қилади. Ўқувчилар ушбу кундаликларига сайр пайтида, экскурсияда ёки кун давомида мактабда бўлган қизиқарли воқеаларни ёзишлари мумкин. Ўзларига чеклов қўйишлари жуда муҳим, масалан, қизиқиш уйғотган ёки қизиқ кўринган фақат бешта нарсани ёзиш. Кундаликларга маъносини билгиси келган янги сўзларни киритишлари, янги мавзу ҳақидаги ўз таассуротларини белгилашлари мумкин. Оқибатда бу ёзувлар яхши илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай ўйлаб топилган ёки айтиб берилган воқеа кичкина одамга ўзини англашда, атроф-муҳитни тушунишда ва унда яшашни ўрганишда ёрдам беради. Сюжетли йўл-йўриқлардан фойдаланиш асосий мавзу ёки ғоя қидиришни осонлаштириши мумкин: шундай

ҳолатлар бўладики, гапни нимадан бошлаш кераклигини билмай турасан, фикр бир жойда айланаверади, бу ҳолатда сюжетли йўл-йўриқлар, ғоялар суҳбатни қандай бошлашга туртки беради.

Сюжетли йўл-йўриқлар ўйинли топшириқлардан, ўқувчилар ўрганаётган сўзлар (масалан, отлар ёки феъллар) ёки луғат сўзлар ёзилган карточкали топшириқлардан; ажиб қаҳрамонлар, нарсалар ва воқеа ўрни тасвирланган сюжетли дисклари бор машқлардан; журналлардан қирқиб олинган расмлар билан ишлашдан, ўқувчилар ўзларининг ҳикоялари сюжетини тузиш учун танлаб оладиган турли предметлар ёки суратлар жойлашган “воқеалар халтасидан” фойдаланилган ўйинлардан ҳосил бўлади (Ньюбургер Э., 2016).


Ёзув ишларида ишлатиладиган сўзлар ва иборалар танлаб олиш учун бир қатор машқлардан фойдаланиш тавсия қилинади (Бенке, 2018):

- ◆ йўл очиб берувчи сўзлар ёки атамалар маъносини аниқлаш;
- ◆ “сўзлар жуфтлиги” (бир-бири билан мазмун ёки мавзу бўйича мос келадиган “от+сифат” ёки “от+феъл” танланади), “дўст керак бўлган сўзлар” (агар матн ҳажвий услубда бўлса, “кулгили жуфтлик” тузадиган ёки қофияланадиган сўзлар танланади) тамойиллари бўйича сўзлар танлаш;
- ◆ оғзаки ва ёзма нутқни анча қизиқарли қиладиган таққослашлар ва метафоралар қидириш, масалан: “Уйғонган пайтда акамнинг сочлари кактус тиканлари каби диккайиб туради”, “Менинг тишларим ортида пушти ит ўтирган оқ панжарага ўхшайди”, “Синглимнинг кўзлари – катта кўм-кўк кўллардек” (Бенке, 2018);
- ◆ бешта ҳисни акс эттирувчи сўзларни танлаш: ҳид, таъм, ҳис этиш, товуш, нутқ. Масалан, ҳид – ширин, хушбўй, айниган, бадбўй, ўткир, муаттар; таъм – яшанг, чучук, нордон, ёғли, аччиқ; силаб ҳис этиш – ғовакли, дағал, эгилувчан, ёпишқоқ, паҳмоқ, силлиқ; товуш – хўрсиниш, шитирлаш, қасир-қусур, наъра, сукунат; нутқ – минғиллаш, қикирлаш, ўкириш, пишқириш, ҳиққиллаш;
- ◆ табиатда мавжуд бўлган турли хил товушлар, жумладан, жониворлар ва қушлар товушларига тақлид қилиш учун тақлидий сўзларни, тасвирланаётган ҳодисаларни акс эттира оладиган товуш бирикмалари мавжуд бўлган сўзларни, инсон ҳаётига ҳамроҳ бўлган товушларни қидириш; ўқувчилар ёзма ишини бойитадиган фразеологизмларни танлаш.

Ёзма иш режасини тузиш

Ёзма иш режасини тузишда ўқувчилар матннинг асосий компонентлари: мавзу, бош ғоя, қисмларга бўлиниш, боғланганлик, композицион тугалланганлик ва услубий умумийлик билан танишадилар. Бу маълумотни қулайроқ ўзлаштириш учун ўқитувчи томонидан мисоллар келтирилади ёки маълумот график тузилади. Ўқитувчи томонидан моделлаштириш (намунани намойиш қилиш) сифатида таниш матнда микромавзу, йўл очиб берувчи сўзлар, иборалар ажратилади, матннинг содда режаси тузилади. Қуйида баъзи матнлар режасини тузиш учун график ташкилотчилар вариантлари таклиф қилинган (10-12-схемаларни қаранг).


10-схема. Тасвир матн режаси



11-схема. Ривоя матн режаси

Ўқувчининг исми		
Номи		
Асарнинг бош қаҳрамони	Воқеа ўрни ва вақти	
МУАММО		
БОШИ		
ЎРТАСИ		
ОХИРИ		

12-схема. Муҳокама матн режаси




2.2. Асосий босқич

Бу босқичда ўқувчилар ўз фикрлари ва маълумотларини қораламага ёзишга эътибор берадилар. Ўқувчилар ёзма ишнинг якуний кўринишини яратмаётганликларини, шунинг учун имло ва пунктуацияга риоя қилиш муҳимлигига қарамай, улар хомаки қўл ёзмада диққат марказида эмаслигини тушунишлари керак. Ўқувчилар диққат-эътиборини, уларнинг фикрини аниқ ифодаладиган сўзлар ва жумлаларга қаратиши керак. Матннинг ҳар хил турлари мос равишда тузилиши лозим. Қуйида ўқувчилар фойдаланиши мумкин бўлган тизимларга мисоллар келтирилган (13-14-схемаларни, 3-жадвални қаранг).

13-схема. Муҳокама матн тузилиши

Матн сарлавҳаси	
Кириш қисми	
Фикр	
Бу фикрнинг исботи (ёки раддияси), яъни мисоллар билан кузатилган далиллар.	
Яқун ва хулоса	



14-схема. Тасвир матн тузилиши

Матн сарлавҳаси.	
Тасвир предмети (одам, жонивор, жой, нарса, муҳит ёки одам ҳолати)	
Хусусиятлар, белгилар ва фазилатларни санаб чиқиш	<pre> graph TD A[Тасвир предмети] --- B[... янграйди] A --- C[... ҳид чиқаряпти] A --- D[... -дек сезилади] A --- E[Таъми ...] A --- F[Сирtdан ... кўринади] A --- G[... мисоллари] </pre>
Тасвирланаётган предмет ёки тасвирланаётган вазиятнинг муаллиф учун роли ва аҳамияти (баҳолаш).	

3-жадвал. Ривоя матн тузилиши

Матн сарлавҳаси	
Кириш қисми	Ҳикоя қилинадиган воқеанинг ўрни, вақти айтилади, қаҳрамонлар таништирилади.

Асосий қисм	Воқеа ривож: тугун (воқеа бошланадиган вақт), воқеа ривож, кульминация (воқеаларнинг энг қизиган пайти), ечим (воқеалар ривожининг тугаши).
Хулоса	Рўй берган воқеанинг якуни, воқеа бош қаҳрамонга қандай таъсир қилди.

Хомаки ёзма иш устида ишлаш якунлангандан кейин ўқувчилар ўз ишини текширадилар ва уни таҳрир қиладилар. Бунинг учун қуйидаги ўзини ўзи баҳолаш мезонларидан фойдаланиш мумкин:

- ◆ Мавзуни ёритиш: мазмун воқеликка мувофиқми?
- ◆ Режа, композиция, кетма-кетлик: режа тўғри тузилганми, материални баён қилиш тартиби режага мувофиқми, бош ғоя аниқ ифодаланганми, хулосалар борми?
- ◆ Матн тури, жанри, услуби: танланган тур, жанр ва баён қилиш услубига мувофиқлик.
- ◆ Иш ҳажми: сўзлар ва гаплар сони.
- ◆ Луғат: ундан фойдаланишнинг тўғрилиги, унинг хилма-хиллиги, синоним, антоним, фразеологизмлардан фойдаланиш.
- ◆ Синтаксис: гаплар ҳажми, синтактик қурилмаларнинг хилма-хиллиги.
- ◆ Имловий ва пунктуацион саводхонлик.

Ёзилган ишнинг мезонларга мувофиқлигини аниқлаш ва ўз ишини яхшилаш учун ўқувчилар ўзларининг хомаки ёзма ишларини ўқитувчиларга ва бошқа ўқувчиларга кўрсатадилар, улар ўз навбатида хомаки ёзма иш билан танишиб чиққанларидан кейин муаллифларга аниқ ва ижобий баҳо берадилар ва ёзилган иш вариантини яхшилаш йўллари таклиф қиладилар. Ўқитувчилар ўқувчиларга текшириш учун бир неча саволларни таклиф қилишлари ҳам мумкин, ушбу саволлар ёрдамида тақдим қилинган хомаки ёзма ишни баҳолашлари мумкин:

- ◆ Бу матннинг учта яхши томонини айтинг?
- ◆ Матндаги маълумот етарличами?
- ◆ Матнда ортиқча маълумот йўқми?
- ◆ Матн тузилиши яхши ташкил қилинганми?

Қуйида ишнинг хомаки тахминини олдиндан баҳолаш учун текшириш саволларнинг бир неча вариантлари таклиф қилинади. Ушбу саволлардан ҳам ўзини ўзи баҳолаш, ҳам синфдошлари томонидан ўқувчилар ишини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин. (4-7- жадвалларни қаранг).

4-жадвал. Тасвир матни баҳолаш учун текшириш саволлари рўйхати

Муаллиф исми: _____ Сана: _____
 Синф _____ Предмет _____
 Ким баҳолайди: _____

Муаллиф қанчалик яхши...	Яхши	Яхшилаш зарур
...нима тасвирлангани ҳақида сўзлаб беряптими?		
...бу қандай кўринишда эканлиги ҳақида айтиб беряптими?		
...товушларни (ҳаракатларни, овозларни, ҳодисаларни) тасвирляптими?		
...бунга қўл тегизганда қандай ҳис пайдо бўлишини гапириб беряптими?		
...бу қандай ҳид чиқаришини айтиб беряптими?		
...ёзма иш тузилишини ташкил қилдимми?		
Сизга бу ишда ёққан бирор нарсани айтинг.		
Таърифда сизга ёққан учта сўзни айтинг.		
Муаллиф ёзма ишларини қандай яхшилаши мумкинлигини айтиб беринг.		
Айтинг-чи, ёзилганни тушуниш осонми?		
Сизга ёзувда тушунарсиз бўлган жойларга “?” белгисини қўйинг.		
Муаллиф маълумот қўшиши керак бўлган жойларга “V” белгисини қўйинг.		
Муаллиф қандай учта луғат сўз қўшган? Агар ўқитувчи ўқувчилар ўз ёзма ишига қўшиши керак бўлган луғат сўзлар рўйхатини берган бўлса, бу бўлимдан фойдаланинг.		

5-жадвал. Ривоя матни баҳолаш учун текшириш саволлари рўйхати

Муаллиф исми: _____ Сана: _____ Синф _____ Предмет _____ Ким баҳолайди: _____		
Муаллиф қанчалик яхши...	Яхши	Яхшилаш зарур
...бош қаҳрамон қандай эканлигини айтиб беряптими?		
...бу воқеа рўй бераётган жой ҳақида сўзлаб беряптими?		
... бу воқеа рўй бераётган вақт ҳақида айтиб беряптими?		
...бош қаҳрамон нима қилишни хоҳлаётганини сўзлаб беряптими?		
...бош қаҳрамон бундай қилишга уринганида нима рўй бераётганини гапириб беряптими?		
...бу муаммо қандай ҳал қилинганини айтиб беряптими?		
...бу воқеа қандай яқунланганини гапириб беряптими?		
Сизга бу ишда ёққан бирорта нарсани айтинг.		
Муаллиф фойдаланган учта қизиқарли сўзни айтинг.		
Сизга ёзувда тушунарсиз бўлган жойларга “?” белгисини қўйинг.		
Муаллиф маълумот қўшиши керак бўлган жойларга “V” белгисини қўйинг.		

Муаллиф ўз ёзма ишини қандай яхшилаши мумкинлигини айтиб беринг.
Муаллиф қандай учта луғат сўз қўшган? Агар ўқитувчи ўқувчилар ўз иншосига қўшиши керак бўлган луғат сўзлар рўйхатини берган бўлса, бу бўлимдан фойдаланинг.

6-жадвал. Муҳокама матни баҳолаш учун текшириш саволлари рўйхати

Муаллиф исми: _____ Сана: _____		
Синф _____ Предмет _____		
Ким баҳолайди: _____		
Муаллиф қанчалик яхши	Яхши	Яхшилаш зарур
...биринчи саволни ифодаладимиз?		
...ўз фикрини қўллаб, камида учта далил келтирдими?		
...қўшимча далиллар қўшдимиз?		
...биринчи саволга қўшилмаслик учун камида учта сабаб айтдимиз?		
...норозилик сабабларини кўрсатдимиз?		
...асосли далил ёки хулоса билан яқунладимиз?		
Ёзилган матнда сизга ёққан бирорта нарсани айтинг.		
Сизга ёзувда тушунарсиз бўлган жойларга “?” белгисини қўйинг.		
Муаллиф маълумот қўшиши керак бўлган жойларга “V” белгисини қўйинг.		
Муаллиф ўз ёзма ишини қандай яхшилаши мумкинлигини айтиб беринг.		
Айтинг-чи, ёзилганни тушуниш осон бўлдимиз?		
* Муаллиф қандай учта луғат сўз қўшган? Агар ўқитувчи ўқувчилар ўз ёзма ишига қўшиши керак бўлган луғат сўзлар рўйхатини берган бўлса, бу бўлимдан фойдаланинг.		

7-жадвал. Ёзма ишларнинг барча турларини баҳолаш учун текшириш саволлари рўйхати

Муаллиф исми: _____ Сана: _____
Синф _____ Ким баҳолайди: _____
Ёзма ишининг мақсади: _____
Агар сиз _____, ўз мақсадинингизни аниқроқ белгилай оласизми?
Сизнинг ишинингизда менга ёққан битта жиҳат: _____
Менга жуда ҳам ёққан гап: _____
Менга бу гап ёқади, чунки... _____
Менинг ишимни сиз яхшилаш оладиган йўлларида бири: _____
Ўз ишинингизни яхшироқ туза оладиган йўлларида бири: _____

Менга нимадир тушунарсиз бўлган жойга “?” белгисини қўйдим.
 Сиз кўпроқ маълумот қўшишингиз керак бўлган жойга мен “V” белгисини қўйдим.
 Сиз ўз иншоингизда фойдаланган янги луғат сўзлар: _____

2.3. Якуний босқич

Якуний босқичда ўқувчилар ўз ишларини қайта кўриб чиқиш орқали ишни тугатишга яқинлашиб қоладилар. Қайта алоқа асосида хомаки ёзма иш ва баҳолаш натижалари билан танишгандан сўнг, ўқувчилар ўз ёзма ишларига ўзгаришлар киритадилар.

Улар мақсад ёки маълумотни аниқлайдилар, маълумот қўшадилар, матн тузилишини қайта кўриб чиқадилар, сўз танлай олиш ва гаплар тузилишини мукамаллаштириш устида ишлайдилар, зарур бўлса, сўз ва гапларни қўшадилар ўрни келганда алмаштирадилар ёки олиб ташлайдилар. Ўқувчилар янги маълумот келтириши ёки ўзгаришларни саҳифа ҳошиясида белгилаши ва ёзилган матнда бу маълумот қайси жойга қўйилиши кераклигини кўрсатувчи белгилар чизишлари мумкин. Ўқувчилар бутун ишни қайта ёзиб чиқиш шарт эмаслигини тушуниб етишганларида, улар ўз ёзма ишларига ўзгаришлар киритиш учун анча ўрганиб қоладилар (Strickland ва бошқалар, 2002, с. 190).

Ўқувчилар бу босқичда ўз ёзма ишларини ўзлари текширишлари ёки бир-бирининг ёзма ишини текшириш учун жуфтликларда ишлашлари мумкин. Энди ўқувчилар матндаги имлони, услубни ва тиниш белгиларини текширадиган вақт келди. Ўқувчиларга ёрдам бериш мақсадида ўқитувчи таҳрир қилиш учун текшириш саволлари рўйхатини бериши мумкин (8-жадвални қаранг).

8-жадвал. Таҳрир қилиш учун текшириш саволлари рўйхати

<i>Қуйидагиларни текширинг</i>	<i>Мен керакли тузатишларни киритдим</i>
Ҳар бир гап бош ҳарфдан бошланади.	
Барча одамлар исми ва жойлар номи бош ҳарфдан бошланади.	
Ҳар бир гап охирига нуқта қўйилади.	
Гапларда имловий қонунларга кўра вергуллардан фойдаланилган.	
Ҳар бир сўз тўғри ёзилган.	
* <i>Изоҳ</i> Ўқувчилар гап тузилиши, услуб ва тиниш белгилари бўйича яқинда ўзлаштирилган билимини текшира олишлари учун қаторлар қўшиб қўйиш мумкин.	

Охирги дарсда ўқитувчи ўқувчилардан грамматика ёки тиниш белгилари бўйича нималарга диққатини жалб қилишларини сўраши мумкин. Ўқитувчилар имло, тиниш белгилари қоидалари қийинчилик туғдираётган ўқувчиларга таҳрир қилиш учун фақат учта ёки тўртта бўлимдан иборат бўлган текширув саволлари рўйхатини таклиф қилиши мумкин. Бу, ўзини ўзи баҳолаш ва матнни яхшилаш учун ўқувчи энгил

фойдалана оладиган анча содда элементлардир (Strickland ва бошқалар, 2002, с. 193).

Дарс охирида ўқувчилар ёзув ишларини ўқитувчига, синфга ёки кенгроқ аудиторияга тақдим қилади (“нашр қилади”). Ҳар бир муаллиф-ўқувчининг ютуқларини белгилаш жуда муҳим. Ўқитувчилар ўқувчилардан ёзув ишларини турли усулда тақдим этишини сўрашлари мумкин.

- ◆ Ўқувчилар ёзганларини синфга ўқиб беришлари мумкин.
- ◆ Ўқитувчилар “бугунги кун муаллифини” белгилаши ва битта ўқувчини ўзи ёзганини ўқиб бериши учун танлаши мумкин.
- ◆ Синфда ўқувчилар ўзларининг ишларини тўлиқ ёки улардан намуналарни жойлаштирадиган “Ҳурмат тахтасини” ташкил қилишлари мумкин.
- ◆ Мактабда “Муаллифлар галереясини” ташкил қилишлари ва ушбу галерея учун ўқувчилар қандай ишлари билан бўлишишни ўзлари танлашлари лозим. Ўзларининг ёзув ишларини кўрсатишдан аввал ўқувчилар уни ясашлари ёки расмлар билан безашлари мумкин.
- ◆ Ўқувчилар синфдошлари билан биргаликда бошқа синф ўқувчилари ёки бутун мактаб учун газета чиқаришлари мумкин. Аввалида улар газета учун ёзилган мақолаларнинг мақсадини англаб етиши ва ўзлари чоп этишни хоҳлаган мақолалар турларини режалаштириб олишлари керак. Улар ҳар бир мақола учун муаллифларни белгилаб олишлари лозим.
- ◆ Ўқувчилар синфда ёзма ишлар тўпламини нашр қилиши, бунинг учун тўпламга жойлаштириладиган энг яхши ишларни танлаб олишлари керак. Китобча мактаб кутубхонасига совға қилиб берилиши ёки синф “Ўқиш бурчагини” тўлдириши мумкин.

Ўқитувчи олдида турган қийинчиликлардан бири – имло, грамматика ва пунктуацияни ўрганишда қийналаётган ўқувчилар ишини қай тарзда нашр қилишдан иборатдир, чунки бу ўқувчиларнинг барча хатоларини ҳамма кўриши мумкин. Бундай ҳолатларда ўқувчиларни ноқулай ҳолатга туширмаслик лозим. Шу билан бирга барча муаллиф-ўқувчиларни белгилаш ҳам муҳим. Бу қийинчиликни уддалашнинг йўли – ушбу матнни ўқувчи ўзи таҳрир қилганидан кейин ўқувчи билан алоҳида суҳбат ўтказиш ва унга матнни тўғрилашда ёрдам беришдир. Ўқитувчи ўқувчи иштирокида бу ўзгартиришлар иншони нашр қилишга тайёрлаш учун зарурлигини тушунтирган ҳолда хатоларни тўғрилайди. Ўқитувчи бу пайтда ўқитиш билан шуғулланмайди. Бу суҳбат ўқувчилар ўз ишларини нашр қила олиши учун ёзма ишни бир оз тўғрилаш учунгина ўтказилади (Strickland ва бошқалар, 2002, с. 195-196).

Ёзув жараёни босқичма-босқич ёки мунтазам кўринадиган бўлса-да, аслида бундай эмас. Матн яратиш – бу олдиндан белгиланган тартиб бўйича барча қадамларни бажариш мумкин бўлган тайёр андазага риоя қилиш эмас. Ёзув жараёни ўзгарадиган ва доимий ҳисобланади. Ўқувчилар мунтазам равишда ёзувнинг бир босқичидан иккинчисига ўтадилар, баъзида ортда қоладилар ёки, аксинча, илгарилаб кетадилар. Дастлаб ўқувчилар нима ҳақида ёзишни режалаштирадилар, ўз тингловчиларини аниқлайдилар ва ёзма ишини қандай тузишни ўйлаб чиқадилар: сўнгра хомаки ёзув ишини ёза бошлайдилар. Бироқ хомаки ёзма иш устида ишлашда, улар режалаштириш босқичига қайтган ҳолда, ўз ишларида айтмоқчи бўлган нарсалар ҳақидаги фикрларини ўзгартиришлари мумкин. Ёзма ишни ўзини ўзи баҳолагандан сўнг, улар кўшимча маълумот кўшиш ёки ёзилган матннинг тузилишини ўзгартиришга қарор қилишлари ва яна режалаштириш босқичига қайтиб, кўпроқ маълумот

тўплашлари мумкин. Ўқувчилар бир неча хомаки ёзма иш ёзиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, матн яратиш – бу қадам-бақаддам кетма-кет жараён эканлигига қарамай, ўқувчилар ўз ёзув ишларини яхшилашлари учун ёзув жараёнининг ҳар бир босқичини такрор қайта кўриб чиқадиладар. Ўқитувчилар ўқувчиларга ушбу жараёнда мослашувчан бўлишга ёрдам беришлари муҳим.



Резюме

Ижодий ёзув жараёни уч босқичдан иборат: тайёрлов, асосий ва якуний. Дастлаб ўқувчилар ўз ишининг мавзуси ва бош ғоясини танлайдилар, матн яратиш тури, услуби ва жанрини аниқлайдилар. Мавзуни очишга улар учун мос материални топиш, луғат ва тасвирий-ифодавий воситаларни танлаб олиш ва ёзма иш режасини тузиш муҳимдир. График ташкилотчилар билан ишлаш бу вазифани бажаришда ёрдам беради. Тайёрлов босқичидан кейин ўқувчилар ишлаб чиқилган режага таянган ҳолда матннинг хомаки вариантини ёзишга киришадилар. Хомаки вариант баҳолаш учун ўқитувчига ёки синфдошларига тақдим қилинади, унинг натижалари бўйича ўқувчилар таҳрир қилишга, ўз ишини ўзгартириш ёки тўлдиришга ва хатоларни бартараф қилишга киришадилар. Ёзма ишнинг якуний кўринишини ўқувчилар ўз синфдошларига ўқиб беришлари, ўқувчилар ишларининг умумий тўпламига киритишлари, муаллифлар девори яратиш учун фойдаланишлари мумкин ва ҳ.к.

Ижодий ёзув устида ишлашда ўқитувчи иштироки улушининг аста-секин камайиб бориши ва ўқувчилар мустақиллигининг ортиб боришини ҳисобга олиш муҳим: дастлаб ўқитувчи таянч билимларни беради, ижодий ёзув стратегияларидан қандай фойдаланиш кераклигини тушунтиради, сўнг турли матнлар қандай яратилишини амалда намоиш қилади. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда стратегиялардан фойдаланишни бирмунча тажриба орқали синаб кўрадилар ва ўзларида дадиллик ҳис қилиб, мустақил ишлашга ўтадилар. 1-4-синф ўқувчилари томонидан ёзиш ва ўқиш малакаларини ўзлаштиришнинг даражалари ҳар хиллигини эътиборга олиш керак. Стандарт ва компетенциялар рўйхатига мувофиқ ўқувчиларга маълум даражада мураккаб топшириқлар таклиф қилинади.





3-БЎЛИМ. ТУРЛИ ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА ИЖОДИЙ ЁЗУВДАН ФОЙДАЛАНИШ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Математика дарсларида ижодий ёзувдан қандай фойдаланиш керак?
- ◆ Ватаншунослик, Одобнома ва ҲҲА дарсларида ижодий ёзувдан қандай фойдаланиш керак?
- ◆ БТИ ва мусиқа дарсларида ижодий ёзувдан қандай фойдаланиш керак?

Агар ўқув материали ёзма равишда ифодаланса, ўқувчилар икки ўқув материални баравар кўп эслаб қоладилар. Ушбу афзалликларни ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчилар ёзувнинг ҳар қандай имкониятидан нафақат ёзув ва саводхонликни ошириш, балки ўқувчиларнинг фикрлаш сифатини яхшилаш учун ҳам фойдаланиши лозим.

Дуг Лемов. Ўқитувчи маҳорати.

Машҳур ўқитувчиларнинг текширилган методикалари.

Ижодий ёзув бошланғич мактабда барча предметларни ўрганишнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши ва фақат “тилга оид” предметлар билан чекланиб қолмаслиги керак. Ўқувчилар дарсда ўқиганлари ёки ўрганганлари ҳақида ёзганларида, улар ўзларининг тушунчаларини анча яхшилайдилар (Graham & Hebert, 2010). Shanahan (2016) ўқувчиларнинг тўртта гуруҳини: а) матн ўқийдиган ўқувчиларни, б) матн ўқийдиган ва қайта ўқиб чиқадиган ўқувчиларни, в) матн ўқийдиган ва муҳокама қиладиган ўқувчиларни, г) ўқиб чиқилган матн ҳақида ёзадиган ўқувчиларни таққослаган. У “ўқиб чиқилган матн ҳақида ёзиш шунчаки матн ўқишдан, ... матн ўқиш ва қайта ўқиб чиқишдан, [ёки] ... матн ўқиш ва муҳокама қилишдан кўра шубҳасиз яхшироқ”, деган хулосага келган. Ўқувчилар ўқиб чиққани ҳақида ёзиб борганда, улар мазмун ҳақида чуқурроқ фикр юритадилар. Ижодий ёзув ўқувчиларда юқори тартибдаги тафаккурни ривожлантиради, чунки ёзув жараёнида маълумот йиғиш, уни тизимлаштириш ва изоҳлаш, шунингдек, ўз фикрини баён этишни талаб қилади.

Ушбу бўлимда ижодий ёзувни бошланғич мактабнинг қатор фанларига: математика, Ватаншунослик, ҲҲА, БТИ ва мусиқани ўрганишга киритиш усуллари таклиф этилади.

3.1. Математика дарсларида ижодий ёзув

Математика дарсларига ижодий ёзувни киритиш қийин масала ҳисобланади, бироқ ўқувчиларга билимларини тизимлаштириш, ёзув воситаси билан ўзлари ўрганаётган математика ҳақидаги тасавурларини текшириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имконини беради. Ижодий ёзув ўқувчиларга математикага оид фикрларни таҳлил қилиш, талқин қилиш ва етказишда ёрдам беради. Математика бўйича ижодий ёзма ишлар яратиш ўқувчиларни математикани ўрганишга жалб қилади, ўқувчиларда унга кўпроқ қизиқишни ривожлантиради (IDRA, 2003). Қуйида математика дарсларида фойдаланса бўладиган ижодий ёзувнинг бир қатор стратегиялари келтирилган.

Ўқувчилар ҳар хил объектларни (предметлар, предметлар гуруҳини) ҳисоблаш ва кўрсатилган ҳисоб тартибида у ёки бу предметнинг тартиб номерини белгилашни ўрганиш учун ўқувчиларга: а) уларнинг тартиб сонларини кўрсатган ҳолда маълум миқдордаги қаҳрамонлар, ҳодиса ва предметлар билан эртақ ўйлаб топишни; б) ҳар бир гапда маълум миқдордаги сўзлар билан ҳикоя тузишни (масалан, биринчи гап битта сўздан иборат бўлиши керак, иккинчиси – иккита, учинчиси – учта ва ҳ.к.); в) ўлчов бирликлари (миллиметр, сантиметр, дециметр, метр) ва уларнинг ўзаро муносабатини кўрсатадиган воқеалар ўйлаб топишни таклиф қилиш мумкин.

Матнли масалалар билан ишлаётганда ўқувчиларга масала матнини шеърӣй шаклга ўзгартиришни ёки у бўйича комикс яратишни таклиф қилиш мумкин. Бундай ишлар масала шартларини ҳаётӣй ҳолатда акс эттиришга имкон беради, бу масаланинг шартларини чуқурроқ тушунишга ва уни ҳал қилиш воситалари ва усулларини қидиришга ёрдам беради. Ўқувчиларда геометрик фигураларни (нуқта, чизиқлар, тўғри чизиқ, кесма, нур, синиқ чизиқ, кўпбурчак, доирани) таниб олиш қобилиятини ривожлантириш учун эса фигураларга ҳар хил тасвирий тавсифномалар бериладиган тасвир-матн ўйлаб топишни таклиф қилиш мумкин. Ўқувчилар сонлар қатори тушунчасини ўрганиш учун воқеалар кетма-кет равишда жойлаштирилган ҳикоя тузишлари мумкин, муҳокама-матн эса масала қандай ва нима учун тушунилганлиги ва уни ечиш усули қандай топилганлигини ёзма равишда тақдим этишларига имкон беради.

3.2. Ватаншунослик, Одобнома, ҲҲА дарсларида ижодий иш

Ватаншунослик, Одобнома, ҲҲА ва бошқа фанлар бўйича кенг кўламдаги маълумотни чуқурроқ ўзлаштириш мақсадида ўқувчиларга мавжуд билимлар ва янги маълумотни олиш, уни англаш ва ҳаётӣй ҳолатлар таъсири остида кўриб чиқиш имконини берадиган ёзма ишларнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш таклиф қилинади. Ўқитувчи бу фаолият шаклидан форматив баҳолаш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бунинг учун бир неча стратегиялар таклиф қилинади.

Синквейн. XX аср бошида синквейн шаклини япон миниатюралари хайку ва танка билан танишлигига таянган америкалик шоира Аделаида Крэпси (Adelaide Crapsey, 1878–1914) ишлаб чиққан. Синквейнлар шоира вафотидан кейинги шеърлар тўпламига кирган. Тўплам 1914 йили нашр қилинган ва кейин яна бир неча марта қайта нашр қилинган. Аделаида Крэпси бешта қатордан иборат шеърнинг янги шакли – синквейнни ишлаб чиққан. Ўшандан бери кўп вақт ўтди ва бугунги кунда синквейнларнинг жуда кўп турлари пайдо бўлди, улар билан [Cinquain.ru](https://www.bilimbulagy.com/).⁹ сайтига ҳаволани босиш орқали танишиб чиқиш мумкин.

Педагогикада синквейн қисқа резюмедан, ўрганилган ўқув материалига яқун чиқаришдан иборат беш қатордан тузилган шеър ёзишни ифодаловчи методик усул сифатида ишлатилади. Бу усул ўрганилаётган мавзуда энг аҳамиятли элементларни ажратиш, уларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва шеър ёзиш шаклига асосланган ҳолда қисқача ифодалаш имконини беради. Синквейн ёзиш қоидалари:

- ◆ шеърнинг **биринчи қатори** – бу унинг мавзуси, у битта сўз билан ва албатта от ёки сўз бирикмаси орқали ифодаланиши керак;

⁹ Қаранг: Сайт Bilimbulagy. Мировая литература: Я писатель//URL: <https://www.bb.edu.gov.kg/index.php>

- ◆ **иккинчи қатор** асосий мавзуни очиб берадиган, уни тасвирлайдиган иккита сўздан иборат, бу сўзлар сифат бўлиши керак;
- ◆ **учинчи қаторда** мавзуга тегишли бўлган учта феъл орқали ҳаракатлар белгиланади;
- ◆ **тўртинчи қатор** – бу тўртта сўздан иборат жумла бўлиб, унинг ёрдамида ўқувчи мавзуга бўлган муносабатини билдиради. Айти вақтда бу ўқувчи томонидан мустақил равишда тузилган гап ҳам, албатта очиб берилаётган мавзу доирасида бўлган жумбоқли иборалар, мақол, матал, цитата, ҳикматли сўз ҳам бўлиши мумкин;
- ◆ **бешинчи қатор** – мавзунинг синоними, маълум натижани ифодалайдиган сўз, хулоса.

Пирамида шаклидаги ҳикоя. Бу усул ўқувчилар янги концепция ёки тушунчани ўрганаётганларида ҳамда дарсда иш якунларини чиқариш ва уни хулосалаш зарурати пайдо бўлганда ишлатилади. Ўқувчиларга пирамида шакли бўйича матн ўйлаб топиш таклиф қилинади, пирамиданинг ҳар бир поғонасида ўрганилаётган мавзу юзасидан поғона қаторига мувофиқ сондаги сўзлар берилади, сўзлардан гап тузиши керак бўлади (15-схемани қаранг).

15-схема. Пирамида шаклидаги ҳикоя



Пирамида шаклидаги ҳикоя

1. Ҳикоянинг қаҳрамонининг исми (одам, жонивор, сабзавот, жонсиз предмет қаҳрамон бўлиши мумкин).
2. Қаҳрамонни тасвирловчи иккита сўз (ташқи кўриниши, ёши, феъл-атвор хусусиятлари, фазилатлари).
3. Воқеа ўрнини тасвирловчи учта сўз (мамлакат, жой, жамоатчилик жойлари ва бошқалар).
4. Воқеа муаммосини тасвирловчи тўртта сўз (пул, адашиб қолиш, учратиш, севги...).
5. Биринчи воқеани тасвирловчи бешта сўз (воқеада нима муаммога сабаб бўлди?).
6. Ҳикоянинг иккинчи воқеасини тасвирловчи олтита сўз (сюжет жараёнида қаҳрамон ва унинг атрофидагилар билан нима рўй беради?).
7. Учинчи воқеани тасвирловчи еттита сўз (муаммони ҳал қилиш учун нималар қилинади?).
8. Муаммони ҳал қилишни тасвирловчи саккизта сўз.

Умумлаштириш. Бу ўқувчи эшитган, кўрган ёки ўқиган нарсани лўнда, қисқартириб ҳикоя қилиб бериш (булар фильм, китоб, пьеса, узун шеър ва бошқалар бўлиши мумкин). Унинг мақсади ўрганилган материалнинг асосий ғоясини ва мувофиқ тафсилотларини етказишдан иборат. Умумлаштиришни ёзиш учун қуйидаги

саволлардан фойдаланиш тавсия қилинади: “Воқеа қаҳрамони ким?”, “Нима рўй берди?”, “Воқеалар қаерда содир бўлган?”, “Бу қачон бўлган?”, “Нега?”, “Нима учун”. Ушбу саволларга жавоб беришда ўқувчилар 3-4та тафсилотни ўз сўзлари билан кўрсатишлари зарур. Умумлашма-матнда мавзу номи, (китоб, пьеса, фильм ва бошқалар) муаллифи эслатиб ўтилиши керак. Матнни асосий ғоя ва матн ёзиш мақсадларидан (маълумот бериш, исботлаш, кўнгил очишдан) бошлаш лозим, матнда асосий ва якуний қисмлар бўлиши керак. Умумлашма-матнни яратиш учун бошида, биринчидан, иккинчидан, кейинги, сўнгра, ниҳоят каби боғловчи сўзлардан фойдаланиш таклиф этилади.

Газета мақолаларини ёзиш. Ўқувчиларни газетага мақола ёзишга чорлаш – бу ижодий ёзув ва бошқа ўқув предметларини бирлаштиришнинг яна бир усули. Ўқувчилар “Ватаншунослик”, “Одобнома”, “ХХА”, “БТИ” ва бошқа дарслар билан боғлиқ бўлган мавзулар бўйича турли мақолалар ёза оладилар. Улар барча ўқувчилар ишларини тўплашлари ва газета чиқаришлари мумкин. Газетага мақола ёза олишлари учун ўқитувчи ўқувчиларни публицистик услуб билан таништириши керак. Бу услубнинг ўзига хос хусусияти ахборотни баён қилиш бўлиб, оммалаштириш функцияси билан боғлиқ.

Газета мақоласи репортаж, маълумотга оид кичик мақола, интервью, матбуотда чиқиш кўринишида бўлиши мумкин. Бошланғич синфларда ўқувчиларга кичик мақола яратишни таклиф қилиш мумкин. Кичик мақола ёзиш қоидаларига: а) нима ҳақида ёзаётганини билиш, б) бир ишни батафсил тасвирлаш, в) материални кетма-кет баён қилиш, г) ким ҳақида ҳикоя қилинаётганини кўрсатиш, д) рўй бераётган нарсага ўз муносабатини билдириш, е) тилнинг ёрқинлиги ва чиройлилиги киради (Полякова Э., 2020).

3.3. БТИ ва мусиқа дарсларида ижодий ёзув

Мусиқа ва бадиий-тасвирий ижод (БТИ) дарсларида ижодий ёзувдан санъат асарларини англаш ва уларга шахсий фикрини ифодалаш учун фойдаланиш мумкин. Ушбу ишнинг мақсади БТИ дарсларида рассомнинг ижоди билан танишиш, расмни тасвирлаш қобилиятини ривожлантириш ва бунинг учун тилнинг тасвирий-ифодавий воситаларидан фойдаланиш, кузатиш қобилиятини ўстириш, санъатга қизиқишни ошириш бўлиши мумкин.

Расмни тасвирлашнинг тахминий режаси қуйидаги қисмлардан иборат:

- ◆ Кириш гап: ишнинг мақсади, расмнинг номи, рассомнинг исми.
- ◆ Рассом ҳақида маълумот (унинг қачон ва қандай расмлар чизгани, ишлаган йўналиши, ижодининг ўзига хос хусусиятлари).
- ◆ Тасвирланаётган расм ҳақида маълумот (расм қачон, қандай воқеалар таъсири остида ёзилган, расмнинг жанри)
- ◆ Расмни тасвирлаш: сюжет (агар бор бўлса); олдинги ва кейинги планларда нима тасвирланган; расмнинг бош қаҳрамонларини ва тафсилотларини, расмнинг асосий рангларини (бўёқларини) тасвирлаш (нима учун рассом айнан уларни танлаган?).
- ◆ Рассом томонидан ишлатилган ифодавий ва композицияга оид воситалар (бу расм қандай кайфият бағишлайди?), муаллиф фикрини, расм ғояларини ифодалашда уларнинг роли.

- ◆ Расмдан олинган шахсий таассуротлар (қандай таассурот қолдирди, нимаси билан жуда ҳам ёқди, нима охиригача тушунилмай қолди).

Муסיқа дарсларида ижодий ёзувдан муסיқа асарлари ва чолғу асбоблари билан, машҳур бастакорлар ва ижрочилар билан танишиш учун фойдаланиш мумкин, ахир ўқувчилар муסיқа дарсларида тингланган муסיқа асарларини ҳис қилиш, тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятини ўрганишадику.

Муסיқа асари тасвирланган матн ёзиш учун ўқувчиларга муסיқани бир неча марта тинглаш таклиф қилинади. Албатта асарнинг умумий тавсифини аниқлаш керак. Ўқитувчи асар ноталарида кўрсатилган йўл-йўриқларни кўрсатиши мумкин. Булар асарни ижро этиш тавсифини белгилаш учун ишлатиладиган итальяян атамалари: *affettuoso* – самимий, *agitato* – жонли, *alla marcia* – марш услубида, *brillante* – чақноқ, *calando* – секинлаштириб ва сўниб, *dolce* – нозик, *feroce* – шиддат билан ва ҳ.к. Ўқувчилар кириш қисми, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлган режа тузадилар. Кириш қисмида қандай асар тингланганлиги ва бастакор ҳақида бир неча сўзларни ёзишлари мумкин. Муסיқа асари бўйича иншонинг асосий қисми тўлиқ асарнинг ўзида тузилади. Режа тузишда: муסיқа қандай бошланиши, қанақа чолғу асбоблари эшитилиши, янграшнинг секин ёки баландлиги, ўрта қисмида нималар эшитилиши, охириги қисм қандайлиги ҳақида ўзи учун белгилар қўйиш керак. Охириги абзацда тингланган асар бўйича ҳам ўз ҳис-туйғуларини бериш жуда муҳим.



Резюме

Ижодий ёзув ўқувчилар томонидан бошланғич мактабдаги барча фанларга оид мазмунни ўрганишнинг ажралмас қисми бўлиши керак, чунки бу юқори тартибдаги тафаккур малакаларини ривожлантиришнинг самарали йўлидир. Ижодий ёзув билан математикани яхлит ҳолга келтириш қийин масала ҳисобланади, бироқ бу ўқувчиларга билимларини тизимлаштириш, ёзув орқали улар ўрганаётган математика ҳақидаги ўз тасаввурларини текшириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имконини беради. Агар дарс жараёнида ижодий ёзувнинг ҳар хил турлари ва шаклларида, масалан, “синквейн”, “пирамида шаклидаги ҳикоя”, газета мақоласи ёзиш, график ташкилотчилар билан ишлаш, БИО ва умумлашма-матн ёзишдан фойдаланиш имконияти киритилса, Ватаншунослик, ҚХА, Одобнома ва шу каби бошқа фанларни ўрганиш қизиқарлироқ кечади. Ўқувчиларга БТИ дарсларида расмларни, муסיқа дарсларида эса муסיқа асарларини тасвирлаш устида ишлаш таклиф қилинади. Шундай қилиб, фанлар бўйича билим омбори кенгайибгина қолмай, балки фанлараро алоқалар ҳам шаклланади ва ижодий ёзув малакалари ривожланади.





4-БЎЛИМ. ҚАЙТА АЛОҚА ВА БАҲОЛАШ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Ўқувчиларнинг ижодий ёзув жараёни ва натижаларини қандай баҳолаш мумкин?

Ижодий ёзув жараёни жуда мураккаб ва сермашаққат жараён ҳисобланади, шунинг учун қайта алоқа ва баҳолаш бутун жараён давомида амалга оширилади: мавзу танлаш ва асосий ғояни аниқлашдан тортиб ёзма ишнинг якуний таҳрир қилинган версиясини тақдим этишгача. Ёзишга ўргатиш жараёнида ўқитувчилар ўқувчиларнинг эътиборларини ўйлаб топилган мазмунни тўғри баён қилишга қаратишлари зарур. Шунинг учун ўқитувчи мавзунини муфассал очиқ бериш мантиғини акс эттирган ҳолда ўқувчилар билан бўлажак матн тузилишини муҳокама қиладиган дастлабки суҳбатни ўтказади. Ўқитувчи ўқувчиларни яхши ёзиш мезонлари билан, шу жумладан мавзунини очиқ бериш ва асосий ғояга риоя қилиш; баённинг мантиқийлиги; умумлаштиришнинг мавжудлиги; муаллиф мулоҳазасининг борлиги; матннинг танланган нутқ услубига мувофиқлиги, матн тузилишининг аниқлиги – кириш, асосий қисм, хулоса; ёзма нутқда хатоларнинг ҳамда матнни очиқ мантиғи билан таништиради. Шу мезонлар асосида ўқувчилар ўз ишларини баҳолайдилар ва хатоларини тузатадилар (қ. 9-жадвал), сўнгра ўқитувчи қораламани текширади. Ёзув жараёнининг бу босқичида ўқитувчи ўқувчиларга қайта алоқа қилиш имкониятини беради. Лекин у вақтинча ўқувчи ишини баҳоламайди. Ўқитувчидан ваёки уларнинг тенгдошларидан фикр-мулоҳазаларни олганидан сўнг, ўқувчилар ёзма ишнинг якуний вариантини тақдим этиб ишни қайта кўчириб ёзадилар.

9-жадвал. Ўзини ўзи баҳолаш шакли

Ўқувчи _____	Синф _____	Предмет _____	Сана _____	
Менинг изоҳларим			Ўқитувчи изоҳи	
			Ҳа	Йўқ
Режалаштириш				
Мен яхши мавзу танлаб олдим				
Мен бу мавзу юзасидан маълумот топдим				
Ота-онамга нима қизиқарли бўлиши ҳақида ўйладим				
Маълумотни тизимлаб олиш учун график ташкилотчилардан фойдаландим				
Матн структурасини тузиш				
Матн сарлавҳаси бор				
Матн абзацлардан иборат. Ҳар бир абзац янги сатрдан бошланади.				
Матннинг боши бор: муқаддима, кириш қисми.				
Матннинг ўрта қисми бор: асосий, бош, асосий фикр ёритиладиган таянч қисми.				
Матннинг хотимаси бор: хулосалардан иборат бўлган якуний қисми.				
Ёзув				
Ёрдам керак бўлганда, мен зарур маълумотни (китобдан, ўқув қўлланмасидан, бошқа маълумот манбаларидан) _____ қидирдим.				
_____ ҳақида ёрдам сўраб ўқитувчимга мурожаат қилдим.				

_____ ҳақида ёрдам сўраб синфдошларимга мурожаат қилдим.			
Таҳрир қилиш			
Мен ишнинг қораламасини диққат билан ўқиб чиқдим.			
Менга ёққан жойларини белгилаб қўйдим.			
Мен тузатишим керак бўлган жойларини белгилаб қўйдим.			
Мен қораламани синфдошларимга кўрсатдим.			
Менга берилган изоҳ ва таклифларни қабул қилдим.			
Кўчириб ёзиш			
Мен матн структурасини яхшилаб қўйдим.			
Мен матннинг тўғрилигини текширдим (грамматикаси, орфографияси, синтаксиси, пунктуацияси).			

Ёзма матн натижаларини баҳолаш мақсадида матн мазмунини биргаликда баҳолаш ва таҳрир қилишнинг яна бир шаклидан фойдаланиш таклиф қилинади. (қ. 10-жадвал).

10-жадвал. Мазмунни баҳолаш (Ўзаро баҳолаш шакли)

Ёзма иш мазмунини баҳолаш			
			Ўқитувчи изоҳлари
Биринчи гапни матн мавзусига оид киритяптими?	Ҳа	Йўқ	
Гапларнинг ҳаммаси мавзуга оидми?			
Гапларнинг ҳаммаси фикрларнигина эмас, далилларни ҳам қамраганми?			
Далиллар воқеликка мувофиқми? • барча далиллар тўғрими; • баъзи далиллар савол пайдо қилди; • баъзи далиллар воқеликка мувофиқ келади.			
Мантиқий изчилликка риоя қилинганми?			
Матндаги кетма-кетлик тўғри ва мантиқли тақдим этилган.			
Озгина ўзгартиришлар керак.			
Матнда баённинг мантиқий изчиллиги йўқ.			
Матнда мавзу ва асосий фикр ёритилганми?			
Умумий баҳо			

Матннинг турларини алоҳида баҳолаш учун ёзма иш сифатини баҳолаш мезонларидан қуйидагиларга эътибор қаратиш орқали фойдаланиш таклиф қилинади: а) мураккаб синтактик бутунликка риоя қилиш ва б) тил компонентлари билан тўлдирилиши (Фетисова Н., 2020) (қ.11-жадвал).

11-жадвал. Мураккаб синтактик бутунлик тузилишига кўра матннинг лингвистик мазмуни билан унинг турига мувофиқлиги

МСБ компонентлари	Нутқ турлари		
	Тасвир	Муҳокама	Ривоя
Боши	Тасвир предмети номланган содда гап.	Фикр - гап: фикр-савол, тасдиқни талаб қилган тахмин.	Воқеа қаҳрамонларини сўзлайдиган гап, уларнинг машғулоти, воқеа бошланадиган вақти ва ўрни (етарли даражада кўп).
Ўрта қисми	Предметнинг хусусиятлари, сифатлари, белгиларининг санаб ўтиш.	Асосий фикрнинг исботлаш учун далиллар.	Воқеага олиб келадиган қаҳрамонлар ҳаракатларини уларнинг ташқи қиёфаси, ўрнини тасвирлаш билан, рўй бераётган воқеа тўғрисидаги муаллиф ёки қаҳрамонлар мулоҳазасини санаб ўтиш. Воқеанинг ҳаракатга келиши – ҳар доим низо.
Хулоса	Муаллиф ёки тасвирланаётган ҳолат учун предметнинг роли ва аҳамияти (баҳо бўлиши мумкин).	Ўрта қисмидаги далиллардан олинган хулоса: бошини кенгайтиради ва теранлаштиради.	Қаҳрамонлар ҳаракатининг натижаси – низонинг ҳал қилиниши китобхонга кучли таъсир кўрсатиши керак.

Ўқитувчиларга ёзма ишларни баҳолашда ёрдам берадиган воситалардан бири баҳолаш рубрикаси ҳисобланади. (қ. 12-жадвал). Ўқитувчи баҳолаш учун ёзувнинг қайси элементлари муҳим эканлигини ҳал қилади. Сўнгра ўқитувчи ҳар бир ўқувчи учун баҳолаш рубрикасидан фойдаланади. Рубрика нимани такрор ўтиш кераклиги тушунчасини осонлаштиради ва ўқувчиларга қайта алоқани тақдим этишни енгиллаштиради.

12-жадвал. Баҳолаш рубрикаси

Исми _____ Сана _____ Синф _____

Ёзув турлари:

	<i>Кутилган натижаларга мувофиқ келади</i>	<i>Яхшилаш мумкин</i>	<i>Қўшимча машғулотлар талаб қилинади</i>
Аниқ мақсад			
Уюштириш (ёзув мақсадлари асосида)			
*Ёзув учун мақсаднинг ўзига хослиги			
Етарли маълумот			
хилма-хил гапларнинг тузилиши			
Сўзларнинг хилма-хил танлови			
Ёзилган матнни тушуниш осон			
Тўғри тиниш белгиларини ва бош ҳарфларни синф даражасига мос келтириш			
** Ўқитувчи ўқувчилар ўрганган энг охириги тил кўникмаларини кўяди.			
Синф даражасига мос келадиган, иккитадан кўп бўлмаган нотўғри ёзилган сўзлар			

**Масалан, ривоя матн ўзида ҳикоя элементларини қамраб олади; тасвир матн тегишли ҳис-туйғуларни акс эттирадиган сўзларни ўз ичига олади; маълумот бериш асосий ғоя ва ёрдамчи ғояларни ўз ичига олади; ишонтирувчи ғоялар, шу ғоялар фойдасига хизмат қиладиган далиллар, зид ғоялар, зид ғояларга қарши келтирилган далилларни, хулосаларни ўз ичига олади.*

***Масалан, бош ҳарфлар, ўтимли сўзлар, кўмакчилар ва ҳ.к.*

Ўқитувчи ҳар доим ижобий қайта алоқа ва қўллаб-қувватловчи баҳо ўқувчиларни ёзма топшириқлар устида ишлашни давом эттиришига рағбат беришини, турли тур, услуб, жанрларни синаб кўришга рағбатлантириши, ўзларининг асарларини ёзишда қўрқмаслик кераклигини эсда тутиши зарур. Ёзишнинг барча босқичларида ўқувчиларнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини баҳолаш, уларнинг эҳтиёжларига мувофиқ бўлган аниқ кўникма ва стратегияларга ўргатиш мақсадида ёзма ишнинг текширувини пухта ўтказиб туриш муҳим. Пухта қайта алоқани тақдим этиш ўқувчилар томонидан эгалланган ижодий ёзув малакаларини мустаҳкамлайди ва такрорланувчи хатоларини тузатишга имкон беради. Баҳолаш сифатли ўқитишнинг ажралмас қисми ҳисобланади.



Резюме

Ижодий ёзув жараёни анча мураккаб ва кўп вақт талаб этади, шунинг учун қайта алоқа ва баҳолаш бутун жараён давомида амалга оширилади. Ўзини ўзи баҳолаш ва биргаликда тақриз қилиш самарали усуллар ҳисобланади. Бу ўқувчиларга ишни таҳрир қилишни ўргатиш ва мустақил ёзув босқичига муваффақиятли ўтишга имкон беради. Ижобий қайта алоқа ўқувчиларни ижодий ёзув малакаларини ривожлантиришга рағбатлантиради, бутун жараён давомида ўқитувчи ўтказадиган пухта текширув эса хато қилишнинг олдини олишга хизмат қилади.





5-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ИЖОДИЙ ЁЗУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Бошланғич мактабнинг турли дарсларида ўқувчиларда ижодий ёзувни амалий жиҳатдан қандай ривожлантириш мумкин?

Бу бўлимда бошланғич мактаб дарсларида ижодий ёзувнинг бир қатор намуналари келтирилади. Мисоллар стратегия кўринишида тақдим этилган. Улардан дарсда ўтиладиган маълум мавзуларни ўрганишда, китоб ёки матн билан танишиш ёки бутун бир дарсни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Бошқача айтганда, бу стратегиялар «эскилик» деб ҳам юритилади. У кафолатланган - такрорланувчи ҳаракатлар, топшириқлар, машқлар бўлиб, ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам ҳар бирининг масъулияти ҳақида хабарлари бор (тизимли равишда қўллангани учун аввалдан биладилар) жараёндир. Бу ўқувчилар имкониятини юқори даражада ошириш, уларнинг қобилиятларини ишга солиш имконини беради.

Ҳар бир стратегиянинг бошида, таълим жараёнида айнан нимани фарқлаш муҳимлиги: мазмун (дастур), ўқув жараёни (усуллар, машқлар, топшириқлар), ўқувчилар мотивациясини оширишга кўмак кўрсатадиган муҳитни, ёки баҳолаш шаклини дифференциалаш кўрсатилади. Шунингдек, берилган стратегиядан фойдаланишда эътибор бериш муҳим бўлган универсал дизайн тамойили ҳам тақдим этилади.

Ҳар бир стратегия ўқув мақсадини белгилайди қайси синф учун тавсия этилишини кўрсатади; кутилаётган таълим натижаларини аниқлайди; стратегиядан фойдаланиш учун зарур материаллар рўйхатини ва синфда ишни ташкил этиш шаклини таклиф қилади. Сўнгра стратегиянинг қадам-бақадам тартиби тавсифланади. Таъриф дифференцияланган баҳолашнинг тавсиялари билан яқунланади.

Таклиф қилинган стратегиялар Қирғиз Республикаси умумтаълим мактаб Давлат стандарти талабларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

«RACE» стратегияси берилган алгоритм бўйича ўқилган парча ёки бутун китоб асосида кичик ҳикоя тузишга қаратилган: саволни қисқа фикрга айланттириш, саволга жавоб бериш, уни тушунтириш ва ўз фикрини тақдим этиш. Бу стратегияни 1-синфда, ўқувчилар 3-5 гаплардан иборат матн тузишни билиб олган даврда қўллаш қулай.

«Ўқиган асарга ёзма тақриз» стратегияси ўқувчиларнинг китоб, унинг қаҳрамонлари, воқеалар ва ҳ.к. ҳақида фикрларини ойдинлаштиришга йўналтирилган. Бу стратегиядан нафақат дарсда, балки синфдан ташқари ишда ҳам фойдаланса бўлади. Ушбу стратегия ёрдамида ўқувчилар фильм, спектакль, экскурсия ва ҳ.к.га ўз фикр ва муносабатларини ёзма ифодалашлари мумкин. Муҳими, ўқувчилар воқеаларни қайта сўзлашга эътиборларини қаратмасдан, балки рўй берган воқеа ёки ўқигани ҳақида шахсий фикрларини акс эттирсин.

«Мақтанг, сўранг, тузатинг» стратегияси синфдошлар ишига ёзма тақриз беришни ўзида намоён этади. Ўқувчи ўзи билан бирга жуфтликда ишлаётган синфдошининг ёзма иши билан танишиб чиқади ва ушбу иш ҳақида ўз фикр-мулоҳазасини айтади. Ўқувчилар қайта алоқани ёзма шаклда тўғри тақдим этишни ўрганади.

«РАФТ» стратегияси ўрганилаётган мавзунини ёки ўқиган китобни турли томондан кўриб чиқишга имкон беради. Бу стратегиядан шахсий адабий асарни яратишда фойдаланиш мумкин.

5.1. «RACE» стратегияси

RACE – ўқувчиларнинг ўқиганини тушуниш ва мулоҳазаларини намойиш этадиган, конструктив ўқиш жавобини ўзида намоён этган кичик матн устида ишлаш стратегияси. Жавоб матннинг маълум бир қисмида ёки бутун матнда учратиш мумкин бўлган маълумотдан фойдаланиш орқали тақдим этилиши керак. Бу стратегия ўқувчиларга маълумот олиш ва ундан тўлиқ жавобни шакллантириш учун асос сифатида фойдаланишни ўргатади.

Таълим мақсадлари	<p>Ўқувчиларда ўқиганини тушуниш малакаларини ривожлантириш.</p> <p>Ўқувчиларга қўйилган саволга конструктив жавоб беришга ўргатиш, гап тузиш, ўқиган китобни қайта англаш орқали боғланишли матн яратиш.</p>
Дифференциация	Таълим жараёни, таълим натижаларини тақдим этиш.
Таълимнинг универсал дизайни	Мазмун, жараён, таълимий муҳит.
Кутилаётган таълим натижалари	<p>Ўқувчилар ўқиганини тушунганлигини намойиш қиладилар ва фикрлайдилар.</p> <p>Ўқувчилар матндан унинг маъносини тушуниш учун зарур бўлган маълумотларни олишни биладилар.</p> <p>Ўқувчилар ўқилган маълумотлари ёрдамида ёзма матн яратишни биладилар.</p>
Мақсадли синф	1-синф, иккинчи ярим йиллик.
Зарур материаллар	Китоб ёки ўқув матни, дафтар, ручка.
Синфда ишлаш шакли	Индивидуал иш, кичик гуруҳларда ишлаш.
Стратегияни қўллаш тартибининг тавсифи	<p>RACE – бу қисқартма сўз:</p> <p>R – restate the question: саволни қайта ифодалаш;</p> <p>A – answer: саволга жавоб бериш;</p> <p>C – citing evidence: далил келтириш (матндан маълумот олиш);</p> <p>E – explaining the answer: жавобни тушунтириш.</p> <p>Саволни қайта ифодалаш.</p> <p>Бу шуни англатадики, ўқувчилар ушбу жумлаларни саволдан ижобий томонга келтириш орқали қайта ифодалашлари зарур</p>

ва бу гап ўқувчилар ёзув ишининг бошланиши бўлади. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларга ўқиган асари юзасидан савол беради: *«Асар қаҳрамони бошқача йўл тутуши мумкин эдими?»*, ўқувчилар эса уни қайтадан бошқача тарзда ифодалайди: *«Асар қаҳрамони бошқача йўл тутолмасди»*.

Саволга жавоб беринг. Бу гапда ўқувчилар биринчи топшириқда берилган саволга жавоб беришлари керак. Масалан: *«Чунки унга дарёда чўкаётган кучукни қутқариш зарур эди»*.

Далиллар келтириш. Аввалги гапдаги жавоб ўқувчиларнинг матнни қай даражада яхши тушунганликларини ва хулоса чиқаришга қодир эканликларини кўрсатиши керак бўлганлиги сабабли, ушбу жумладаги хулосалар нимага асосланганлигини билиш зарур. Ўқувчилар уларнинг фикрларини тасдиқловчи гапларни ёзиш орқали мисоллар келтиришлари, ўқувчилар томонидан берилган хулосаларнинг ҳақлигини билдирадиган аниқ маълумотларни тақдим қилишлари зарур. Масалан: *«У жониворларни жуда яхши кўрарди ва ҳар доим уларга ғамхўрлик қилишга ҳаракат интиларди»*.

Ўз жавобини тушунтириш. Бу гапда ўқувчилар берилган мавзу бўйича ўз мулоҳазаларини тақдим этади. Энди ўқувчилар бу ҳақида нимани ўйлаётганликларини намойиш этиш муҳимдир.

Ўқувчилар ишлашлари учун керак бўлган китоб ёки матнни тайёрлаб олишлари зарур. Бу ўрганилаётган мавзу бўйича матн ёки қўшимча ўқиш материаллари бўлиши мумкин.

Матн ҳар бир ўқувчи учун мавжуд бўлишини таъминлаш муҳим. Агар ўқувчилар уни ўзлари ўқишга қийналса, у ҳолда ўқитувчи овоз чиқариб ўқиш техникасидан фойдаланади.

Қўллашга қадар

Ўқувчилар топшириқни тушунишда қийинчиликларга дуч келмасликларни таъминлаш учун RACE қисқартмасининг кенгайтирилган стенограммасини ўқитувчи доскага, флипчартга ёзиб бериши ёки варақча ёзилганларини тарқатиб бериши мумкин. Ўқувчилар қайси гапни тузиш керак ва уларнинг кетма-кетлиги қандайлигини тўғри англашлари зарур.

Қўллаш пайтида

1-қадам. Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу бўйича ўқувчиларнинг дастлабки билимларини аниқлайди. Ўқувчиларга очиқ савол бериши ёки ўрганилаётган мавзу юзасидан ўз тажрибаси ҳақида гапириб беришини илтимос қилиши мумкин. Агар ўқитувчи китобни ўқиса, у ҳолда ўқувчилардан бу китоб нима ҳақида бўлиши мумкинлигини тахмин қилиб кўришларини сўраши мумкин. Муаллифни ва унинг бошқа асарларини танишадими, китоб муқовасидан нималарни билиши ва ш.к. ни сўраши лозим бўлади.

2-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларга китобни овоз чиқариб ўқиб беради ёки китоб билан мустақил танишиб чиқишни сўрайди.

Шу билан у ўқиш техникасини эндигина ўзлаштирган ўқувчиларга ўз ёрдамини кўрсатади.

3-қадам. Ўқитувчи китобнинг битта қисми асосида ўқувчиларга матн намунасини ёзиш учун RACE стратегиясидан фойдаланишни намоёниш этади.

- ◆ Ўқитувчи болалардан бу парча нима ҳақида эканлигини сўрайди.
- ◆ Сўнгра ўқувчиларнинг жавобларидан саволни шакллантиради.
- ◆ Кейинги қадамда ўқитувчи бу саволни тасдиқ тарзида ифодалайди ва уни доскага ёзади.
- ◆ Шу фикрни тушунтиради ва уни иккинчи жумлага ёзади.
- ◆ Сўнгра ўқитувчи ушбу фикрнинг тасдиғини матндан топади цитата ёки тавсиф тафсилотини – учинчи гапни доскага ёзиб қўяди.
- ◆ Машғулот якунида ўқитувчи мавзу ҳақида ўз мулоҳазаларини шакллантиради ва якуний гапни ёзади.

4-қадам. Ўқитувчи ўқувчилардан шу асардан яна бир парчани танлаб олишларини сўрайди ёки бошқа китобни таклиф этади, энди ўқувчилар ўзлари шундай матн яратишга ҳаракат қилишлари керак.

5-қадам. RACE стратегияси бўйича матн яратиш юзасидан мустақил ишларни яқка тарзда ёки кичик гуруҳларда бажариб кўришлари мумкин. Зарур бўлса таянч саволни ўқитувчи ўзи беради.

Кўллагандан сўнг

Ўқитувчи ўқувчиларга ўз ёзганларини ўқиб чиқишларини, шу билан биргаликда жумлалар стратегия шакли бўйича тузилган-тузилмаганлиги, уларни яхшироқ ва аниқроқ ифодалаш мумкинлиги, ўқиган матндаги маълумот одоб доирасида қўлланганлиги ҳақида ўйлаб кўришларини таклиф қилади.

Иш якунида ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда шу стратегия бўйича хулоса чиқариб, ўқувчиларга қуйидаги саволларни бериши мумкин:

Китобнинг бош ғояси нимадан иборат? У ўқувчиларга ёқдими?

RACE стратегияси бўйича матнлар яратиш қанчалик фойдали ва қизиқарли бўлди?

Ушбу стратегия ёрдамида ўқувчилар қандай кўникмалар ҳосил бўлганлиги ҳақида қандай фикрдалар?

Уй вазифаси

Ўқитувчи ўқувчилардан ўз матнларини таҳрир қилишни ва уни синфда «Ёзувчи бурчаги» деб номлаш мумкин бўлган деворга жойлаштириш учун вараққа кўчириб ёзишларини сўрайди. Ўқувчиларда хоҳиш бўлса ўз ишларини иллюстрациялашлари мумкин.

Баҳолаш	Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда ўқувчиларнинг ишларини қуйидаги мезонларга асосланиб баҳолайди: матннинг RACE стратегиясига мувофиқлиги (саволни, жавобни, тушунтириш ва ўз мулоҳазасини бошқача ифодалаш), ўқувчиларга хатоларни топишда (агар улар бўлса) ва уларни тузатишда ёрдам беради.
Баҳолашнинг вариативлиги	Баъзи бир ўқувчилар учун ёзма иш қийинроқ кечиши мумкин, бундай ҳолатларда оғзаки ишлаб кўриш мумкинлиги айтилади.

5.2. «Ўқиган асарга ёзма тақриз» стратегияси

Ўқиган асарга ёзма тақриз – бу ўқувчининг ўқигани ҳақида шахсий фикр, китобни асосли баҳолаш, ўқиган китоб орқали пайдо бўлган туйғуларни тасвирлаш, ўқувчиларни кўпроқ ўзига тортган ўринларни белгилаш: бу қаҳрамон ёки унинг ҳаракатлари, муаллиф гапириб бераётган вазият ва ўқиган асарда нима энг муҳим бўлганлигини аниқлаш бўлиши мумкин.

Таълим мақсадлари	Ўқувчиларда ўқишга бўлган муҳаббатни сингдириш. Ўқиганни тушуниш малакасини ривожлантириш. Ижодий ёзув малакаларини ривожлантириш. Ўқигани ҳақида ўз фикрларини шакллантириш малакасини ривожлантириш.
Дифференциация	Жараён, натижаларни тақдим этиш, ўқишнинг турли материалларидан фойдаланиш.
Таълимнинг универсал дизайни	Ўқув муҳити, ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб этиш, мазмун.
Таълимнинг кутилган натижалари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар фикрлаш орқали матн тузиш кўникмаси маҳоратини асослайдилар ва намойиш қиладилар, тезис, қиёслаш оборотлари, бевосита нутқ ва ҳ.к. каби ифода воситаларидан фойдаланадилар. • Ўқувчилар матндан олинган маълумотлар билан ишлаш қобилиятларини ривожлантирадилар.
Мақсадли синф	2-4 синфлар
Зарур материаллар	Китоб, ўқув матни, ўқиш учун қўшимча материаллар.
Синфда иш шакли	Якка, гуруҳда, жамоавий иш
Стратегияни қўллаш тартибининг тавсифи	
Стратегияни қўллашга қадар	Ўқувчилар асарни а) мактаб дастури режаси бўйича, б) синфдан ташқари ўқиш бўйича, в) шахсий танловига кўра ўқийдилар.

Қўллаш пайтида

1-қадам. Ўқитувчи ўқилган асарга берилган ёзма фикр қандай тузилганлиги, унга нималар киритиш кераклиги, жумла тузишда қайси сўзлардан фойдаланиш тавсия этилишини тушунтиради.

Ўқилган асарни ёзма равишда кўриб чиқишнинг тахминий режаси ва ҳар бир қисм учун ёрдамчи сўзлар қуйидагича бўлиши мумкин: китоб (асар, қисса, ҳикоя, роман, эртақ, воқеа);

- бу китоб ёқди (эсда қолди, менинг эътиборимни тортди, таассурот қолдирди, қаттиқ таъсир қилди, ўзига жалб этди, таассурот пайдо қилди, мени ларзага солди...);
- қизиқарли китоб (мароқли, ўзига тортадиган, жозибали, таъсирли, ажиб, хотирага жо бўладиган, сеҳрловчи ва ҳ.к.);
- муаллиф ҳикоя қилиб беради (кўрсатиб беради, тасвирлаб беради, гапириб беради, ҳаётни тасвирлайди, расм билан безайди, ... билан таништиради, ... каби бир қатор масалаларни тасвирлайди);
- менга, айниқса, асарнинг бош қаҳрамони ёқади (қадрли, қизиқ, ёқимли, қизиқарли, жозибали, ... меҳримни қозонди);
- бу асар (китоб) ... хулоса қилиш имконини беради;
- бу китобни ўқиш осон, унда қизиқарли (чиройли) расмлар бор;
- муаллиф ... оддий тилда ёзади.

2-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини китоб муаллифи ва номига қаратади. Муаллиф ўқувчиларга танишми? У ҳақида нималарни биладилар? Китобнинг номидан нимани билса бўлади? У қизиқарлими? Балки кайфиятни кўтараётгандир ёки китобда ўқувчиларни нималар кутаётганига ишора қилаётгандир?

Ўқитувчи ўқувчилардан ўз жавобларини ёзиб боришларини сўрайди.

3-қадам. Ўқитувчи фикрларнинг асосий қисмини муҳокама қилишни давом эттиради ва ўқувчилардан саволларга жавоб беришларини сўрайди: Китоб нима ҳақида? Асарнинг асосий мазмуни нимада? У нимага ўргатади? Ўқувчиларнинг эътиборини китобни қайта сўзлашга қаратиш эмас, балки асар қандай ҳис-туйғулар ва фикрларни пайдо қилганлигини шакллантириш зарур, қисқа, аммо муҳимларини четда қолдирмасдан ёзиш керак. Икки-учта гап етарли бўлади.

4-қадам. Ўқитувчи ўқувчилар билан қуйидаги саволларни муҳокама қилади: китоб сизга ёқдими ёки ёқмадими? Маъносини тушунтириб бериш зарурми, нега? Асар нимаси билан хурсанд қилди? Нимага ўргатди? Нима энг қизиқарли туюлди? Ўқувчилар қаҳрамонларнинг ҳаракатлари билан маъқулми, балки бошқача йўл тутиш мумкин эдими? Эҳтимол,

уларнинг китобдаги қаҳрамонларнинг биронтасига тегишли бўладиган маслаҳати бордир?

Ўқитувчи ўқувчилардан ўз жавобларини қайд этиб боришларини тайинлайди.

5-қадам. Китоб қаҳрамонларини алоҳида муҳокама қилиш муҳим. Ўқувчилар кимни асосий қаҳрамон, иккинчи даражали қаҳрамон, ёрдамчи, жиноятчи, ёвуз деб ҳисоблайди? Ўқитувчи ўқувчилардан қаҳрамонларга бўлган муносабатлари билан ўртоқлашишларини сўрайди: улар ёқдим, эҳтимол улар кимдир билан дўстлашгиси келдим?

6-қадам. Ўқитувчи натижани муҳокама қилишга ўтади ва ўқувчилардан хулоса қилишларини сўрайди.

- Асарда энг аҳамиятли нима бўлди? Ўқувчилар нимани тушундилар?

Ўқувчилар ўз жавобларини ёзадилар.

Қўллангандан сўнг

Ўқитувчи қилинган ёзувлар асосида, ишни ёзиш босқичларига амал қилган ҳолда ўқувчиларга ўқиган китоб ҳақида муҳокама матн ёзишларини тайинлайди (қ. «Ижодий ёзув жараёни» бўлими).

Уй вазифаси

Баҳолаш

Баҳолаш учун назорат саволлари рўйхатидан фойдаланилади (қ. «Баҳолаш» бўлими).

Баҳолашнинг вариативлиги

Ўқувчилар режа тузишни ва ўқилган китоб ҳақида оғзаки сўзлаб беришни ёки ўқиганига расм тақдим этишни биладилар.

5.3. «Мақтанг, сўранг, тузатинг» стратегияси

Бу қайта алоқа усулларига ўргатиш учун жуфтликда ишлаш стратегияси. Болалар синфдошларининг ишини баҳолашни ўрганадилар. Кучли томонларини ва нималарни тузатиш ёки яхшилаш мумкинлигини белгилаб ўтадилар.

Таълим мақсадлари

матнни таҳрир қилиш, қайта алоқани бериш, хатолар устида ишлаш кўникмасини ривожлантириш.

Дифференциация

таълим жараёни, таълим натижаларини тақдим этиш.

Таълимнинг универсал дизайни

мазмун, жараён, таълим муҳити.

Таълимнинг кутилган натижалари

- ўқувчилар олинган қайта алоқага мувофиқ матнни таҳрир қиладилар;
- ижобий қайта алоқани тақдим этадилар;
- ишнинг қоралама вариантини тузатадилар.

Тавсия қилинган синф	3-4
Зарур материаллар	Ўқувчиларнинг ёзма ишлари (авалги дарсда ёки уйда бажарилган)
Синфда ишни уюштириш шакли	жуфтликда ишлаш.
Иш тартибининг тавсифи	Ўқувчилар жуфтликда ишлаш билан бирга, бир-бирларининг ёзма ишларини баҳолайдилар, қайта алоқани тақдим этадилар, сўнгра мазмунни ўнглаб, хатоларни тузатадилар.
Стратегияни қўллагунга қадар	Ўқувчилар ўқув режасига мувофиқ ёзма ишлар бажарадилар.
Қўллаш пайтида	1-қадам. Ўқувчилар синфдошининг ишини диққат билан ўқийди ва қуйидаги саволларга ёзма равишда жавоб беради:

Муаллиф

Муҳаррир

Ишнинг номи

1. МАҚТАНГ
Менга шундай қисми ёқдики, унда.....
Менҳақида кўпроқ билишни истардим.....
Матнда бир нечта аниқ сўзлардан фойдаланилган, масалан, ...
.....
Менга муаллифнингдеб тушунтиргани ёқди.
Бу матн мениҳис қилишга мажбур қилди.
2. СЎРАНГ
Муаллифдан нималар ҳақида сўрамоқчисиз?
1.....
2.....
3.....
3. ТУЗАТИНГ
Сизнингча, матнда нималарни тузатиш керак?
1.....

2.....
3.....

2-қadam. Ўқувчилар ўз ёзувлари – қайта алоқалари – зарур бўлса ўз фикрларини тушунтириш орқали ёзма ишлар муаллифлари билан ўртоқлашадилар.

Қўллагандан кейин

Ўқувчилар-муаллифлар таклифларни қабул қилиб, ишни яхшилаш ва хатоларни тuzатишга ўтадилар.

Уй вазифаси

Хатолар устида ишлаш, матннинг энг сўнгги тахминини ёзиш.

Баҳолаш

Қуйидаги саволларга жавоб бериш орқали ўқувчилар кичик гуруҳлардаги ишни баҳолашлари мумкин:

	Ҳа	Йўқ	Жавоб беришга қийналаман
Гуруҳда иш яхши бўлди			
Мен фойдали фикр олдим			
Биз бир-биримизни диққат билан тингладик			
Мен фойдали фикр бердим			
Ишнинг бундай шакли менга ёқади			

Баҳолашнинг ўзгарувчанлиги

- ◆ **Ёзишда қийналадиган ўқувчилар:** ёзишда қийналадиган ўқувчилар билан яхши ёзадиган ўқувчиларнинг жуфтликдаги ишини уюштириш. Бу ёзишда қийналадиган ўқувчига ўз тенгдошининг яхши ёзган ёзма ишини ўқиш имконини беради.
- ◆ Синфнинг билим даражасига мувофиқ бўлган ўқувчилар: ўзгаришлар йўқ.
- ◆ Илғор ўқувчилар: ўзгаришлар йўқ.

5.4. «РАФТ» стратегияси

РАФТ — бу маълум мавзуда ёзма матнларни яратишга йўналтирилган педагогик усул. Асарлар жанр ва безалишига кўра фарқ қилиши мумкин. Ушбу технологиялардан фойдаланган ҳолда матн яратиш тамойили ёрдамида ўқувчилар ўрганилаётган мавзунини турли хил нуқтаи назардан кўриб чиқадилар.

Таълим мақсадлари

ўқувчиларда танқидий фикрлашни ўстириш;
берилган тизим бўйича ижодий ёзув кўникмасини шакллантириш

Дифференциация	жараён, натижалар, иштирок.
Таълимнинг универсал дизайни	ўқув муҳити, мазмун, ўқув жарёнига жалб этиш.
Таълимнинг кутилган натижалари	ўқувчилар ўқилган ва ўрганилган материални тушуна олишлари, унинг мазмунини таҳлил қилишлари ҳамда ўз баҳосини беришлари мумкин
Мақсадли синф	3-4 синфлар.
Зарур материаллар	РАФТ харитаси, ўқув матни ёки ўқиш бўйича қўшимча материаллар.
Синфда иш шакллари	Якка иш, кичик гуруҳлардаги иш, синфда жамоавий иш.
Стратегияни қўллаш тартибининг тавсифи	Усулнинг моҳияти танланган қаҳрамон номидан тасвирлаш, баён қилиш ёки мулоҳаза юритишдан иборат. Шу билан бир қаторда, ролни «бажарувчиси» унинг характери тушадиган барча ҳолатларни инобатга олиши зарур. ¹⁰

Роль	Аудитория	Шакли	Мавзу
Ролни белгилаб олиш учун, берилган мавзуни ким очиб бериши мумкин бўлишини аниқлаб олиш зарур.	Ушбу матн кимга қаратилганлигини аниқлаб олиш.	Жанрни, ҳикоя қилиш шаклини танлаб олиш.	Матн нима ҳақида бўлиши, унда қандай асосий ғоялар ёритилиши мумкин бўлган мавзуни танлаш.

Қўллангунга қадар Машғулот бошланишидан аввал жадвални тайёрлаб қўйиш зарур. Уни доскага чизиб қўйса ҳам бўлади. Шунинг эса тутиш зарурки, дарс давомида барча жадвал бўлимларининг муҳокамасида ўқитувчи ўқувчиларга кўриниб туриши учун ҳамма фикрларни ёзиб бориши зарур. Чунки мунтазам равишда уларга мурожаат қилинади, таҳлил ва эҳтимол тўлдириш ҳам керак бўлади. Масаланинг моҳиятини яхшироқ тушунишга, қаҳрамон атрофидаги муҳитни ҳис қилишга ва унда гавдалантиришга ҳисса қўшишга имкон берадиган кўргазмаларни материалларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁰ Низовская И.А. Новое в обучении сочинению // Русский язык и литература в школах Кыргызстана. – 2002. -№3. – С. 70-71.

Қўллаш пайтида	<p>1-қадам. Чақириш босқичи. Ўқувчиларни фаоллаштириш, уларни жараёнда фаол иштирок этишга ундаш, ассоциациялар ёки ақлий ҳужум усулидан фойдаланиш мумкин.</p> <p>Болалар мумкин бўлган барча ролларни таклиф қиладилар. Ўқитувчи таклиф қилинган вариантларни жадвалга киритади. Жадвалнинг иккинчи устунига матнни ўқиш қизиқарлироқ бўлган ўқувчилар ёзилади. Бу вариантлар ҳам жадвалга қайд этилади.</p> <p>Кейин роллар ва эҳтимолдаги китобхонлар билан ўзаро боғлиқ бўлган жанрлар аниқланади. Улар қуйидаги устунларда қайд этилади.</p> <p>Охирги устунга матннинг асосий мазмуни ва ғояси киритилади.</p> <p>2-қадам. Жадвалда берилган барча маълумотни ўқитувчи ўқиб беради. Роллар ўқувчилар орасида тақсимланади ва улар матн ёзишга ўтадилар. Шу билан бирга, уларга қаҳрамон тушиши мумкин бўлган шароитларни ҳисобга олган ҳолда, тасвир объектини чуқур ҳис қилишга, тушунишга, унга бошқа шаклда гавдаланишга ҳаракат қилиш муҳимлигини уларга тушунтириш зарур. Якка тартибда ёки гуруҳда ишлаш мумкин.</p> <p>3-қадам. Топшириқ бажарилгандан сўнг, бир нечта матн ўқиб берилади. Танловни ҳоҳловчилар ёки қуръа ташлаш йўли билан амалга ошириш мумкин. Агар бажарувчилар сони оз бўлса, вақт етарли бўлса, барча ўқувчиларга сўзга чиқиш учун имкон бериш мумкин.</p>
Қўллагандан сўнг	Стратегияни қўллагандан сўнг ўқитувчи ўқувчилардан, стратегия, ёзув кўникмасини, ўқиганни тушуниш ёки ўрганилган мавзунини ўзлаштиришни ривожлантиришга қандай ёрдам бериши ҳақида фикрларини билиб олади. Ўқувчилар бу стратегияни қачон ва қаерда қўллаш мумкин бўлган вариантларини таклиф этадилар.
Уй вазифаси	Ўқувчилар ўз ишларини таҳрир қиладилар, кўчириб оладилар ва «Ёзувчи бурчаги» га жойлаштириш учун синфга олиб келадилар. Зарур бўлса ўқитувчи хатолар устида ишлаш юзасидан ёрдам беради.
Баҳолаш	Назорат саволлар рўйхатидан фойдаланиш орқали биргаликда тақриз қилинади. (қ.4-бўлим. «Қайта алоқа ва баҳолаш»).
Баҳолашнинг ўзгарувчанлиги	Баҳолашдан жуфтликда фойдаланиш мумкин, унда иккита ўқувчи ўз ишлари билан ўртоқлашадилар ва назорат саволлар рўйхатидан фойдаланган ҳолда баҳолайдилар. (қ.4-бўлим. «Қайта алоқа ва баҳолаш»).





ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. IDRA March Newsletter, Intercultural Development Research Association, 2003. www.idra.org, дата обращения к источнику 06.07.2020.
2. [Scott Barry Kaufman. The Psychology of Creative Writing. — Cambridge University Press, 2009.](#)
3. Бейти К. Литературный марафон: как написать книгу за 30 дней. Перевод с англ. Александра Коробейникова. – 4 изд. – М.: Манн, Иванов, Фербер, 2019. – 208 с.
4. Бенке К. Пиши ещё! Руководство для начинающего писателя. М.: Альпина Аблшер, 2018. – 256 с.
5. Бьюзен Т. и Б. Супермышление. – Минск: ООО «Попурри», 2003. – 304 с.
6. Визнер К. Живой текст: как создавать глубокую и правдоподобную прозу. Перевод с англ. Марии Сухотиной. – 2 изд. – М.: «Манн, Иванов, Фербер», 2019. – 304 с.
7. Готтштал Дж. Как сторителлинг сделал нас людьми. – М.: Колибри, 2020. – 272 с.
8. Зинсер У. Как писать хорошо. Классическое руководство по созданию нехудожественных текстов. – М: Альпина Паблшер, 2017. – 292 с.
9. Как писать крутые тексты. – М.: Манн, Иванов, Фербер, 2018. – 96 с.
10. Квитадамо, И. Д., и Курц, М. Д. (2007). Учиться совершенствоваться: Использование письма для развития эффективности критического мышления в биологии общего образования. CBE Life Sciences Education, 6(2), 140–154.
11. Книга моих историй. – М.: Манн, Иванов, Фербер, 2014. – 96 с.
12. Лангер, Дж. А., и Эпплби, А. Н. (1987). Как письмо формирует мышление. National Council of Teachers of English.
13. Лемов Д. Мастерство учителя. Проверенные методики выдающихся преподавателей. – М.: Манн, Иванов, Фербер, 2014. – 416 с.
14. Литературный энциклопедический словарь/Под общ. Ред. В.М. Кожевникова и П.А. Николаева. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – С.516.
15. Львов М.Р., Рамзаева Т.Г., Светловская Н.Н. Методика обучения русскому языку в начальных классах...– М: Дрофа, 2020. - 160 с.
16. Низовская И.А. Новое в обучении сочинению // Русский язык и литература в школах Кыргызстана. – 2002. -№3. – С. 70-71.
17. Низовская И.А. Книги пишем сами. Методическое пособие для педагогического сопровождения учителей начальных классов. –Б.: ОсОО «Папирус Принт», 2017 – 54 с.
18. Ньюбургер Э. Банка с историями: Играем, придумываем, рассказываем. – М: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 136 с.
19. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. – М.: Оникс, 2008.
20. Попова В.Г. Учим младших школьников писать сочинение. – М.: Учитель, 2020. – 48 с.
21. Родари Дж. Грамматика фантазии. – М.: Самокат, 2011.
22. Русский язык. 1- 4 классы: речевые уроки/ Э.И. Полякова. – Волгоград: Учитель, 2015.– 299 с.
23. Русский язык. 1- 4 классы: сочинения и изложения/ авт.-сост. Н.Н. Бобкова и др. – Изд. 3-е испр. – Волгоград: Учитель, 2020.– 316 с.
24. Русский язык. 5 кл.: Метод. пособие для учителей школ с рус. яз. обучения /В. Н. Качигулова, Л. М. Бреусенко, Т. А. Матохина – Б.: Аркус, 2018. – 144 с.
25. Русский язык. 6 кл. Метод. пособие для учителей шк. с рус. яз. обучения / Л. М. Бреусенко, Т. А. Матохина, В. Н. Качигулова – Б.: Аркус, 2018. – 104 с.
26. Сайт Bilimbulagy. Мировая литература: Я писатель//URL: <https://www.bb.edu.qov.kg/index.php>

27. Стрикленд. (2002). Поддержка учащимся, сталкивающимся с трудностями в чтении и письме: Стратегии для обучения на уроке 3–6. Stenhouse Publishers.
28. Фетисова Т.Н., Учим младших школьников писать сочинение ФГОС, издательство «Учитель», М., 2020.
29. Чамберс Э. Рассказы. Читаем, думаем, рассуждаем. – М. Самокат, 2016. – 320 с.
30. Шанахан, Т. (2016). Взаимосвязь между чтением и развитием письма. In С. А. MacArthur, S. Graham, & J. Fitzgerald (Eds.), Handbook of writing research (2nd ed., pp. 194–207). Guilford Press.



ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН РЕСУРСЛАР

1. Амонашвили Ш.А. Основы формирования письма и развития письменной речи в начальных классах: Автореф. дис. д-ра психол. наук. – М., 1972. - 45 с.
2. Васильев Ю.А., Низовская И.А. Педагогическая мастерская как форма профессионального развития учителей: Практическое руководство по организации и проведению педагогических мастерских на основе профессиональных потребностей. / Под общ. ред. Т. А. Матохиной. – Б.: 2012. – 158 с.
3. Выготский Л.С. Мышление и речь. // Избранные психологические исследования. – М.: Изд-во АПН РСФСР, 1956. - 519 с.
4. Низовская И.А., Задорожная Н.П., Матохина Т. А. Учимся мыслить критически. – Бишкек: Максспринт, 2011. - С. 130
5. Стил Д, Мередис К, Темпл Ч. Сынчыл ойлом дунөнүгүшүнөө бөлгө түзгөн методдор. – Бишкек, Сорос – Кыргызстан, 1997.
6. Халперн Д. Психология критического мышления. – СПб.: Питер, 2000. – 512 с.
7. Эсенгулова М., Асекова Ж. «Сынчыл ой жүгүртүүнү өстүрүү үчүн окуу жана жазуу» программасынын хрестоматиясы. – Бишкек, 2004.
8. Эсенгулова М., Асекова Ж. Мүмкүнчүлүктөрдү кеңейтүү («Окуу жана жазуу аркылуу сынчыл ой жүгүртүүнү өстүрүү» усулунун теориясы жана практикалык тажрыйбасы). – Бишкек, 2008.



ГЛОССАРИЙ

Аудитория – бу ўринда: муаллиф ёзган асарни ўқийдиган одамлар ёки жамоавий адресат.

График ташкилотчилар – тушунчалар, ҳодисалар, предметлар ўртасидаги боғланишни намойиш қиладиган воситалар: схемалар, графиклар, доиралар, жадваллар. Маълумот тўплаш, уни узоқ вақт хотирада сақлаш ва кўргазмали тақдим қилиш воситалари. Ёзма иш учун асос яратувчи, ёзувлар олиб бориш жараёни.

Дифференцияланган таълим ёки дифференциациялаш – ўқитишга ёндашиш бўлиб, унда ўқитувчилар ўзининг кундалик амалиётида таълимнинг кучли томонларини ва ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжларини ҳисобга оладилар. Дифференциациялашнинг мақсади, ҳар бир ўқувчини, унинг қобилиятлари, имкониятлари ёки ўзига хос хусусиятлари даражасида ўқитишдан иборатдир. Дифференцияланган таълим контекстида тўртта таълим элементи: мазмун, жараён, маҳсулот ва ўқув муҳити ётади, улар ўқувчиларнинг тайёргарлик ва қизиқишлари даражасига боғлиқ равишда модификацияланган бўлиши мумкин.

Асар харитаси – ҳикоя асосий қисмлари ва уларни тўлдириш учун жойнинг контурини ўз ичига олган (бош қаҳрамонлар, воқеа ўрни, муаммо, ечим, хулоса/якун) график ташкилотчи.

Режалаштириш харитаси – ёзма иш режасининг бўлимларини белгилашга имкон берган график ташкилотчи.

Назорат рўйхати – одам ёки кузатувчи томонидан бажарилиши пайтида қайд этилиши керак бўлган муайян кўникмалар ёки хатти-ҳаракатлар рўйхати. Ёзма ишни баҳолаш учун қўлланилади.

Баҳолаш мезонлари – унинг асосида баҳолаш, ниманидир аниқлаш ёки тасниф қилиш амалга ошириладиган белгилар. Баҳо ўлчови. Ўқитувчилар у ёки бу ишнинг баҳо мезонларини санаб ўтадиган махсус шаклларни яратадилар.

Адабий жанр – бу бадиий асар тури бўлиб, у ёки бу сюжет ва услубий белгилари билан тавсифланади.

Моделлаштириш – бу ўқув стратегияси бўлиб, унинг жараёнида ўқитувчи янги концепцияни ёки таълимга ёндашишни намойиш қилади, ўқувчилар эса кузатиш асосида ўрганадилар.

Ақлий ҳужум – ижодий фаоллик ва маҳсулдорликни рағбатлантирадиган усул. Ақлий ҳужум мақсади – мумкин қадар кўпроқ ғояларни ишлаб чиқиш ва турли усуллар билан энг яхши ечимни аниқлаш.

Қайта алоқа – мақсадли даража ва жорий ўзлаштириш ўртасидаги фарқни бартараф этишга ўқувчига ёрдам учун тақдим қилинадиган маълумот.

Ўқувчилар таълимнинг кутилган натижалари – ўқувчининг кутаётган натижаси-Давлат стандарти асосида ўқувчилар нимани ўрганиши кераклиги.

Тасвир (баён қилиш) – бу нутқ тури бўлиб, унинг ёрдамида қандайдир воқелик унинг доимий ёки бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган белгилари ёки ҳаракатларини санаб ўтиш орқали тасвирланади.

Баҳолаш – кутилган натижа қай даражада эришилганлигини кўриш учун ўқувчиларнинг ютуқлари ҳақида ҳукм чиқарш жараёни.

Ривоя (ҳикоя қилиш) – ҳар қандай ҳаракат ёки ҳодисалар ҳақида кетма-кетликда айтиб берадиган нутқ тури; ҳаракатлар ёки ҳодисаларни кетма-кет алмаштириш ҳақидаги ҳисоботлар.

Муҳокама – бу нутқ тури бўлиб, унинг ёрдамида қандайдир ҳолат, фикр исботланади ёки тушунтирилади; воқеа ва ҳодисалар, баҳо ва ҳисларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида сўз боради.

Нутқий клише (қолип) – маълум нутқий соҳанинг коммуникатив талабларига мувофиқ қўлланиладиган, нутқда тез-тез такрорланадиган, тайёр нутқий формулалар.

Нутқ услуби – у ёки бу ижтимоий ҳаёт соҳасида фойдаланиладиган нутқ кўринишлари: бадиий адабиётда, кундалик мулоқотда, расмий-иш муносабатларида, оммавий ахборот воситаларида ва илм соҳасида.

Стратегия – маълум мақсад, маълум изчиллик, маълум режага эришиш учун ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қўлланиладиган, ўқув материали билан ишлаш усулларининг тизими.

Матн тузилиши – бу унинг ички қурилиши, унинг қисмларга бўлиниши. У танланган услуб ва жанри билан белгиланади. Уч қисмли тузилиш деганда матн уч қисмдан иборатлиги кўзда тутилади, айнан: кириш, асосий қисм ва хулоса. Ҳар бир бўлак ўзига хос тарзда муҳим ва улардан биронтасининг етишмаслиги матнга бўлган талабни йўқотади.

Ижодий ёзув – шахсий, ижодий, оригинал яратиш усулига эътибор қилинадиган ёзма иш.

Матн – бу нутқ фаолиятининг якуний маҳсулоти бўлиб, матн гаплардан иборат, у гапларга бўлинади. Матнда барча жумлалар маъно жиҳатидан бир-бирига боғланган бўлади. Умумий мавзу ва асосий мазмунга бирлашади. Матнда барча жумлалар маълум тартибда жойлашади. Матн нисбий тугалланган фикрга эга, боши ҳамда охири бўлади.

Нутқ турлари – нутқ кўринишлари бўлиб, биз матнда нимани ифодаламоқчи бўлишимиздан қатъий назар қўлланилади. Мисол учун, айтиб бериш, тасвирлаш ёки бирон нарсани исботлаш.

Ўқитишнинг универсал дизайни (ЎУД) –ўқув тажрибасининг дизайнини барча ўқувчиларнинг эҳтиёжларини фаол қаноатлантиришга йўналтирадиган тизим. Бу тизим тасаввурнинг бир қанча воситалари ва усуллари, ҳаракатлар ва ифодаларни тақдим этиш, шунингдек, ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб этишни ўз ичига олади.



ИЛОВА

Ҳаракатлар режаси

Тренинг якунида ҳар бир иштирокчи ўз педагогик амалиётига Тренинг пайтида олинган билим ва малакаларини жорий қилиш бўйича кейинги хатти-ҳаракатлар режасини тузиши жуда муҳим. Бу режа икки нусхада тузилади. Битта нусхани ўзида қолдиради, иккинчисини ўз тренерига топширади. Бу Режа ҳам иштирокчи учун, ҳам тренер учун муҳим аҳамиятга эга, чунки тренер иштирокчи тренинг пайтида ҳақиқатан нималарни билиб олгани ҳақида маълум даражада қайта алоқа ўрнатади, бу пайтда иштирокчининг унга тақдим қилинган таълим ҳақида фикр юритиш ва олинган тажрибани қўллаш, мукамаллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича ҳаракатларни режалаштириш имконияти бўлади. Бундан ташқари, бу Режа иштирокчига мактабга ташриф буюрган пайтда тренер томонидан қўшимча мураббийлик ёрдамини беради.

Ҳаракатлар режаси

1-қадам: Сиз айна пайтда нима қилишингиз кераклигини ҳал қилинг.

Сиз тренингдан олган янги ғоянингизни номланг ва ундан осон фойдалана олишингиз ҳақида айтиб беринг.
Бу ғояни ўқитиш жараёнингизда қачон киритишингиз мумкин?
Ушбу ғояни амалга оширишда нималарни ўқитасиз?
Сизнингча, бу ўқувчиларга қандай ёрдам бериши мумкин?

2-қадам: Кейинги икки ой мобайнида янги стратегияни жорий қилиш режасини тузинг.

Кейинги икки ой мобайнида ўз амалиётингизда фойдаланадиган битта стратегияни айтинг.
Сиз ўқитадиган мавзу ва нималарни ўқитишингизни айтиб беринг:
Сиз иш бошлайдиган сана:
Бу стратегия ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришини аниқланг:

Сизга керак бўладиган манба ва материаллар

Сизга керак бўладиган ёрдам (агар бунга зарурат бўлса)

3-қадам: Фойдаланиладиган янги стратегиянинг баҳоланишини ўтказиш.

Ўқувчиларингизга бу стратегия қандай ёрдам берди?

Сиз нимани яхши бажардингиз?

Сизда қандай қийинчиликлар бўлди?


Сиз кейинги сафар нимани бошқача қилар эдингиз?

4-қадам: Сиз келгусида нима қилишингизни ҳал қилинг.

Сиз кейинги сафар қандай стратегиядан фойдаланишни хоҳлайсиз?

МОДУЛЬ 5


БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА КУНДАЛИК ЁЗУВ





МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БЎЛИМ. КУНДАЛИК ЁЗУВНИНГ МУҲИМЛИГИ	5
2-БЎЛИМ. КУНДАЛИК ЁЗУВНИНГ МАҚСАДИ ВА ТУРЛАРИ	8
3-БЎЛИМ. КУНДАЛИК ЁЗУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ БЎЛГАН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	23
4-БЎЛИМ. ОТА-ОНАЛАР ФАРЗАНДЛАРИГА ЁЗУВ КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШДА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШЛАРИ МУМКИН	26
5-БЎЛИМ. КУНДАЛИК ЁЗУВ СТРАТЕГИЯЛАРИ	28
5.1. “Гапнинг тузилиши: қуриш, тарқатиш, бирлаштириш” стратегияси	29
5.2. “Илмий-маърифий матнни қисқача ёзиб олиш” стратегияси.....	31
5.3. “Менинг куним” рефлексиясига оид стратегия	34
Фойдаланилган адабиётлар	37
Ўқитувчиларга ўқиш учун тавсия этиладиган ресурслар	39
ГЛОССАРИЙ	40
ИЛОВА.....	42



КИРИШ

Инсоният тарихидаги тараққиёт ва маърифат ёзув туфайли келиб чиққан. Инсон ёзишни ўрганди ва ёзув инсон мулоқотининг ажралмас усулига айланди. Ўтган асрда оламшумул обрўга эга бўлган машхур психолог, тиббиёт фанлари ҳамда педагогика фанлари доктори А.Р.Лурия ёзув жараёнининг ниҳоятда мураккаблиги ва аҳамияти ҳақида гапириб ўтган, чунки ёзув жараёнида ноёб нерв алоқалари фаоллашади. Олимларнинг фикрига кўра, бу алоқалар таълим жараёнига фаол таъсир қилади. Ёзув орқали янги маълумотларни қабул қилган болалар мия фаоллигининг ошиши тадқиқотлар натижаларида кузатилди. Демак, ёзув ақлий фаолиятни фаоллаштиришга ёрдам беради. Ёзасиз - демак, ўйланасиз.

Ёзув мияни машқ қилдиради, шунинг учун унга нафақат болаларни ёзувга ўргатадиган дарсларда, балки мактаб ўқув дастуридаги барча фанларни ўзлаштириш жараёнида ҳам эътибор бериш муҳимдир. Ёзув доимий ва турли хил бўлиши зарур. Ўқувчилар ўқув куни давомида турли хил ёзма топшириқларни мунтазам равишда бажаришларига имконлари бўлиши керак. Ушбу топшириқлар билимларни шакллантиришга қаратилган бўлиши ва аудиториянинг турли мақсадларини ўзида акс эттириши зарур.

4-модулда асосий диққат ўқувчиларга яхши ёзувчи бўлишнинг энг самарали усули сифатида ижодий ёзиш жараёнини ўргатишга қаратилган (Грем ва бошқ., 2012). 5-модуль ўқувчиларга ёзув малакаларини ўргатишга қаратилган бўлиб, улар одатда қисқа вақт ичида бажарилади ва қайта ишлаш ёки таҳрир қилишни талаб қилмайди. Биз буни кундалик ёзув деб атаيمиз.










Кундалик ёзув деганда ўқувчиларнинг ўқиш мақсадида ёзувларни қайд этиб бориши, белгилаши, дарс мавзулари бўйича хомаки қоралама, ўрганилган материалга нисбатан жавоб ёки визуал тасвирларни туширишларини тушунамиз. Бу ўқув материалини яхши эсда тутиш ва ўзлаштириш учун муҳим. Ўқувчилар ишининг бундай самарадорлиги турли хил хотира турларидан бир вақтнинг ўзида фойдаланишдан иборат: тинглашга оид (нимани айтганини эшитади), ҳаракатга оид (ёзади), кўришга оид (ёзилганни кўради), мазмуний (эшитилган, талаффуз қилинган сўзларни ёдга солади). Ёзувлар ўқувчи томонидан кўчирилмаган ва ўқитувчи томонидан баён қилинмай мустақил равишда бажарилган бўлса, бу ижодий жараён ҳисобланади, чунки улар ахборотни қайта ишлашнинг турли усулларини англатади. Қайдлар, схемалар, расмлар, жадваллар, қисқа хулосалар ўқувчиларга дарсда ўрганилган билимларни қайта тиклашга, қабул қилинган маълумотни тўлдиришга, уни тизимлаштиришга, расмийлаштиришга ёрдам беради. Бошланғич мактабда ўқувчиларга бундай қайдларни эртaroқ ўргатиш ўзига хос аҳамиятга эга, чунки бу ўрта ва юқори синфларда рефератлар, хабарлар, тақдимотларни яратишга қаратилган ўзига хос қадам бўлиб ҳисобланади.

Кундалик ёзув ўқитувчи томонидан баҳоламайди. Ўқитувчи ўқувчининг якуний ёзма ишини, 4-модулда айтиб ўтилганидек, бутун ёзув жараёнидан фойдаланиш натижасини баҳолайди.

5-модуль ўқувчиларнинг билим ва тажрибасини энг муҳим ишга айлантириш, сўз бойлигини ошириш, ўқиганни тушунишини чуқурлаштириш, ўрганилган ва шаклланган кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўқувчилар эришган ютуқларини намойиш қилиш каби турли хил мақсад ва вазифаларни инobatга олган ҳолда, бошланғич мактабда кундалик ёзувдан дарсларда фойдаланиш масалаларини кўриб чиқишни таклиф этади. Унда кундалик ёзувни ўқиш, ватаншунослик, математика, ТХА ва бошқа фанларга интеграциялаш усуллари ҳақида таклифлар берилган.

Модулнинг охириги бўлимида бошланғич мактаб дарсларида фойдаланиши мумкин бўлган кундалик ёзув стратегиялари тақдим этилган. Модуль қуйидаги тузилишга мувофиқ ишлаб чиқилган (қ.1-жадвал).

1-жадвал. Модуль тузилиши

	Ҳар бир бўлим китобхон диққатини муҳим маълумотларга қаратиш учун йўналтирувчи саволлардан бошланади. Ушбу саволлар тегишли бўлимнинг барча мазмунини қамраб олган.
	Модулда тақдим этилган мавзуларнинг қисқача шарҳи мавзуларнинг муҳимлиги ва таянч тамойиллардан синфда фойдаланиш ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.
	Ҳар бир бўлим охирида резюме - асосий қоидалар ва тамойилларнинг умумий хулосаси берилган.
	«Стратегиялар» ўқитувчилар дарсларда бу ёндашувларни қандай амалга оширишлари ҳақида аниқ кўрсатмаларга эга эканлигини намойиш этадилар. Ҳар бир стратегия а) ўқитувчининг дарсгача, дарс пайтида ва дарсдан кейинги фаолияти баёнини, б) ўқув ва баҳолаш жараёнини дифференциациялаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.
	Матнда бўлимнинг таянч қоидаларини тасдиқловчи муҳим тадқиқотлар ҳақида қўшимча маълумотлар берилади.
	Фойдаланилган адабиётлар
	Ўқитувчиларга ўқиш учун тавсия этиладиган ресурслар
	Глоссарий
	Илова



1-БЎЛИМ. КУНДАЛИК ЁЗУВНИНГ МУҲИМЛИГИ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Кундалик ёзув билан миянинг иши орасида қандай муносабат мавжуд?
- ◆ Нима учун бошланғич мактаб ўқувчиларида кундалик ёзув кўникмаларини ривожлантириш зарур?

Бармоқлар ёзади, аслида эса бизнинг миямиз ёзади: мия қандай буйруқ берса, шу содир бўлади. Шу маънода қўл миянинг давомчиси ҳисобланади. Ҳатто шундай атама мавжуд – “ақлли қўл” ёки “фикрловчи қўл”.

Татьяна Черниговская,

биология фанлари доктори, психологист

Ёзма иш маҳсулот сифатида – биз ўйлаган ва ҳис қилган нарсаларнинг ёзма ифодасидир. Ёзма ишни яратиш – мураккаб жараён, чунки у бир нечта фикрлаш функциялари: кўриш-ҳаракат координацияси, тил, хотира, ижодий қобилият, заковат, мантиқ, фазовий ақл ва мавҳум тафаккурнинг интеграциясини талаб қилади, шунинг учун ёзув мия ривожланиши учун самарали машқ, шунингдек, ҳар куни шуғулланиш керак бўлган ўзига хос машғулот ҳисобланади.

Яқинда ўтказилган илмий тажрибага оид тадқиқотларда олимлар инсон миясини ёзув жараёнида сканер қилишиб, мия ривожланиши ва ёзув орасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқдилар. Натижада миянинг кўпгина соҳаси ёзув жараёнида ўзаро бир-бири билан чамбарчас алоқада бўлиб, улар бошқа кўникмаларни ривожлантириш учун мустақам нейрон алоқаларини яратишга кўмак кўрсатишлари аниқланди (Деан, 2019). Таълим психологияси соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кундалик мунтазам ёзув янги маълумотни эслаб қолиш ва ўзлаштириш қобилиятини сезиларли даражада кучайтиради (Бергингер, 2016).

Олимлар томонидан яна бир тажриба ўтказилган, унда иккита гуруҳ иштирокчилари янги маълумотни тинглаган. Таянч маълумотни қўлида ёзиб, маърузани конспект қилган ўқувчилар гуруҳи олинган маълумотни яхшироқ тушуниб, ундан етарли хулосалар чиқарганлар. Энг муҳимларини ёзиш учун ажратиб, тинглаганини тафаккур қилиб маълумотни олиш пайтида уларни таҳлил қилганлар (Мюллер ва б., 2014). Бундан ташқари, бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг ўз қўли билан ёзган ишлари компьютерда ёзилган ишларга таққосланганда бой фантазияси ва анча лексик рангба-ранглиги билан ажралиб турган. Бу шуниси билан изоҳланадики, ёзув жараёнида мия фаолроқ ишлайди. Бошқа тадқиқотчиларнинг (Логнкэмп М, 2006) билдиришича, ким ўқишни ўрганиш мақсадида графемаларни мунтазам равишда (айни ҳолатда ҳарфлар), ёзиб борса тезроқ эса олиб қолади. Ёзувдаги тизимли машқлар идрок, хотира, тушунчаларни шакллантириш, масалаларни ечиш, тасаввур ва мантиқ каби когнитив жараёнларни фаоллаштиради (Ричардс и ва бошқалар, 2015).

Нейропсихолог Кристиан Марквардтнинг белгилашича, бола кундалик ёзувларни қайд этиб борганда, унинг миясида ёзилганни эслаб қолиш қобилияти ошибгина қолмай, балки у нима ҳақда ёзаётганлигининг тасаввур ва тушунганлик даражаси ҳам ортади (Марквардт, 2015). Қандайдир мавзуга матн ёзиш уни оғзаки муҳокама қилишга нисбатан аниқроқ тушунишни талаб қилади. Бирон нарсани ёзишдан илгари ўқувчи аввалига фикрлаши, фикрларини тартибга келтириши, сўнгра қайта ишланган маълумотни матнга айлантириши зарур. Шунингдек, олимларнинг белгилашича, кундалик ёзув туфайли ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ривожланади. Кундалик ёзув ўқувчиларнинг сўз бойлигини кенгайтиришга кўмак беради. Ёзиш жараёнида матнда тез-тез қўлланиладиган сўз ва жумлаларга кўзи тушади, уларни ўз ишига кўчириб қўллайди. Ўзининг ёзма ишини такомиллаштириш учун, ўқувчиларга янги сўзлар ва иборалар излашга тўғри келади. Уларнинг сўз бойлиги янада ранг-баранг бўлиб боради.

1-схема. Кундалик ёзувнинг кўникмаларни оширишга таъсири



Бошланғич мактабда кундалик ёзувни қўллаш барча фанларни ўрганишда жуда муҳим, чунки ёзув амалиёти ҳар қандай билим соҳасининг мазмунини ўзлаштириш учун муҳим бўлган мия орқали идрок этиш, қайта ишлаш, маълумотни сақлаш ва кўчиришни яхшилади. Бу (Деан, 2019). Ёзув туфайли ўқувчилар мураккаб материални, нотаниш тушунчалар ва ҳар бир фанга оид луғатни (математика, ватаншунослик, мусиқа ва ҳ.к.) яхши тушунишлари ҳамда саводхонлигини оширишлари мумкин. Кундалик ёзув ўз-ўзини билиш қобилиятини ривожлантиради, чунки жараённинг ўзи шаклланган эътиқодларни тадқиқ қилишга, инсоннинг олам билан қандай муносабатда бўлишини тушунишга ва ҳис-туйғуларига ишлов беришда қай тарзда кўмак беришини тушунишга имкон беради.

Сўнги ўн йилликларда тадқиқотчилар ёзув ўқишни ва тушунишни яхшилашнинг зўр усули эканини кўрсатишмоқда. Ўқиб чиқилган асар бўйича ёзув ишларини олиб бориш асарни кўп мартаба ўқиш, ҳикоя қилиб бериш, матн бўйича берилган саволларга жавоблар ва умумлаштиришдан кўра матнни тушунишнинг анча самарали усули

бўлиб чиқди. Айниқса бу ютуқлари қуйи бўлган ўқувчилар учун жуда муҳим, чунки бир хил қолипда берилган топшириқлар матнни идрок қилиш қобилиятини чеклайди (Грэм ва бошқалар. 2010).

Бошланғич мактабдаги ўқиш жараёнида кундалик ёзув фикрларни тартибга солиш, ғояларни, танқидий тафаккурни ривожлантириш, сўз бойлигини кенгайтириш, нутқнинг турли услубларидан фойдаланиш, имло, грамматика ва синтаксис қоидаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Агар ўқитувчилар дарсларда ўқиш билан бир қаторда ёзувга ҳам бирдай вақт ажратсалар, ўқувчилар ушбу малакаларнинг муваффақиятли ривожланганлигини намоиш этишлари мумкин. Кундалик ёзув ўқувчиларнинг мулоқоти учун асос бўлиб, мулоқот қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Лекин шу билан бирга, агар ўқувчиларни қандай ёзиши бўйича эмас, балки шунчаки улар доим ёзаётгани учун баҳолаш мумкин бўлса, унда ўқувчилар ўз фикрини билдиришнинг зарур воситасини топишига эътибор бериш муҳим.

Ёзув кўпинча ўқувчиларнинг мактаб предметларини тушуниши ва ўз билимларини намоиш қилишлари учун ишлатилади, лекин ёзув малакаларининг етишмаслиги билим етишмаслигини акс эттирмайди. Айниқса ўқитувчиларга мактабдаги қийинчиликларни қандай енгишни ҳамда ўқувчиларга муқобил ёзма ишлар бажариш орқали мавзу бўйича шахсий тушунчаларни ифода этиш имкониятларини тақдим қилиш йўллари билиш муҳим. Агар ўқувчилар ҳар кунги ёзма топшириқлар устида ишлашни ёқтириб қолсалар, унда бу уларга келгуси ҳаётида фойда келтириши мумкин, чунки юқори технологиялар ва рақамлаштириш даврида (Интернетдан, ижтимоий тармоқлардан ва бошқалардан фойдаланиш) яхши ёзув тобора оммалашиб бораётган маҳоратга айланиб бормоқда.



Резюме

Ёзиш жараёнида барча ақлий функциялар иштирок этади, шунинг учун ёзув мия учун машқ ҳисобланади. Ёзма топшириқларни ҳар куни, тизимли равишда бошланғич мактаб дарсларига киритиш ўқувчиларга янги маълумотни яхши ўзлаштириш, англаш ва таҳлил қилиш, хотира, идрок ва мантиқий фикрлашни ривожлантириш, тушунчаларни шакллантириш ва муаммоларни ҳал қила олиш, тасаввурни, фантазияни, креативликни ишга солиш, сўз бойлигини кенгайтириш, эшитган ёки ўқиган нарсаларни тушунишни яхшилашга имкон беради. Кундалик ёзув амалиёти фикрларни уюштиришни, ғояларни ривожлантиришни, танқидий фикрлашни, нутқнинг турли услубларидан фойдаланишни билишга, имло, грамматика ва синтаксис қоидаларини мустаҳкамлашга, шунингдек, мулоқот қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Кундалик ёзув маҳоратига эга бўлиш рақамлаштириш даврида улардан келгусида муваффақиятли фойдаланиш имконини беради бу эса ўз фикрини ёзма равишда аниқ ва тушунарли ифодалашни талаб қилади.





2-БЎЛИМ. КУНДАЛИК ЁЗУВНИНГ МАҚСАДИ ВА ТУРЛАРИ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Кундалик ёзув нима учун ва қандай ишлатилади?
- ◆ Кундалик ёзувни дарсга қандай киритиш мумкин?

Ёзув ёрдамида сиз ҳамма нарсага эришингиз мумкин. (You can make anything by writing).

Льюис Кэрролл, инглиз ёзувчиси

Бошланғич синф дарсларида кундалик ёзув турли ўқув мақсадлари ва вазифаларига эришиш учун ишлатилиши мумкин.

Ўқувчиларнинг дастлабки билим ва мавжуд шахсий тажрибасини актуаллаштириш. Ўқувчиларни самарали ўқитиш учун уларнинг олдиндан билган билимлари билан улар учун янги бўлган билимлар ўртасидаги боғланишни ўрнатиш лозим. Ёзма ишда ўқувчилар янги мавзуни ўрганиш эҳтиёжини аниқлай олишади, бу ҳар бир ўқувчини дарсда фаол ишлашга йўналтириш ва қизиқтириш имконини беради. Шунингдек, ўқувчилар ўз ҳаётини тажрибасини ва мавжуд малакаларини янги маълумот ва орттирилган малакалар билан боғлай оладилар.

Фикрлаш жараёнларининг тузилиши. Ёзма ишда ўқувчилар ўзлари ўрганаётган нарсаларни маълумотнинг график ташкилотчиси, схема, ментал харита кўринишида тасаввур қила олишади. Бу билимларни тузиш, фикрларни тушунтириш ва тартибга келтириш, уларни таҳлил қилиш, кераклисини ажратиб олиб, иккинчи даражали нарсани белгилаш, ғояларни таснифлаш имконини беради, булар маълумотни янада чуқурроқ тушунишга ва эслаб қолишга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзулар ҳақидаги тушунчаларини чуқурлаштириш. Ёзув ўқитиш воситаси сифатида ишлатилади. Бундай ҳолда бу норасмий (доираси чекланмаган) иш бўлиб, унинг мақсади ўқувчиларни фикр юритишга, қўллашга, билимларини шакллантиришга ва малакаларни оширишга жалб қилишдир. Бундай ишлар ўқувчиларга ўз салоҳиятини очишга, ўқишга бўлган қизиқиши ва ғайратини оширишга ёрдам беради. Бу ишнинг боришида ўқитувчи учун қуйидагилар муҳим:

- ◆ ўрганиш учун муҳим бўлган нарсага ўқувчиларнинг диққат-эътиборини тўплаш;
- ◆ бундай ишларни мунтазам равишда олиб бориш, лекин ёзма топшириқ ҳажмини кичикроқ (дарснинг 3-10 дақиқасигача) бўлишига ҳаракат қилиш;
- ◆ ўқувчиларни ёзганлари билан ўртоқлашиши ва уни муҳокама қилишларига ундаш мавзуни тушунишга ёрдам беради;
- ◆ маълумот тақдим қилишнинг турли шаклларида (масалан, диаграммалардан, схемалардан, рўйхатлардан) фойдаланишни рағбатлантириш.

Шаклланган билимлар ва орттирилган кўникмаларни намоиш этиш. Кундалик ёзувнинг бу туридан ўқитувчи ўқувчиларнинг ўрганилаётган материални ва предмет мазмунини тушунаётганлигига ишонч ҳосил қилиши учун мунтазам равишда

фойдаланиш зарур. Шунингдек, ўқитувчи ўтилган материални мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилардан матн ёзишни сўраши мумкин.

Ёзма ишлар нафақат ўқувчилар томонидан мазмунан ўзлаштирилганини намоёни қилишда, балки Б. Блум таксономиясининг ўқув мақсадлари (билим, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш) даражаларига мувофиқ билимлар теранлигини очиб беришга ҳам қаратилган бўлиши керак. Ўқувчиларнинг ёзма иши нутқ равонлиги даражасини, синтаксис, имло, грамматика қоидаларига риоя қилишни, сўз бойлигидан фойдалана билиш даражасини намоёни қилиши мумкин. Шунингдек, ишларни ўқувчиларнинг турли тузилишдаги ва турли жанрлардаги матнларни яратиш маҳорати бўйича баҳолаш мумкин. Ушбу ишлар ўқувчиларнинг ўқув ютуқларининг кучли ва заиф томонларини аниқлашда, ўқитишни режалаштиришда, қўлланилаётган ўқитиш усуллари баҳолашда, ўқувчиларга қайта алоқа тақдим қилишда, ўқувчилар ютуқларини назорат қилишда ва тараққиёт ҳақида ҳисобот беришда ёрдам беради.

Кундалик ёзувни қуйидаги топшириқ турлари ёрдамида дарсга (2-схемага қаранг) қўшиш мумкин: ёзма машқ, ёзма жавоб, ёзув юритиш ва бошқа қўшимча ёзма топшириқлар.

2-схема. Кундалик ёзув турлари.



Ёзма машқ

Ҳар куни ўқишни ўқувчилар фикрни бир жойга тўплаш, дарсда ўрганиладиган мавзуга улар эътиборини қаратиш, ҳар бир ўқувчи “ўз фикрини эшита олиши” учун синфда тинчлик ўрнатиш имконини берадиган, эрталабки одат ҳисобланган ўзига хос ёзма машқдан бошлаш мумкин. Болаларнинг кундалик синф ҳаётида одатланиб қоладиган кун тартиблари ўқитиш ва ўргатишни осонлаштиради. Топшириқлар ва бажариладиган иш тартиби ўқувчиларга яхши маълум бўлиб, улар ўқитувчи томонидан моделлаштирилиб, сўнгра қўлланилса, бу ҳолда ўқувчилар ўзларидан нималарни кутишлари ва маълум нарсаларни мустақил бажаришни билдилар. Дарс бошида ушбу олдиндан айтилган иш тартибларининг борлиги ўқитувчиларга ўқув жараёнини самарали бошқариш ва мазмунли ўқитишга кўпроқ вақт ажратиш имконини беради.

Ёзма машқ учун таклиф қилинган топшириқлар скаффолдинг тамойилига (қаранг: 1-модуль “Бошланғич мактабда дифференциацияланган таълимни қўллаш”), ижодий ёзма ишлар яратиш жараёнига (қаранг: 4-модуль “Бошланғич мактабда ижодий ёзув”), бошланғич мактаб учун таълимий стандартларга ва дарснинг ўқув мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бўлиши керак.

Қуйида 1-4-синфлар учун ёзма машқлар намуналари келтирилади.

Ёзма машқ намунаси (1-синф, иккинчи ярим йиллик)

Ўқитувчи дарсда муҳокама қилинадиган расмни китобни ёки бирор нарса тасвирини таклиф қилади. Ўқитувчи ўқувчилардан оддий гаплар ёрдамида расмни тасвирлаб беришни сўрайди.

РАСМНИ ТАСВИРЛА



Ёзма машқ намунаси (2-синф)

Ўқитувчи ўқувчиларга дарсда кўриб чиқиладиган саволга ёзма жавоб беришни таклиф қилади. Ўқитувчининг саволига ўқувчилар қисқа жавоб беришади.


САВОЛ-ЖАВОБ

САВОЛ: бирор нарсани қандай ўлчам мумкин?

ЖАВОБ: Кичкина нарсани чизғич ёрдамида ўлчам мумкин. Агарда каттароқ нарсани ўлчам керак бўлса, унда қурилмиш рулеткаси (ер ўлчайдиган ўрама тасма) ишлатилади.

Ёзма машқ намунаси (3-синф)

Ўқитувчи ўқувчиларга кичик ҳажмдаги матн ёзилган карточкани таклиф қилади. Ўқувчилар матнни диққат билан ўқиб чиқишлари ва матн охиридаги саволларга жавоб беришлари керак.



ОЙГУЛ ГУЛИ

Боткен областининг Қорабулоқ қишлоғида ноёб ҳисобланган Ойгул гули ўсади. Ойгул гули эндемик (яъни бошқа ҳеч қаерда ўсмайди дегани) ҳисобланади, яъни бу гул фақат бир жойда, бизнинг Қирғизистонда ўсади.

Ушбу гул ҳақида фикрингизни ёзинг. Нима учун уни муҳофаза қилиш керак?

Ёзма машқ намунаси (4-синф)


Ўқитувчи ўқувчилардан бугунги санани эслашларини сўрайди. Бу сана нимаси билан муҳим? Сўнг ўқитувчи ўқувчиларга (шартли равишда) ушбу сана кўзи ожиз одамлар ҳаётини ўзгартирган инсоннинг туғилган куни эканлигини айтади. Ўқитувчи берилган карточкада у ҳақида ёзилган маълумот билан танишиб чиқишни сўнгра матн охирида берилган саволларга жавоб беришни сўрайди.



ЛУИ БРАЙЛЬ

Луи Брайль 1809 йилнинг 4 январиди Францияда этикдўз оиласида туғилган. Бола беш ёшга кирганда бахтсиз ҳодиса туфайли кўзлари кўрмай қолади. У скрипка, пианино ва орган чалишга қизиқар эди. Бу қизиқиш унга ҳарфлари нуқталар ёрдамида тасвирланган алифбони ишлаб чиқишда ёрдам беради. Луи Брайль тузган алифбо орқали кўзи ожизлар ва ночор кўрадиган одамлар ўқиши ва ёзиши мумкин.

Сизнингча, кўзи ожизлик нимани англайди?



Ёзма жавоб

Ёзма жавоб – бу янги маълумотга берилган жавоб. Ўқувчилар ўрганаётган нарсаларига турли хил муносабатларини намоён қилишлари, уларга ўз фикрини билдиришлари муҳим. Ўқитувчига эса бу маълумотни “эшитиш” муҳим. Кундалик ёзувда ёзма жавоб норасмий характерга эга. Топшириқлар очиқ савол ва жавоблардан то янги маълумотлар ўқувчиларнинг кундалик ҳаёти билан қандай боғлиқ эканлигини акс эттириши ва ўзгариб туриши мумкин. Қуйида бундай ёзма ишларнинг бир қатор намуналари келтирилган.

Китобхон кундалиги. Ўқувчилар матн билан танишиб, уни муҳокама қилганларидан сўнг, ўқиб чиқилган матнга ўз муносабатини билдириш мақсадида “Китобхон кундалиги” ни тўлдирадilar.

КИТОБХОН КУНДАЛИГИ	
Муаллиф	Жанр
Китобни икки оғиз сўз билан тасвирла:	
<hr/>	
<hr/>	
<hr/>	
Китобдан олинган цитата	
Китоб ҳақида хотиралар (фикрлар, ҳис-туйғулар)	
<hr/>	
<hr/>	
<hr/>	

Ўқиганга жавоб беришнинг яна бир усули, матнда айтилган фикрларни ўқувчи фикрлари билан таққослаш бўлиши мумкин (“Мен – Матн” шакли).

МЕН – МАТН

МАТНДА АЙТИЛАДИ	МЕН ҮЙЛАЙМАН
<p>Болалар айка билан ўйнашни хоўламас эдилар, чунки у ногиронлар аравачасида эди. Лекин уларга қонағон ит ҳужум қилганида, Айка болаларни қутқариб қолди.</p>	<p>Мен бу қизнинг ёнига борган ва биз билан ўйнашни истайсанми, деб сўраган бўлардим. Ҳамма болалар ўйнашни яхши кўрадилар. Сен билан ҳеч ким ўйнамаса, жуда ёмон. Бундай ҳолатда йиғлагинг келади. Менга қийин бўлган пайтларда кўз ёшларимни кўрсатмасликка ҳаракат қиламан. Яхшиси доимо ҳамма билан бирга ўйнанг.</p>

Фикрлаш варағи. Янги мавзу ўрганилгандан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга мавзу бўйича учта савол устида ўйланиб кўришни ва ўз жавобларини ёзишни таклиф қилади. Агар ўқувчиларда саволлар пайдо бўлса, уларни ҳам “Фикрлаш варағи” шаклида белгилашлари мумкин.

ФИКРЛАШ ВАРАҒИ

Топшириқ: Дарс мавзуси билан танишиб чиққандан сўнг биринчи устунга саволларга жавобларни ёзинг, иккинчи устунга эса ушбу мавзу ҳақида фикрингизни ёзинг ёки саволларингизни жойлаштиринг.

Мавзу _____

ЎҚИТУВЧИНИНГ САВОЛЛАРИ	МЕНИНГ ФИКРЛАРИМ ЁКИ САВОЛЛАРИМ
<p>1. Сиз Қирғизистоннинг қандай давлат рамзларини биласиз?</p> <p><i>Байроқ, герб, гимн.</i></p> <p>2. Қирғизистоннинг байроғи нимани ифодалайди?</p>	<p><i>Мен Бишкек марказида давлатнинг бош байроғини кўрдим. Уни иккита аскар кўриқлайди. Улар ҳар қандай об-ҳавода ҳам тураверадилар. Мен яна бинолар томида ҳам байроқларни кўрдим.</i></p>

<p>Қизил тўғри бурчакли мато, марказда тундук шаклидаги 40та заррин нурли қуёш тасвирланган.</p> <p>3. Қирғизистоннинг гербида нима тасвирланган?</p> <p>Кўк доира, оқ лочин, кўл, тоғлар, қуёш, бошоқлар.</p>	<p>Қизик, байроқларни қаерда тайёрлашаркин? Байроққа расмини қандай туширишаркин?</p>
--	---

1-шакл. Мен дарсда билиб олдим – ўқувчиларга ўрганилган материални умумлаштириш (1-шакл) ёки уни ўқувчиларнинг мавжуд билими ва ҳаётий тажрибаси билан солиштириш (2-шакл) имконини беради.

1- шакл. Мен дарсда билиб олдим

МЕН ДАРСДА БИЛИБ ОЛДИМ
<p>УШБУ ДАРСДА МЕН БИЛИБ ОЛДИМ:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Мен $\frac{1}{2}$ пицца $\frac{1}{4}$ пиццадан кўпроқ бўлишини билиб олдим. 2. Иккита ярим – бу битта бутун эканлигини билиб олдим. 3. Сиз ниманидир 4 бўлакка бўлиб, ҳар хил 4 одамга ўша нарсадан тенг миқдорда берсангиз, уларнинг ҳар бири $\frac{1}{4}$ бўлак олишини билиб олдим.
<p>МЕНИНГ САВОЛЛАРИМ:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 2 нима учун 4дан кичик, $\frac{1}{2}$ эса – $\frac{1}{4}$ дан катта? 2. Пиццани қанча бўлакка бўлса бўлади? 3. Агар биз 4та синфдош бўлсак, менда 11та қанд бор бўлса, ҳар биримизга қанчадан қанд тегади?

2- шакл. Мен дарсда билиб олдим

МЕН ДАРСДА БИЛИБ ОЛДИМ
<p>МЕН ЯНГИ НИМАНИ БИЛИБ ОЛДИМ? МЕНГА ҲАММАСИДАН КўРА КўПРОҚ НИМА ЁҚДИ?</p> <p><i>Бугун биз табиатда овқатланиш занжирини ўргандик. Ўрмон қушларсиз, жониворларсиз ва ҳашаротларсиз мавжуд бўла олмас экан. Менга овқатланиш занжирини тузиш ёқди.</i></p>

МЕН НИМАЛАРНИ ОЛДИНДАН БИЛАРДИМ?

Ўрмон инсонга жуда ҳам кераклигини билардим. Ўрмонсиз инсон яшай олмайди. У инсонга ҳаво, қоғоз, озуқа беради.

ЯНГИ МАЪЛУМОТ МЕНГА ҲАЁТДА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШИ МУМКИН?

Мен озроқ қоғоз сарфлашга ҳаракат қиламан, чунки Ернинг ҳар бир аҳолиси йилга учта дарахтдан олинадиган миқдорда қоғоз сарфлайди. Биз оилада етти кишимиз, демак, бизни деб йилга 21та дарахт нобуд бўлади. Бу деярли бутун бир ўрмон дегани.

Ёзувларни юритиш

Дарс давомида ёки дарс охирида ўқувчилар томонидан ёзув юритиш – олинаётган билимларни белгилаш, янги малакаларни амалиётга татбиқ этиш ва ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини баҳолаш учун фойдаланиладиган таълим воситасидир. Бу ишчи дафтарлар, ўқув журналлари ва бошқалар бўлиши мумкин. Уларга ўқувчилар ўз фикрларини ёзадилар, ғояларини умумлаштирадилар, шунингдек, ўз журналларига расмлар, скетчлар, график ташкилотчиларни жойлаштирадилар. Қуйида ёзув юритишнинг бир қатор намуналари келтирилган.

“Дарс ёзувлари” шаклида ўқувчилар дарснинг асосий саволларини шакллантирадилар ва қўйилган саволларга тўлиқ жавоб берадилар (қаранг: 3-шакл).

3-форма. Дарс ёзувлари

ДАРС ЁЗУВЛАРИ _____	
МАВЗУ	ЁЗУВЛАР
<i>Нима учун гигиена қоидаларига риоя қилиш керак?</i>	<i>Чиройли, соғлом, озода бўлиш учун риоя қилиш керак.</i>
<i>Нима қилиш керак?</i>	<i>кунга 2 марта тишларни тозалаш, овқатланишдан олдин қўлларни ювиш, кун тартибига риоя қилиш, спорт билан шуғулланиш, чиниқиш, бутомларни тоза тутиш;</i>

ДАРС ЁЗУВЛАРИ _____	
МАВЗУ	ЁЗУВЛАР
	<i>муомала маданияти қондаларига риоя қилиш.</i>

Ўқувчилар асосий ғояларни таянч сўзлар¹ шаклида таъкидлаб туришлари учун “Дарс конспекти” шакли таклиф қилинади. Бундай сўзлар бир нечта бўлиши мумкин. Дарс охирида ўқувчилар олинган маълумотни умумлаштирадilar: дарсдаги ишдан хулоса ёзадilar (қаранг: 4-шакл).

ДАРС КОНСПЕКТИ

Ватаншунослик, 3-синф, мавзу “Байрамлар”

АСОСИЙ ҒОЯЛАР

Янги йил

Рождество

Ватан ҳимоячиси кuni

Халқаро аёллар кuni

Наврўз

Меҳнаткашлар байрами

Конституция кuni

Ғалаба кuni

Мустақиллик кuni

Улуғ Октябрь социалистик революцияси кuni

Қурбон Ҳайит

Рамазон Ҳайит

¹Изоҳ. Таянч сўзлар – матннинг асосий мазмунини акс эттирувчи сўзлардир. Улар ёки улар ўрнига ишлатиладиган сўзлар кўпинча матнда учрайди; от ёки феъллар орқали ифодаланади; бир-бири билан боғланган бўлади, бу эса матннинг мазмуний тузилишини тиклашга ёрдам беради.

УМУМЛАШТИРИШ


Мустақил Қирғизистонда давлат байрамлари мавжуд.

Уларни юртимизда яшовчи барча халқлар нишонлайдалар.

Ушбу кунлар дам олиш кунлари ҳисобланади, улар тақвимда қизил рангда белгиланган.


“Сўз харитаси” шакли ўқувчиларга ўрганилаётган мавзунинг таянч сўзи билан ишлашга ва бу соҳадаги билимларини тузишга ёрдам беради. График ташкилотчининг марказига сўз жойлаштирилади, унинг маъноси, фойдаланиш доираси бериледи, сўз маъносини янада чуқурроқ тушуниш учун синонимлар танлаб олинади ва таянч сўз орқали ўрганилаётган мавзунинг тавсифловчи мисоллар келтирилади.

“Сўз харитаси” шакли (масалан, ватаншунослик, 3-ё синф, мавзу “Уфқ”)



“Кетма-кетлик” харитасида ўқувчиларга ўрганилаётган мавзуга кирадиган асосий кичик мавзулар, дарс мазмуни жиҳатларининг кетма-кетлигини аниқлаш таклиф қилинади. Бу ўқувчиларга фикрларни жамлаш, ўрганилаётган материални умумлаштириш, маълумотни эслаб қолиш имкониятини беради ва таҳлил учун кўрсатма бўла олиши мумкин.

6-шакл. Кетма-кетлик



Қўшимча ёзма топшириқлар

Қўшимча ёзма иш дарсда топшириқни бошқа синфдошларидан тезроқ бажарадиган ўқувчиларга таклиф қилиш тавсия қилинади. Синфдаги кўпчилик ўқувчиларга асосий топшириқни бажариш учун вақт керак бўлади, баъзиларига эса ўқитувчининг эътибори ва ёрдами талаб қилинган ҳолатлар бўлиши мумкин. Бундай вазиятда асосий топшириқни аллақачон уддалаган ўқувчиларга қўшимча машқ таклиф қилиб, уларни қизиқарли ва фойдали иш билан банд қилиш лозим бўлади. Биринчидан, бундай топшириқ устида ишлаётган пайтда улар бутун синфни чалғитмайди. Иккинчидан, улар вақтни зое кетказмай, ёзиш маҳоратини оширадilar. Учинчидан, агар топшириқ ижодий бўлса, бу ўқув жараёнидан завқ олишга имкон беради.

Топшириқлардан бири расмлар бўйича ҳикоя тузиш бўлиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчига битта воқеа ҳақида ҳикоя қилувчи бир неча карточка таклиф қилади. Ўқувчи карточкаларни керакли кетма-кетликда жойлаштиради ва ҳар бир карточка остига гап ёзади, бу гапда карточкада тасвирланган воқеани (хатти-ҳаракатларни) тавсифлаб беради. Қуйида расмлар бўйича ҳикоя тузиш намунаси келтирилган².

²Бу ерда қўлланмадан олинган расмлар ишлатилган Sundem G., Improving Student Writing Skills, Shell Education, USA, 2007, p. 51.



МЕНИНГ ҲИКОЯМ

			
Ота-онам эрта тонгда уйғонадилар.	Ит уйқуга тўйган ва итоаткор кўринади.	Улар ўз ишларига кетмоқдалар.	Ҳалма уйдан кетмагунча ит ухлайди.
			
У ёлғиз қолганида атрофни кўздан кечиради ва жилмаяди.	Ит уйдаги ҳалма оёқ кийим билан ўйнашни бошлайди.	Индан кейин отам ва онам уйга қайтадилар.	Ит, ҳеч нарса бўлмагандай, қаттиқ ухлаяпти.

Кичик ҳикоя. Ишнинг яна бир шакли ўқувчи ўзи танлай оладиган карточкага кичик ҳикоя ёзиш бўлиши мумкин. Қуйида карточка намунаси келтирилган.

МЕНИНГ ҲИКОЯМ

Олма, поезд, фил, қоғоз, гитара каби бешта сўздан фойдаланиб ҳикоя яратинг ва ёзинг.



Қуйида ҳикоя тузишда фойдаланиш мумкин бўлган бир қатор ғоялар келтирилган.

1.	Шаҳарда маҳаллий ҳайвонот боғи ёпилди. Жониворлар шаҳар аҳолиси ўртасида тақсимланди. Сиздан кичкина тимсоҳни олишингизни илтимос қилишди. Тимсоҳ ҳақида уй жонивори каби ёзиб беринг.
2.	Олма, поезд, фил, қоғоз, гитара каби бешта сўздан фойдаланиб ҳикоя яратинг ва ёзинг.
3.	Сиз катта бўлганингизда ким бўлмоқчисиз, нима учун? Ёзинг.
4.	Агар сизга катта қобилиятлар ато қилинса, улардан қайсиларига эга бўлишни хоҳлар эдингиз?
5.	Сайёрамиздаги қайси учта жойга боришни хоҳлар эдингиз? Уларнинг умумий жиҳатлари нимада?
6.	Сиз жуда бахтли бўлган ҳолатни тасвирлаб беринг. Бунга нима сабаб бўлди?
7.	Қайси жонивор сенга ҳаммасидан кўра кўпроқ ёқади? Нима учун?
8.	Сиз янги мева етиштирган олим эканлигингизни тасаввур қилинг. Бу мевани қандай атаган бўлар эдингиз? Бу мева қандай кўринишга эга бўлар эди? У қандай таъмга эга бўлар эди? Ва, энг муҳими, уни ейиш мумкинми?
9.	Ўзингиз ёқтирган спорт тури ҳақида айтиб беринг. Нега уни ёқтирасиз?
10.	Ёзда нима билан шуғулланишни бошқа ишлардан афзал кўрасиз? Нима учун?
11.	Энг яхши кўрган байрамингиз қайси? Нима учун?
12.	Қайси адабий қаҳрамон билан ростакамига учрашишни хоҳлар эдингиз? Нима учун?
13.	Сизга бошқа давлатдан дўстингиз ёки дугонангиз келди. Унга ўз юртингизда қаерларни бориб кўришни тавсия қилишингиз мумкин?
14.	Дунёда электр энергияси йўқ бўлиб кетганини тасаввур қилинг. Электрсиз ҳаёт қандай бўлар эди?
15.	Севимли фильмингиз ҳақида тақриз ёзинг. Нега уни ёқтирасиз? Нима учун уни томоша қилишни тавсия қиляпсиз?
16.	Агар сиздан мактаб формасини ўйлаб топишни илтимос қилишганда, у қандай бўлар эди?
17.	Кимникига меҳмонга боришни хоҳлар эдингиз? Нима учун?
18.	Дарахтдаги уйча ҳақида шеър ўйлаб топ.
19.	Агар сиз жониворга айлана олсангиз, қандай жонивор бўлишни хоҳлар эдингиз?
20.	Уй ҳайвонингиз борми? У ҳақида айтиб беринг. Уни қандай парвариш қиласиз?

21.	Севимли қўшиғингиз борми? У ҳақида айтиб беринг.
22.	Тасаввур қилинг, бир куни эрталаб ота-онангиз сизни уйғотиб, кун давомида хоҳлаган нарсангизни қилишингиз мумкинлигини айтдилар. Ҳатто мактабга бормасангиз ҳам бўлади. Сиз ўз ишларингиз билан шуғулланишингиз мумкин. Айтинг-чи, нима билан машғул бўлар эдингиз?
23.	Шаҳар ёки қишлоқдаги энг яхши кўрган жойингизни тасвирлаб беринг.
24.	Микроавтобус ҳайдовчиси, қўмуз, қатнов сўзларидан фойдаланиб ҳикоя ёзинг.
25.	Сиз ҳеч қўлга борганмисиз? Сафарингизни тасвирлаб беринг.
26.	Дунёда нимани ҳаммадан яхши қиласиз? Маҳоратингизни тасвирлаб беринг.
27.	Қайси тарихий даврда бўлиб қолишни хоҳлар эдингиз? Нима билан шуғулланган бўлар эдингиз? Қандай яшаган бўлар эдингиз? Тасвирлаб беринг.
28.	Сизнингча, ёмғир ёғаётганда сайр қилса бўладими? Нега сен шундай деб ўйлайсиз? Жавобингизни тушунтириб беринг.
29.	Сиз келаси йили нима билан шуғулланишни хоҳлар эдингиз? Қандайдир бир спорт тури биланми ёки хобби биланми?
30.	Сиз сеҳргарни учратиб қолсангиз, нима тилак қилган бўлар эдингиз?
31.	Сиз кимдан интервью олишни хоҳлайсиз? Нима учун? Изоҳланг.
32.	Қайси фасл сизга ҳаммасидан кўра кўпроқ ёқади? Нима учун?
33.	Тасаввур қилинг, яқинда дўстингизнинг ёки дугонангизнинг туғилган куни бўлади. Унга кутилмаган совға бергингиз келмоқда. Нима совға қилар эдингиз?
34.	Сизга фильмнинг охири умуман ёқмаган ҳолат бўлганми? Нима учун? Ўзингизга ёқадиган яқинни таклиф қилинг.
35.	Ўзингизга хат ёзинг ва уни 20 йилдан сўнг олишингизни тасаввур қилинг.
36.	Қайси мева сизга кўпроқ ёқади: олмами ёки апельсинми? Нима учун? Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?
37.	Севимли таомингизни тайёрлаш йўлини ёзинг.
38.	Кимдир сизнинг буюмингни сўрамасдан олса, ўзингизни қандай ҳис қилган бўлар эдингиз? Ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг яхши усули қайси?
39.	Агар сиз машҳур шахс билан учрашиш имкониятига эга бўлсангиз, бу ким бўлар эди? Ўзингизнинг танловингизни тушунтириб беринг.
40.	Синглингиз кечқурун сабзи еганини, эрталаб эса унда қуён қулоқлари пайдо бўлганини тасаввур қилинг. Нима қилиш керак?

Резюме

Кундалик машғулотлар ўқувчиларга ёзув малакаларини ривожлантиришга имкон берибгина қолмай, балки ўқувчиларнинг дастлабки билимларини ва мавжуд шахсий тажрибаларини янгилаш, маълумотларни тузиш, ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзулар бўйича тушунчаларини чуқурлаштириш, олинган билим ва эгалланган малакаларни намойиш қилиш учун ҳам ишлатилади.

Кундалик ёзувни ёзма машқ, ёзма жавоб, қайд қилиб бориш, “ёзувчи бурчаги” ва қўшимча ёзма топшириқлар каби ҳар хил топшириқ турларидан фойдаланган ҳолда дарсга қўшиш мумкин.

Ёзма топшириқлар скаффолдинг тамойилига (қаранг: 1-модуль “Бошланғич мактабда дифференциацияланган таълимни қўллаш”), ижодий ёзма ишлар яратиш жараёнига (қаранг: 4-модуль “Бошланғич мактабда ижодий ёзув”), бошланғич мактаб таълим стандартларига ва дарснинг ўқув мақсади ва вазифаларига мувофиқ бўлиши муҳим.





3-БЎЛИМ. КУНДАЛИК ЁЗУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ БЎЛГАН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Ўқувчиларга кундалик ёзувда муваффақият қозониш учун нима зарур?

Фикрлаш ва ёзиш, сўз ва маъноларни тўғри англаш қобилияти тасаввурни ривожлантиришга ёрдам беради, мустақил ўйлашга йўл очади, озод, эркин ва мустақиллик фикрлашга чорлайди.

Марта Кетро, ёзувчи

Ёзув қобилиятларини ошириш учун ёзувчиларникига ўхшаш шароитлар яратиш зарур. Бунга кунлик ёзиш вақтини ажратиш, ёзиш учун қулай муҳит яратиш ва ғоялар яратадиган ҳамда ютуқларни нишонлайдиган қўллаб-қувватловчи жамоани яратиш киради.

Қоидалар ва бажариладиган иш тартибини ўрнатиш. Ўқувчилар дарснинг маълум бир пайтида (бошида, ўртасида ёки охирида) ёзма иш учун 5-10 дақиқа ажратилишини билишлари керак. Бу ҳақида ўқувчиларни хабардор қилиши лозим (қаранг: 4-модуль “Бошланғич мактабда ижодий ёзув”). Топшириқларни бажариш жараёнида тинч, иш муҳити яратилиши лозим, ўқувчиларни турли шаклларда (алоҳида, жуфтликларда, кичик ёки умумий гуруҳда) ишлашга ўргатиш муҳим, ёзиш учун зарур бўлган воситаларга эга бўлиш, ижобий фикр билдириш (бошқа ўқувчилар ишини танқид қилмаслик), ўқувчиларнинг ўзаро ёзиш тажрибасини бир-бири билан ўртоқлашишлари муҳим.

Ёзиш маданиятини ривожлантириш. Яхши асар ёзиш учун ёзувчилар мустақил бўлиши, таваккал қилишга тайёр туриши ва ёзишдан чин юракдан хурсанд бўлиши керак (Бенке, 2018). Болаларга ушбу фазилатлар сеҳрли тарзда намоён бўлмаслигини, уларни ўз тажрибалари орқали олиш кераклигини тушунтириш муҳим. Ўқувчилар нафақат ҳар куни ёзишга вақт ажратибгина қолмай, балки қандай манбалар яхши ёзма ишларни (масалан, китоблар, фильмлар, луғатлар, суҳбат, кутубхонага, музейга, театрга сафар бўйича маълумот ва бошқалар) яратишга, савияни бойитишга ёрдам беришини билишлари керак, шунингдек, бошқа фанлардан олган билимларини қўллашни ҳам билишлари зарур. Ўқувчиларни турли жанрларда ёзишга, ҳар хил ёзув стратегияларидан фойдаланишга, синфдошлари билан ҳамкорликда ишлашга, ўз асарлари билан ўртоқлашишга тайёр бўлишга ва синфдошларининг фикр-мулоҳазаларини акс эттиришга ундаш керак.

Ёзиш учун қулай муҳит. Турли хил босма муҳит ўқувчиларга яхши ёзув яратишларига ёрдам беради. Бундай муҳит деворларда бадиий ёки илмий-маърифий матнлар схемаси, матн тузилмалари мисоллари (ҳикоя қилишлар, фикр юритиш, тавсифлар), лангар диаграммалар (визуал йўл-йўриқлар – таянчлар), “сўзлар девори”, “сўзлар банки” (қаранг: 4-модуль “Бошланғич мактабда ижодий ёзув”) ва бошқа фойдали манбалар каби визуал йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ўз ичига олади. Ўқувчилар болалар адабиётидан яхши фойдалана олиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Кундалик ёзув топшириқларидан фойдаланишда ўқитувчи ўқувчиларнинг дастлабки билимлари ва шахсий тажрибасини эътиборга олиши, уларни ўзларининг шахсий ҳаёти ҳақида

фикр юритишга ундаши, вазифалар ҳал қилишини рағбатлантириши, янги билимлар намоиш қилишга қизиқтириши, ўқиш, оғзаки муҳокама ва ёзишни бир бутун қилиб бирлаштириши керак.

Карен Бенке ўзининг “Яна ёз!” номли ёш ёзувчилар учун китобида қуйидаги тавсиялар билан ўртоқлашади: “Зўр ёзувчилик маҳорати калити – бу ўқишдир. Қанча кўп ўқисангиз, шунча яхши ёза оласиз. Сизни ўраб турган оламни диққат билан тингланг ва синчиклаб кўринг. Ҳодисалар нима учун рўй беришини тушунишга ҳаракат қилинг. Одамлар сизга берган жавобларда тўхтаб қолманг. Агар бирор нарсага ишончингиз комил бўлса, унда бу яхши ёки ёмон деб ўйламанг. Меҳнат қилинг, ўз жавобларингизни қидиринг. Нима учун сиз у ёки бу фикрга амал қилишингизни тушунишга ҳаракат қилинг. Ва ниҳоят, сиз ҳақиқатда нимани ҳис қилаётганингизни ёзинг, сўнг доимо учрайдиган танқидни қабул қилган ҳолда ўқинг” (Бенке, 2018).

Ижобий қайта алоқа. Кундалик ёзув – бу ҳар кунги машқ қилишдир, бу ерда “тўғри” ёки “нотўғри” деган баҳо йўқ. Ўқувчилардан тасаввур, билим, тажрибадан фойдаланишни; ҳис-туйғу ва муносабат изҳор қилишни, ўқиганга ўз муносабатини билдиришни, кузатишни илтимос қилиш лозим. Бу ерда яхши матн ёзишда имло унчалик аҳамиятга эга эмас ва у баҳоланмайди. Шу билан бирга ўқувчиларга сермазмун қайта алоқа тақдим қилиш уларнинг таълим ва ютуқларини анча яхшилаши мумкин. Ўқувчилар бир-бирларининг яхши томонларни белгилайдилар, ютуқларга хурсанд бўладилар, хатолар ва синовлардан биргаликда ўтадилар.

Намунали матнлар. Ёзиш малакаларини ошириш учун фойдали манбалардан бири намунали матнлар ҳисобланади. Булар ёзиш стратегиялари, матн турлари, адабий жанрлар, болалар китоблари шакллари, нутқ усуллари, чиройли ва ифодали тил билан таништириш мақсадида ўқитувчи ўқувчилар эътиборини қаратадиган адабий асарларнинг парчаларидир. Ўқувчиларнинг яхши матнлар мисоллари билан танишиши фойдали эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турган манба ҳисобланади. Ушбу мисоллар билан танишиш орқали улар ўз асарларини яратишга интиладилар. Намунали матнлар билан ишлаш муваффақиятли ва самарали бўлиши учун қуйидаги алгоритмга риоя қилиш тавсия қилинади:

Луғат билан ишлаш. Намунали матнни ўқишдан олдин ўқувчилар билан бирга улар учун нотаниш, янги бўлган сўзлар устида ишланг. Бир неча стратегиялардан: ўқитувчи томонидан бевосита тушунтириш, ёрдамчи манбаларга (луғат, энциклопедия, кўргазмали қуролларга) мурожаат қилиш, сўз ясаш, контекстга оид тахмин бўйича маъно аниқлаш ва бошқаладанр фойдаланиш мумкин. Бошланғич синф ўқитувчиси дарсларда сўзлар семантизацияси усуллари билан яхши таниш.

Овоз чиқариб ўқиш. Ўқувчиларга асарни (ёки парчани) ифодали ўқиб беринг, сўнгра уни ўқувчилардан яна бир марта мустақил ўқиб чиқишни сўранг.

Ўқиганни тушуниш. Мазмунга тегишли саволлардан бошланг. Ўқувчилар матн қандай ёзилганлиги устида ишлашидан аввал, улар бу матн нима ҳақида эканлигини тушуниши керак. Ўқиганни тушуниш бўйича саволлар беринг.

Матн таҳлили. Сиз муаллиф томонидан ишлатилган ёзув стратегияларини ўрганиш учун матнга қайтганингизда, гаплар ёки сўзларни имконият даражасида аниқроқ айтинг. Ўқувчилар эътибор бериши керак бўлган гапларни кўрсатинг, бунинг учун иложи борича қаторлар ёки абзацларни номерлаб чиқинг.

Бошқа мисоллар. Сиз агар ёзувнинг маълум стратегияси устида ишлаётган бўлсангиз (масалан, муҳокама-матн ёзишни ўргатяпсиз), унда ўқувчиларга бир неча яхши мисол беринг. Ўқувчилар олдиларига қўйилган вазифани яхшироқ тушуна оладилар.

Моделлаштириш. Ўқувчилар ёзув стратегияларини сиз қандай қўллаётганингизни кўришлари учун ўз асарингизни ёзишни бошланг. Сизнинг мисолингизда улар буни қандай қилишни яхшироқ тушунишади. Сиз ўқувчилар билан биргаликда матн тузишингиз мумкин, ўқувчилар томонидан мустақил равишда вазифа бажаришни тезлаштирмаслик муҳим.

Ёзиш. Энди ўқувчиларнинг ўзларига намунали матнда қўлланган ёзув стратегияларидан фойдаланган ҳолда матн тузишга уриниб кўриш таклиф қилинади.



Резюме

Ўқувчилар ўзларининг ёзув қобилиятларини муваффақиятли ривожлантиришлари учун уларга ҳақиқий ёзувчилар каби шарт-шароитлар яратиш керак. Бу шарт-шароитлар тартиб-интизомга, матн устида ишлаш қондасига риоя қилишни, ташқи муҳит ва рағбатлантирувчи омилларни (йўл-йўриқлар, визуаллаштириш, биргаликда ўқиш ва бошқаларни) ҳисобга олишни назарда тутати. Ўқувчилар таваккал қилишдан (ўзининг шахсий ғояларини изҳор қилишдан ва бунинг учун салбий баҳо олишдан) қўрқмасликлари керак. Уларга мунтазам равишда ёзишга илҳомлантирувчи ижобий қайта алоқа тақдим қилиниши лозим. Адабиёт намуналари ўқувчиларга ўқув дастурида ўзлаштиришлари керак бўлган стратегиялардан фойдаланган ҳолда яхши матнларни яратишда ёрдам беради.





4-БЎЛИМ. ОТА-ОНАЛАР ФАРЗАНДЛАРИГА ЁЗУВ КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШДА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШЛАРИ МУМКИН



Йўналтирувчи саволлар

- ◆ Ота-оналар фарзандларига китоб ўқиш жараёнида ёзув малакаларини яхшилашда қандай ёрдам беришлари мумкин?
- ◆ Ота-оналар фарзандларининг ёзма ишларига қандай муносабатда бўлишлари керак?

Ўқитувчилар ўқувчиларга барча мавзулар бўйича кундалик ёзув ишларини бажариш учун вақт бериш билан бир қаторда, ота-оналарга ҳам кўрсатма беришлари ва шу орқали ёзув малакаларини оширишлари мумкин. Ўқитувчиларга ўқувчиларнинг кундалик ёзувларида ота-оналар иштирокини рағбатлантириш тавсия этилади. Ўқувчилар ёзма иш бажариши учун дарсда ажратилган вақт ота-оналар ёрдами ўрнини боса олмайди. Бундай ёрдам ўқувчиларнинг кундалик ёзма топшириқларини бажаришга сарфлайдиган вақтидан ташқари амалга оширилади. Ота-оналар фарзандларига бирор бир асарни ўқиб бераётганларида уларнинг эътиборини муаллиф ёзувининг баъзи жиҳатларига қаратиши лозим. Улар қуйидаги саволларни беришлари мумкин:

- ◆ Муаллиф қандай қизиқарли сўзлардан фойдаланган?
- ◆ Қандай қилиб муаллиф бу нарсаларни ҳақиқий кўринишга келтирди?
- ◆ Муаллиф ўз асарини қандай яратган?

Ота-оналар фарзандларига ёзишда ёрдам беришлари учун ўзларининг шахсий мисолларидан фойдаланишлари мумкин. Болалар ота-оналарининг хат, хабарларни қандай ёзаётгани, харид қилинадиган нарсалар рўйхатини қандай тузаётгани ва бошқаларни албатта кўришлари лозим. Шунингдек, ота-оналар болаларининг ёзишлари учун керакли жой ҳамда ёзиш учун керакли материаллар: қоғоз, қалам, бўр ва маркерлар берган ҳолда ёрдам беришлари мумкин. Уйда бўр ёки маркер билан ёзиш, ўчириш ва қайта ёзиш осон бўладиган кичкина доскадан фойдаланиш мумкин. Ота-оналар кундалик ҳаётда ишлатиладиган матнларни тузиш учун болаларга: табрикнома, ташаккурнома ёзиш, уйда кундалик юритиш, кичик ука ва сингиллари учун ҳикоя ёзиш каби турли топшириқлар беришлари ҳам мумкин. Агар болалар нима ҳақида ёзишни билмасалар, ота-оналар аввало ёзма ишга нималарни киритиш ҳақидаги ғояни муҳокама қилишлари мумкин.

Ота-оналар ёрдамнинг муҳими – ўз фарзандларидан устун эканлигини фарзандларига сездирмаслик. Ота-оналар ёзма ишни нима учун мақташ мумкинлигини: аниқ сўз танлангани, чиройли ёзув қоидаларига риоя қилганликларини аниқлашлари лозим. Агар ота-оналар ёзма ишни тўғрилаш керак деб ҳисобласа, улар тўғрилаш учун иккитадан кўп бўлмаган хатони белгилашлари лозим. Кўпроқ хато топиш болалар руҳини тушириб юбориши мумкин. Энг муҳими, ота-оналар ёзма ишлар уларга эмас, балки фарзандларига тегишли эканлигини унутмасликлари керак. Болалар томонидан ёзилган асарлар уларнинг фикрлари ва ижодкорлигини акс эттиради (Fisher & Frey).



Резюме

Ўқитувчилар ота-оналарга ёзиш қобилиятини оширишда болаларга ёрдам кўрсатишнинг турли йўллари айтиб беришлари мумкин.

Ота-оналар ўз фарзандларига бирор асар ўқиб бераётганда, муаллиф қандай қилиб матнни қизиқарли қилишига болаларнинг эътиборини жалб қилиши мумкин. Ота-оналар ўзлари қандай ёзишини фарзандларига мисол қилиб кўрсатишлари мумкин. Улар ёзиш учун жой, зарурий материаллар ва ёзиш учун имкониятлар яратиб беришлари лозим. Ва ниҳоят, ота-оналар фарзандларининг ёзма ишини мақташлари мумкин бўлган иккита жиҳатни топишлари лозим. Ота-оналар ёзма ишда иккитадан ортиқ хатони тузатмасликлари керак.





5-БЎЛИМ. КУНДАЛИК ЁЗУВ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Бу бўлимда бошланғич синф дарсларида кундалик ёзувдан фойдаланиш учун бир қатор мисоллар келтирилади. Мисоллар стратегиялар кўринишида – мавзулар юзасидан, китоб ёки матн билан танишиш, тўлиқ дарс ўтказиш бўйича маълум мавзуларни ўрганишда қўлланилиши мумкин бўлган аниқ кўрсатмалар кўринишида келтирилган. Бошқача айтганда, бу стратегиялар “одатдаги, қолипчанган” – такрорланувчи ҳаракатлар, машқлар, топшириқлар, таълим жараёни учун ким қандай жавобгарликни бажариши ҳақида ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи хабардорлигини (тизимли фойдаланишдан аллақачон билишини) кафолатлайдиган жараён деб аталади. Бу ўқувчиларнинг имкониятларини юқори даражада ошириш ҳамда ишга солиш имконини беради.

Ҳар бир стратегиянинг бошида ўқув жараёнида айнан нималарни фарқлаш муҳимлиги кўрсатилади: мазмун (дастур), ўқув жараёни (усуллар, машқлар, топшириқлар), ўқувчилар қизиқишини оширишга ёрдам берувчи муҳит ёки баҳолаш шакли.

Шунингдек, таклиф қилинган стратегиядан фойдаланишда эътибор бериш муҳим бўлган универсал дизайн тамойилини амалга ошириш тавсия қилинади.

Ҳар бир стратегияда ўқитишнинг мақсади аниқланади, ундан қайси синфда фойдаланиш тавсия этилади, кутилаётган таълим натижалари аниқланади, стратегиядан фойдаланиш учун зарур материаллар рўйхати ва синфда ишни ташкил этиш шакли таклиф қилинади. Сўнгра стратегиянинг босқима-босқич бажариладиган иш тартиби тавсифланади. Тавсиф дифференциал баҳолаш билан яқунланади.

Таклиф қилинаётган стратегиялар Қирғизистон Республикаси Умумтаълим мактабларининг давлат таълим стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

“Гаплар: қурилиши, ёйилиши, бирлашиши” стратегияси.

Ушбу стратегия гапни тузиш ва ёйиш устида ишлашни ифодалайди. Ундан нафақат синтаксисни ўрганиш учун, агарда ўрганилаётган предмет ёки аниқ бир мавзу бўйича муҳим сўзлар асос қилиб олинса, балки предметга оид олинган билимлар мониторинги учун ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу стратегия ёзма машқ ёки қўшимча ёзма топшириқ сифатида ишлатилиши мумкин.

“Илмий-маърифий матнни қисқача ёзиб олиш” стратегияси матндан олинган маълумотни англаш, график ташкилотчи ёрдамида уни тузиш ва эслаб қолиш имконини беради. Ўқувчиларга танлаб олиш учун бир неча график ташкилотчи таклиф қилинади, ўқувчилар уларга матндан олинган муҳим маълумотни киритади.

“Менинг куним” рефлексия стратегияси ўқув кунни яқунлангандан сўнг, кун натижаларини умумлаштириш учун қўлланади. Ўқувчилар олинган тажрибани умумлаштирадилар, ўқув кунни жараёнида бошдан кечирган ўз ҳис-туйғулари билан ўртоқлашадилар, ўз фикрини ёзма равишда ифодалашни ўрганадилар.

5.1. “Гапнинг тузилиши: қуриш, тарқатиш, бирлаштириш” стратегияси

Гап устида ишлаш учта босқични: қурилиши, ёйилиши ва бирлаштиришни ўз ичига олади. Бу қобилият ўқувчиларга жумлаларни мустақил равишда шакллантириш, уларни матн билан боғлаш имконини беради.

Таълим мақсадлари	Қобилиятларни ривожлантириш <ul style="list-style-type: none">• берилган қолип (структура) бўйича гап тузиш;• содда гапларни ёйиш ва содда гапдан мураккаб гап тузиш;• гапларни боғланган матнда бирлаштириш.
Дифференциация	таълим жараёни, таълим натижаларини тақдим қилиш.
Таълимнинг универсал дизайни	мазмун, жараён, таълим муҳити.
Таълимнинг кутилган натижалари	ўқувчилар гап тузадилар, уларни ёйиқ гапга айлантирадилар ва бир неча қисқа гаплардан кичкина матн тузадилар.
Тавсия қиланган синф	2-4
Керакли материаллар	Гаплар ёзилган карточкалар (бажариладиган иш тартибининг тавсифида мисоллар келтирилган)
Синфда ишни уюштириш шакли	алоҳида, кичик гуруҳларда, умумий гуруҳда ишлаш.
Бажариладиган иш тартибининг тавсифи	Бу стратегия учта босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич: берилган структура бўйича гаплар тузиш. Иккинчи босқич: иккинчи даражали бўлақларни қўшиб содда гапни кенгайтириш. Учинчи босқич: матнда содда гапларни бириктириш.
Стратегияни қўллашдан аввал	карточкалар тайёрлаш: а) гап тузилиши, б) кенгайтириш зарур бўлган содда гап, в) бир неча содда гаплар. Ўқувчиларда карточкаларнинг турли вариантлари бўлиши керак.
Қўллаш пайтида	Биринчи босқич “Қуриш”. 1-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларга карточкадаги гапнинг бўш жойларини ўз сўзлари билан тўлдириб ва яқунлаб гап тузишлари учун тугалланмаган гапларга мисоллар таклиф қилади. Гап тузиш.

Менга.....ёқади.

Менга..... ва.....ёқади.

Мен.....қила оламан.
Мен.....қила олмайман, неғаки
У.....га бормади, чунки.....

2-қадам. Ұқитувчи топшириқни бажариш намунасини намойиш қилади.

3-қадам. Ұқувчилар якка тартибда гапнинг ўзлари тузган оғзаки кўринишини таклиф қилишади.

4-қадам. Ұқувчилар жуфтликда ўзлари тузган гаплар билан ўртоқлашадилар ва уларни муҳокама қиладилар.

5-қадам. Ұқитувчи ўқувчилардан карточкага гапларини ёзишни сўрайди.

Иккинчи босқич “Гапларнинг ёйилиши”

1-қадам. Ұқитувчи ўқувчиларга иккинчи даражали бўлақлар ёрдамида ёйиқ содда гапга айлантириш керак бўлган таклифни киритади.

2-қадам. Ұқитувчи топшириқ намунасини намойиш қилади ва гап қандай сўзлар билан тўлдирилишини, ёйилишини тушунтиради. Ҳар хил сўзларни кўшиш учун саволлар кўринишида йўл-йўриқ бериш мумкин (Қайси? Қандай? Қанақа?), (Қаерда? Қачон? Қаердан?), (Нима? Нимага? ва ҳ.к.).

Гапларнинг ёйилиши

Ит ухляпти.
Кул ранг ит ухляпти.
Кул ранг ит полда ухляпти.
Кул ранг ит ошхона полида ухляпти.
Кул ранг ит югураётганди, энди ошхона полида ухляпти.
Кул ранг ит мушук ортидан югураётганди, энди ошхона полида ухляпти.

3-қадам. Ұқувчиларга бу машқни оғзаки тарзда алоҳида ёки жуфтликларда бажариш таклиф қилинади.

4-қадам. Қайта алоқа олиб, ўқувчилар ўз карточкаларини тўлдиришади.

Учинчи босқич “Бирлаштириш”.

1-қадам. Ұқитувчи ўқувчиларга матн тузиш керак бўлган бир неча гапларни беради.

2-қадам. Ұқитувчи бир мисол орқали бу машқни қандай бажаришни намойиш қилади.

Қисқа гапларни матнга бирлаштириш.

Бола мактабдан келди. Шахмат ерда ётибди. Эрталаб саранжом эди.

Бола мактабдан келди. У шахмат полда сочилиб ётганини кўрди. Эрталаб уйда ҳамма нарса саранжом, озода эди.

3-қадам. Ўқувчиларга топшириқни алоҳида ёки жуфтликда оғзаки бажариш таклиф қилинади.

4-қадам. Ўқувчилар қайта алоқани олганларидан сўнг, ўз матнини ёзадилар.

Қўллашдан кейин Ўқувчилар умумий гуруҳда жавобларнинг ўз вариантларини (хоҳишига кўра) эшиттирадилар.




Уй вазифаси Ўқувчиларга таклиф қилинади:

а) келгуси дарсда ишлаш учун А5 карточкасида тугалланмаган жумланинг структурасини тузиш;

б) ўқувчиларга ёйиқ гапли карточка тузиш топшириғини бериш;

в) ўқувчиларга келгуси дарсда матнда бирлаштириш учун алоҳида қисқа гаплар ёзилган карточка қилиш таклиф қилинади. Карточкага расм қўшиб қўйиш мумкин.

Баҳолаш Ўқувчиларга ушбу смайликлардан фойдаланиб, ўзини ўзи баҳолаш таклиф қилинади:


		
Мен топшириқни аъло бажардим	Мен топшириқни бажаряпман	Менга ёрдам керак

5.2. “Илмий-маърифий матнни қисқача ёзиб олиш” стратегияси


Илмий-маърифий матнни конспект қилиш учун маълумотнинг график ташкилотчисидан фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларга матндан маълумот олиш учун график ташкилотчиларидан бирини танлаш таклиф қилинади. Ишлашнинг бундай тури ўқувчиларга ўқиганларини тушунишга, муҳим маълумотларни эслаб қолишга ва уларни таҳлил қилишга имкон беради.

Таълим мақсадлари	Ўқилган илмий-маърифий матндан асосий ғояни ва уни қўлловчи далилларни чиқара олиш, олинган маълумотларни тузиш ва уни таҳлил қила олиш қобилиятларини шакллантириш.
Дифференциация	таълим жараёни, таълим натижаларини тақдим қилиш.
Таълимнинг универсал дизайни	мазмун, жараён, таълим муҳити.
Таълимнинг кутилган натижалари	<p>Ўқувчилар</p> <ul style="list-style-type: none"> • илмий-маърифий матндан олинган асосий маълумотни тузиш учун график ташкилотчиларни қўллайди; • олинган маълумотни англаш ва эслаб қолиш учун ёзиб борадилар.
Тавсия қилинган синф	3-4
Зарур материаллар	график ташкилотчилар намуналари, илмий-маърифий матнлар
Синфда ишни уюштириш шакли	алоҳида ишлаш
Бажариладиган иш тартибининг тавсифи	Бу стратегия ўқувчилар матнни ўқиб бўлганларидан кейин қўлланади ва улар олдида асосий ва иккинчи даражали маълумотни аниқлаш, уни тузиш вазифаси туради. Бунинг учун ўқувчиларга маълумотнинг график ташкилотчилари вариантларидан бирини танлаш таклиф қилинади.
Стратегияни қўллашдан аввал	Ўқитувчи ўқувчиларга илмий-маърифий матнларни тақдим қилади. Ўқувчилар уларни диққат билан ўқийди.
Қўллаш пайтида	<p>1-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги саволларни беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Сиз нима учун конспект ёзиб бориш – ўрганилаётган материални қисқача ёзиб олиш кераклигини биласизми? • Бу қандай амалга оширилади, биласизми? • Илмий-маърифий матнлар қандай тузилади? Улар нимаси билан бадиий матнлардан фарқ қилади? <p>2-қадам. Конспект ёзиш ва илмий-маърифий матнларнинг тузилишининг муҳимлиги ҳақида олинган жавоблар асосида ўқувчиларга график ташкилотчилардан бирини танлаш таклиф қилинадики, унинг ёрдамида маълумотни яхши тасаввур қилиб конспектлаштириш мумкин бўлсин.</p>


“Сабаб-оқибат боғланиш” график ташкилотчиси




“Таққослаш” график ташкилотчиси



“Кластер” график ташкилотчиси



“Муаммони ҳал қилиш” график ташкилотчиси



3-қadam. Ўқувчилар танланган график ташкилотчини илмий-маърифий матндан танлаб олинган маълумот билан тўлдирадilar.

- Қўллашдан кейин** Ўқувчилар график ташкилотчилар ёрдамида ўрганилаётган мавзунини ўзлаштириш юзасидан саволларга жавоб берадилар.
- Уй вазифаси** График ташкилотчилар устида ишлашни якунлаш.
- Баҳолаш** Ўқувчилар ўз ишларини тақдим қилиши, график ташкилотчидан фойдаланган ҳолда ўқилган илмий-маърифий матн бўйича оғзаки тақдимот қилишлари мумкин.
- Баҳолаш вариантлари** Ўқувчилар ўзларининг ишларини бошқалар баҳолашлари учун стендга жойлаштиришлари мумкин.

5.3. “Менинг куним” рефлексиясига оид стратегия

“Рефлексия” сўзи латинча “reflexio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ортга мурожаат” деган маънони билдиради. С.И.Ожеговнинг луғатида рефлексия инсоннинг, яъни, ўзининг ички ҳолати ҳақида фикр юритиш, ўзини ўзи таҳлил қилиш деб таърифланади. Ўқув кунини охирида ўқувчиларга кунини умумлаштириш, якунини чиқариш учун “Менинг куним” машқлари таклиф қилиниши мумкин.

Таълим мақсадлари ўқувчилар тўпланган тажрибани умумлаштирадilar, ўқув кунини давомида ўзларининг ҳис-туйғулари ва ҳиссиётлари билан бўлишадilar, ўз фикрларини ёзма равишда баён қилишни ўрганадилар.

Дифференциация Таълим жараёни, таълим натижаларини тақдим қилиш.

Таълимнинг универсал дизайни	мазмун, жараён, таълим муҳити.
Таълимнинг кутилган натижалари	<ul style="list-style-type: none"> • ўқувчилар тажриба ва ҳис-туйғуларини таҳлил қиладилар; • ўқув куни якунини чиқарадилар; • ўз саволларини ифодалашади (кейинги ўқув кунига)
Тавсия қилинган синф	2-4
Зарур материаллар	“Менинг куним” шакли
Синфда ишни уюштириш шакли	алоҳида ишлаш
Бажариладиган иш тартибининг тафсифи	бу стратегия ўқув куни якунлангандан кейин қўлланади.
Стратегияни қўллашдан аввал	ўқитувчи ўқувчиларга “Менинг куним” шаклини тақдим қилади.
Қўллаш пайтида	<p>1-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларга ушбу саволларни беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Сиз бугун қандай янги нарсаларни билиб олдингиз? • Бунинг фойдаси сизга тегдими? • Сиз бутун ўқув кунидан кейин қандай туйғуларни ҳис қиласиз? • Сизга нималар жуда ҳам ёқди? • Нималар тушунарсиз бўлди ёки қийинчилик туғдирди? • Сиз эртага нималар ҳақида билишни хоҳлардингиз? <p>2-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларга ўтган ўқув куни ҳақида мустақил ўйлаб кўришни таклиф қилади ва ҳар биридан “Менинг куним” шаклини тўлдириб беришни сўрайди.</p>

МЕНИНГ КУНИМ

Исми _____ Сана _____

Душанба Сешанба Чоршанба Пайшанба Жума
Шанба

Бугун об-ҳаво _____ бўлди.

Бугун менинг кайфиятим _____ бўлди.

Бугун мен _____

Менга жуда ҳам ёқди _____

Мен хоҳлардимки, эртага _____

Қўллашдан кейин Ўқувчилар умумий гуруҳда ўз жавоблари билан ўртоқлашадилар.

Уй вазифаси Йўқ.

Баҳолаш Бу иш баҳоланмайди.





ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Daily Writing Warm-ups, Trisha Callella, 2006 Creative Teaching Press Inc, Huntington Beach, CA 92649,
2. Dean, A Look at the Write Brain, 2019. <https://brainworldmagazine.com/look-write-brain/>
3. Graham, S., Hebert, M. A. Writing to read: Evidence for how writing can improve reading. *A Carnegie Corporation Time to Act Report*. **Washington, DC: Alliance for Excellent Education, 2010.** <https://literacyworldwide.org/blog/literacy-now/2013/10/21/writing-to-read-evidence-for-how-writing-can-improve-reading>
4. <https://learn.cli.org/best-practices/writing-workshop/overview/classroom-culture-and-environment#:~:text=This%20includes%3A%20a%20predictable%20time,%2C%20joyful%2C%20and%20motivated%20writers.>
5. <https://www.schreibmotorik-institut.com/index.php/en/news/reports/465-training-handwriting-skills-instead-of-copying-a-recommendation-from-dr-christian-marquardt-in-an-interview-with-austria-presse-agentur>
6. Longcamp M, Boucard C, Gilhodes JC, Velay JL. Remembering the orientation of newly learned characters depends on the associated writing knowledge: A comparison between handwriting and typing. *Human Movement Science*. 2006;25(4–5):646–656
7. Neuroanatomy of Handwriting and Related Reading and Writing Skills in Adults and Children with and without Learning Disabilities: French-American Connections, *Pratiques*. 2016 Dec; 171-172: 3175.
8. Pam A. Mueller and Daniel M. Oppenheimer. The Pen Is Mightier Than the Keyboard: Advantages of Longhand Over Laptop Note Taking, *Psychological Science Online First*, published on May 22, 2014
9. Richards TL, Grabowski TJ, Boord P, Yagle K, Askren M, Mestre Z, Robinson P, Welker O, Gulliford D, Nagy W, Berninger. NeuroimageClin. Contrasting brain patterns of writing-related DTI parameters, fMRI connectivity, and DTI-fMRI connectivity correlations in children with and without dysgraphia or dyslexia. 2015; 8():408-21.
10. Sundem G., *Improving Student Writing Skills*, Shell Education, USA, 2007, p. 51.
11. Trisha Brummer, M.S.Ed., and Sarah Kartchner Clark, *Writing Strategies for Mathematics*, Shell Education, 2008
12. *Writing in the Classroom to Learn, to Demonstrate Learning and for Publication* <https://education.ky.gov/curriculum/conpro/writing/Documents/Writing%20in%20the%20Classroom.pdf>
13. Бейти К. Литературный марафон: как написать книгу за 30 дней. – 4 изд. – М.: Манн, Иванов, Фербер, 2019. – 208 с.
14. Бенке К. Пиши ещё! Руководство для начинающего писателя. –М.: Альпина Аблицер», 2018. – 256 с.
15. Визнер К. Живой текст: как создавать глубокую и правдоподобную прозу. Перевод с англ. Марии Сухотиной. – 2 изд. – М.: «Манн, Иванов, Фербер», 2019. – 304 с.
16. Готтштал Дж. Как сторителлинг сделал нас людьми. –М.: Колибри, 2020. – 272 с.
17. Зинсер У. Как писать хорошо. Классическое руководство по созданию нехудожественных текстов. –М: Альпина Паблицер, 2017. – 292 с.
18. Как писать крутые тексты. – М.: Манн, Иванов, Фербер, 2018. – 96 с.
19. Книга моих историй. –М.: Манн, Иванов, Фербер, 2014. – 96 с.
20. Лемов Д. Мастерство учителя. Проверенные методики выдающихся преподавателей. – М.: Манн, Иванов, Фербер, 2014. – 416 с.

21. Львов М.Р., Рамзаева Т.Г., Светловская Н.Н. Методика обучения русскому языку в начальных классах. – М: Дрофа, 2020.– 160 с.
22. Низовская И.А. Книжки пишем сами. Методическое пособие для педагогического сопровождения учителей начальных классов. – Б.: ОсОО «Папирус Принт», 2017. – 54 с.
23. Ньюбургер Э. Банка с историями: Играем, придумываем, рассказываем. – М: Манн, Иванов и Фербер, 2016. – 136 с.
24. Чамберс Э. Рассказы. Читаем, думаем, рассуждаем. –М.: Самокат, 2016. – 320 с.



ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН РЕСУРСЛАР

1. Амонашвили Ш.А. Основы формирования письма и развития письменной речи в начальных классах: Автореф. дис. д-ра психол. наук. – М., 1972. – 45 с.
2. Выготский Л.С. Мышление и речь. // Избранные психологические исследования. – М.: Изд-во АПН РСФСР, 1956. – 519 с.
3. Низовская И.А. Словарь программы «Развитие критического мышления через чтение и письмо». — Б.: 2012. – 158 с.
4. Низовская И.А., Задорожная Н.П., Матохина Т. А. Учимся мыслить критически. – Бишкек: Макспринт, 2011. – С. 130
5. Стил Д.МередисК., Темпл Ч. Сынчыл ойломдун өнүгүшүнөө бөлгө түзгөн методдор. – Бишкек, Сорос – Кыргызстан, 1997.
6. Халперн Д. Психология критического мышления. – СПб.: Питер, 2000.– 512 с.
7. Эсенгулова М., Асекова Ж. «Сынчыл ой жүгүртүүнү өстүрүү үчүн окуу жана жазуу» программасынын хрестоматиясы. – Бишкек, 2004.
8. Эсенгулова М., Асекова Ж. Мүмкүнчүлүктөрдү кеңейтүү («Окуу жана жазуу аркылуу сынчыл ой жүгүртүүнү өстүрүү» усулунун теориясы жана практикалык тажрыйбасы). – Бишкек, 2008.



ГЛОССАРИЙ

Графема – (юнон. γράφω, “ёзьяпман”) – ёзувнинг энг кичик бирлиги: алифбо ёзиш тизимида – ҳарф.

График ташкилотчилар – тушунчалар, ҳодисалар, предметлар ўртасидаги боғланишни аниқлайдиган воситалар: схемалар, графиклар, доиралар, жадваллар. Маълумот тўплаш, уни узоқ вақт хотирада сақлаш ва кўргазмали тақдим қилиш воситалари. Ёзма иш учун асос яратувчи, ёзувлар олиб бориш жараёни.

Дастлабки билимларни фаоллаштириш – бирор нарсани ўрганишни бошлашдан олдин ўқувчининг мавжуд бўлган тажрибаси асосида билимларни аниқлаш. Бошқача қилиб айтганда “бошланғич” деб аталувчи дастлабки билимлар муҳим аҳамиятга эга, чунки улар асосида ўқувчилар янги билим ва тажрибаларни мазмунли қўллашга тайёрланадилар. Масалан, мактабгача тарбия муассасаларига борган ўқувчиларда мактабгача тарбия муассасаларига бормаган ўқувчиларга қараганда ҳарфлар ва товушлар билан ишлаш тажрибаси кўпроқ бўлиши мумкин, қишлоқ жойларида яшайдиган ўқувчилар эса китобдаги шаҳар ҳаёти ҳақида ёзилган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам тушунмаслиги мумкин.

Ижобий қайта алоқа – ўқувчи учун мақсадли даража ва жорий ўзлаштириш ўртасидаги фарқни бартараф этишга ёрдам берадиган маълумот.

Китобхон кундалиги – бу ўқиганни англаш мақсадида китобхон тажрибаси ҳақидаги ёзув шакли. Ўқувчининг кундалиги бошланғич мактаб ўқувчилари билан ишлашда фойдаланиш тавсия этиладиган улкан имкониятларга эга.

Конспект тузиш (қисқача ёзиб олиш) – (лот. cons-pectus — шарҳ, очерк) китоб, маъруза мазмуни, шу жумладан, асосий қоидалар ва уларни далиллар, мисоллар билан асосланишини ўз ичига олган қисқача ёзма баён.


Моделлаштириш – бу ўқитувчи ўқитишнинг янги концепцияси ёки ёндашувини намоёиш қиладиган ва ўқувчилар эса кузатиш асосида ўрганадиган ўқув стратегиясидир.

Намунали матнлар – бу ўқитувчи ёки ўқувчилар турли мақсадлар билан мурожаат қиладиган бадий асарлардан олинган парчалар ҳамда намуна бўладиган матнлар. Намунали матнлар ўқувчиларга янги стратегияларни ва ёзиш шаклларини синаб кўришда ёрдам беради. Бу ўқувчилар мустақил ёки ўқитувчининг ёрдамида ўқиб чиқиши ёки тушуниши мумкин бўлган матнлар бўлиши керак.

Скаффолдинг – болани, унинг яқин ривожланиш ўрнига йўналтириш учун катталар ташкил қиладиган педагогик ёрдамнинг ўзига хос тури, технологияси. “Скаффолдинг” технологияси ўқув вазифаларини ҳал қилиш бўйича педагог (ёки анча билимдон бошқа манба) ва ўқувчининг ўзаро боғланиши ҳолатларида рўй берадиган, замонавий муаллифлар томонидан кўрсатма бериш жараёнининг ўзига хос тури сифатида қаралади. “Скаффолдинг” (scaffolding) технологиясининг асосий тавсифи бўлиб ўқувчининг мустақил иши давомида педагог томонидан кўрсатиладиган “сўниб борувчи ёрдам” (fading help) ҳисобланади.

Сўзлар банки – бу шартли банкка (қутича, қопча, конверт, шаффоф файл ва бошқаларга) жойлаштирилган, машқ (бирор мавзуга оид, предмет, синонимлар ёки антонимлар тўплами) ўтказиш учун зарур бўлган сўзлар тўплами.

Сўзлар девори – ўрганилаётган сўзларни жойлаштириш учун ажратилган девор ёки деворнинг бир қисми. Сўзлар ёки ҳарфлар карточкаларга ёзилади, сўзлар маъносининг тасвири билан, ҳар хил рангда, тамғада ва визуаллаштиришнинг бошқа йўллари билан берилиши мумкин. Уқувчилар янги сўзларни, уларнинг имлосини, тасвирини, маъносини ва бошқаларни визуал эслаб қолиш имкониятига эга бўладилар. Сўзлар тўплами мунтазам равишда янгиланиб туради.





Ҳаракатлар режаси

Тренинг якунида ҳар бир иштирокчи ўз педагогик амалиётига Тренинг пайтида олинган билим ва малакаларини жорий қилиш бўйича кейинги хатти-ҳаракатлар режасини тузиши жуда муҳим. Бу режа икки нусхада тузилади. Битта нусхани ўзида қолдиради, иккинчисини ўз тренерига топширади. Бу Режа ҳам иштирокчи учун, ҳам тренер учун муҳим аҳамиятга эга, чунки тренер иштирокчи тренинг пайтида ҳақиқатан нималарни билиб олгани ҳақида маълум даражада қайта алоқа ўрнатади, бу пайтда иштирокчининг унга тақдим қилинган таълим ҳақида фикр юритиш ва олинган тажрибани қўллаш, мукамаллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича ҳаракатларни режалаштириш имконияти бўлади. Бундан ташқари, бу Режа мактабга ташриф буюрган пайтда тренер томонидан иштирокчига келгусида менторлик ёрдамни таъминлайди.

1-қадам: Сиз ҳозирги пайтда нима қилишингиз кераклигини ҳал қилинг.

Сиз тренингадаги ўқишдан олган ва энди ундан осон фойдалана оладиган янги ғояни айтиб беринг:
Бу ғояни ўз ўқитиш жараёнингизда қачон жорий қила оласиз?
Бу ғояни амалга оширишда нималарни ўқитасиз?
Сизнингча, бу ўқувчиларга қандай ёрдам беради?

2-қадам: Кейинги икки ой мобайнида янги стратегияни жорий қилиш режасини тузинг.

Кейинги икки ой мобайнида ўзингизнинг амалиётингизда фойдаланадиган битта стратегияни айтинг.
Мавзуни ва нимани ўқитишингизни айтинг:
Сиз иш бошлайдиган сана:
Бу стратегия ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришини аниқланг:

Сизга керак бўладиган манбалар ва материаллар:

Сизга керак бўладиган ёрдам (агар зарур бўлса):

3-қадам: Фойдаланилаётган янги стратегияни баҳоланг.

Ушбу стратегия ўқувчиларингизга қандай ёрдам берди?

Сиз нимани яхши бажардингиз?

Сизда қандай қийинчиликлар бўлди?

Кейинги сафар нима қилган бўлар эдингиз?

4-қадам: Сиз бундан кейин нима қилишингизни ҳал қилинг.

Кейинги сафар қандай стратегиядан фойдаланишни хоҳлайсиз?